

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРГОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**«ЭЛЕКТР ТЕХНИКАСИ, ЭЛЕКТР МЕХАНИКАСИ ВА ЭЛЕКТР  
ТЕХНОЛОГИЯСИ »КАФЕДРАСИ**

**“МЕТРОЛОГИЯ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ” ФАНИДАН ТАЪЛИМ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**



**ФАРГОНА - 2011**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРГОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**«ЭЛЕКТР ТЕХНИКАСИ, ЭЛЕКТР МЕХАНИКАСИ ВА ЭЛЕКТР  
ТЕХНОЛОГИЯСИ »КАФЕДРАСИ**

**“МЕТРОЛОГИЯ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ” ФАНИДАН ТАЪЛИМ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**ФарПИ услугий  
кенгашида тасдиқланган  
Баён №\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ 2011й.**

**ФАРГОНА - 2011**

Ушбу “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” фанидан таълим технологияси олий таълимнинг 5521300 - “Электротехника, электромеханика ва электротехнология” (ЭЭЭ) ва 5520200 - “Электроэнергетика” (ЭЭ) бакалавриат йўналишлари бўйича таълим олаётган талабалар учун мўлжалланган. Бошқа йўналишлар талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин. Маъruzалар матни янги ўқув режаси ва дастури асосида тузилган.

Маъruzалар матни “ЭЭЭ” кафедраси услубий семинарида муҳокама қилинган. Баён №\_\_\_\_ 2011 йил.

Услубий қўлланма энергетика факультетининг услубий комиссияси томонидан чоп этишга тавсия этилган. Баён №\_\_\_\_ 2011 йил.

Тузувчи: доц. Нигматов Ж.М.

Такризчи: доц. Жабборов Т.К.

**«Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш» фанидан  
маъруза ва лаборатория машғулотлари мавзуларининг соатлар бўйича  
тақсимоти жадвали**

№	Мавзуларнинг номи	Аудитория соатлари	
		Маъруза соати	Лаборатория машғулоти соати
1	Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг кишилик жамиятидаги аҳамияти.	2	-
2	Ўлчов воситалари ва ўлчашлар.	2	6
3	Ўлчашлар бирлигини таъминлаш.	2	6
4	Стандартлаштириш ва шу соҳадаги ташкилотлар.	2	-
5	Стандартлаштириш тизими ва меъёрий хужжатлари.	2	-
6	Стандартлаштириш тартиб-қоидалари ва давлат назорати.	2	2
7	Сертификатлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш.	2	-
8	Сертификатлаштириш қоида-тартиблари ва хукуқий асослари.	2	3
9	Сифатни таъминлаш асослари.	1	-
		<b>17</b>	<b>17</b>

<b>1-мавзу</b>	<b>МЕТРОЛОГИЯ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ КИШИЛИК ЖАМИЯТИДАГИ АҲАМИЯТИ</b>
----------------	--

## 1.1. Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

<p><b>Вақти – 2 соат</b></p> <p><b>Ўқув машғулотининг шакли</b></p> <p><b>Маъруза машғулотининг режаси</b></p>	<p><b>Талабалар сони 30-60 нафар</b></p> <p><b>Кириш, визуал маъруза</b></p> <p>1. Кириш. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг аҳамияти.      2. Ўлчаш ва метрология.      3. Метрологиянинг ривожланиши.      4. Метрологик таъминот ва хизмат.      5. Асосий метрологик тушунчалар.      6. Физиковий катталиклар ва бирликлари тизими.</p> <p><b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг ҳалқ хўжалигидаги аҳамиятини инобатга олиб Республикада қилинаётган ишлар, метрологик таъминотни амалга оширилиши ва масаланинг дунё миқёсида долзарблигини талабаларга сингдириш ва физиковий катталиклар ва бирликлари тизимини физика курсидан ёдларига солиш.</p>
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш масалаларининг долзарблигини тушунтириш;</li> <li>- Илм, фан ва иқтисодиётни ривожланишида ўлчаш ва метрологиянинг ўрнини кўрсатиш;</li> <li>- Метрологияни ривожланиши тарихи билан таништириш;</li> <li>- Ўлчашлар сифати тавсифлари асоси бўлган метрологик таъминот асосларини ўрганиш;</li> <li>- Метрология соҳасидаги ҳалқаро ташкилотлар фаолияти билан таништириш;</li> <li>- Асосий метрологик атама тушунчалар моҳиятини ўрганиш ва аҳамиятини уқиши;</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b></p> <p><b>Талаба:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг давлат ва дунё миқёсида рақобатбардош махсулотларни ишлаб чиқаришдаги аҳамияти ва долзарблигини изоҳлайди;</li> <li>- Илм, фан ва иқтисодиётни ривожланишида ўлчашларнинг аҳамияти ва ўлчашлар ҳақидаги фан метрологиянинг моҳиятини тавсифлайди;</li> <li>- Метрологиянинг ривожланиши тарихини ўрганиб, дунё миқёсида ва Ўзбекистондаги ташкилий ишларни изоҳлайди;</li> <li>- Сифат тавсифлари асоси бўлган метрологик таъминот ташкил этувчиларини асослаб изоҳлайди;</li> <li>- Метрология соҳасидаги ҳалқаро ташкилотлари ташкил этилиши, мақсад ва вазифалари ҳамда аҳамиятини тавсифлайди;</li> <li>- Илм фан, ҳалқаро ва тармоқлараро алоқаларда метрология термин (атама) ларига катта аҳамият берилишини уқади ва асосийларини ўрганади;</li> </ul>

<ul style="list-style-type: none"> <li>- Физик катталиклар тизимлари ва ўлчамларини тавсифлаш;</li> <li>- Халқаро бирликлар тизими ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Физик катталиклар тизимлари, турлари ва ўлчамлари ҳақида билимини таснифлайди;</li> <li>- Халқаро бирликлар тизими қабул қилиниши, таснифланиши ва тавсифларини ёдига олади ва шарҳлайди.</li> </ul>
<b>Ўқитиш услуги ва техникикаси</b>	Визуал маъруза, “блиц-сўров”, баён қилиш, Кластер, аклий хужум, тест сўровлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, график органайзерлар.
<b>Ўқитиш шакли</b>	Жамоа, гурух.
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган хона.

## 1.2. Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни		
	Ўқитувчи	Талаба	
1	2	3	
<b>1-босқич Кириш (10 минут)</b>	1.1. Мавзуу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1. Эшитади, ёзиб олади.	
<b>2-босқич Асосий (60 минут)</b>	<p>2.1. Талабалар эътиборини тортиш ва билим даражасини ҳамда савиясини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади:</p> <p>Ўқитувчи визуал материаллардан ва оғзаки нутқдан фойдаланган ҳолда жавобларни инобатга олиб, материални 1-савол бўйича етказишга ҳаракат қиласди.</p> <p>Ўзбекистонда бу масалада қилинган ишларни шарҳлайди.</p> <p>2.2. 2-савол бўйича талабаларни кўрилаётган масалада иштирокини фаоллаштириш учун тезкор савол-жавоб ўтказади:</p> <p>Ўқитувчи саволларга талабалар томонидан берилган жавобларни инобатга олиб, лекин баҳоламасдан визуал материаллар ва оғзаки баён билан терминлар ва графикларни шарҳлайди.</p> <p>2.3. 3-савол бўйича 3.1-илова экранга чиқарилиб табиат ва антропологик бирликлардан жадвал тузиб билгандарича ёзишлари илтимос қилинади. Ёзувлар бўйича таҳлил қилиб масалани ёритади.</p>	<p>2.1. Эшитади.</p> <p>Навбат билан бирбирини тақоррламай фикрларни баён қиласди.</p> <p>Визуал кўргазмалардан фойдаланиб, ҳамда оғзаки баён ёрдамида билишга ҳаракат қиласди.</p> <p>Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади.</p> <p>2.2. Саволларга билганича жавоб беради.</p> <p>Эшитади.</p> <p>Визуал ва оғзаки баён материалларини эслаб қолади ва таҳлил этиб ёзиб олади.</p> <p>2.3. Талабалар бирликларни билгандарича жадвалга ёзиб ахборот берадилар.</p>	

	<p>Мавзу бўйича метрология ривожланиши тўғрисида ахборот-баён усулида давом этади. Саволларга жавоб беради.</p> <p>2.4. 4-савол бўйича метрологик таъминот атамаси-тушунчаси шарҳланади. 4.2-илова бўйича метрологик таъминот ташкил этувчилари схема ёрдамида баён этилиб асосланади ва талабалар билан муҳокама қилинади.</p> <p>Метрология, хизмати, ўлчашлар бирлиги ва Ўзбекистон Республикасида метрология хизмати билан таништиради.</p>	<p>Эсда сақлаб қолишга харакат қиласди.</p> <p>2.4. Метрологик таъминот атамаси ёдланади. 4.2-илова схемаси чизилиб эслаб қолинади, муҳокамада иширок этади. Эшитади, ёзиб-чизиб олади.</p>
	<p>2.5. 5-савол бўйича метрология атамалари ва уларнинг таърифлари, уларнинг қўлланилиши тўғрисида ахборот-баён ўтказиб, рўйхат бўйича кўп қўлланиладиган атамаларни (5.2-илова) кейинги дарсгача ёдлаб келиш вазифасини топшириади.</p>	<p>2.5. Эшитади, эслаб қолади, уйга бериладиган вазифани 5.2-илова бўйича ёзиб олиб, ёдлаб келади.</p>
3-боскич Якуний (10 минут)	<p>2.6. 6-савол бўйича физикавий катталик ва унинг ўлчамига таъриф шарҳланади, катталиклар таснифланади. Матн бўйича визуал текстлар келтирилиб, асосий ва ҳосилавий катталиклар ва уларнинг ўлчамлари тўғрисида маълумот берилиб, шарҳланади.</p> <p>Халқаро бирликлар тизими ва каррали-улушли бирликлар тўғрисида талабалар билан муҳокама савол-жавоб ташкил этади (6.7 ва 6.8 иловалар).</p>	<p>2.6. Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>6.3-илова бўйича фикрлар билдириади.</p> <p>Эслайди, муҳокамада катнашади.</p>
	<p>3.1. Мавзуга якун ясади ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Саволларга жавоб беради. Тест савол-жавобини ўтказади.</p> <p>Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>Мустақил иш учун уйга вазифалар беради:</p> <p>а) 5.2-илова бўйича тушунчаларни ёдлаб келиш тайинланади.</p> <p>б) Метрология сўзига <u>Кластер</u> тузиб келиш тайинланади</p> <p>в) Кейинги дарс “Ўлчов воситалари ва хусусиятлари” мавзуси бўйича тайёрланиб келишини илтимос қиласди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниклаштиради.</p> <p>Топшириқларни ёзиб олиб тайёргарлик кўради.</p>

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

### **1-савол. КИРИШ. МЕТРОЛОГИЯ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

1.0-илова

#### **Тезкор саволлар:**

- экспортга ишлаб чиқариладиган маҳсулот қандай талабларга жавоб бериши керак;
- экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини иқтисодиётга таъсири борми?
- экспортбоп маҳсулотларни тайёрлашда метрология ва стандартлаштириши роли борми?

1.1-илова

Давлатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб иқтисодий сиёсатнинг актуал йўналишидан бири бўлган ишлаб чиқаришни жадаллик билан кенгайтириб бориш, дунё даражасидаги стандартларга мос маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш долзарб масала деб қаралмоқда.

1.2-илова

Республика Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли” асарида ташқи савдо, иқтисодий , илмий ва маданий алоқаларда белгиланган устувор йўналишларида Республиkanинг экспорт қудратини ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Асарда Республика ичкарисидагина эмас, балки аввало жаҳон бозорида харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш асосий вазифа бўлмоғи даркорлиги кўрсатилган.

1.3-илова

1993 йил 28 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида “Стандартлаштириш”, “Метрология” ва “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш” тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

1.4-илова

Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими, Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими, ўлчашлар бирлигини (ягоналигини) таъминлаш давлат тизимлари Давлат томонидан қабул қилинган Қарорлар асосида ишлаб чиқилди ва татбиқ этилмоқда.

## 2-савол. ЎЛЧАШ ВА МЕТРОЛОГИЯ

2.0-илова

### Тезкор саволлар:

- физикавий катталикларни қайси диапазонларда ўлчаш имконияти яратилған?
- метрология қандай фан, нимани ўрганади?
- ўлчаш деганда қандай иш тушунилади?

2.1-илова

Шу кунларда юздан ортиқ физикавий катталиклар маълум бўлиб, 70 лан ортигини ўлчаш имконияти топилған. Ўлчаш диапазонига мисоллар: узунлик  $10^{-10}$  дан  $10^{17}$  м гача, электр қаршилик  $10^{-6}$  -  $10^{17}$  Ом гача, ток  $10^{-6}$  дан  $10^4$  А гача, қувват  $10^{-15}$  дан  $10^9$  Вт гача ўлчаш имконияти яратилған.

2.2-илова

**Метрология** – ўлчашлар, уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда керакли аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фан

2.3-илова

### Метрология учта бўлимга бўлинади



2.4-илова



2.5-илова

**Ўлчаш** - маҳсус техникавий воситалар ёрдамида тажриба йўли билан физикавий катталиктининг қий-матини топиш

### 3-савол. МЕТРОЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

3.1-илова

Энг қадимги ўлчов бирликлари табиат ва антропологик бирликлардан олиниб, инсоннинг муайян аъзоларига мувофиқликка ёки мойилликка асосланган ҳолда келиб чиқкан.

№	Табиат ва антропологик бирликлари
1	
2	

3.2-илова

Париж фанлар академияси таклифи билан 1791 йилда Франция таъсис этувчи мажлиси ўлчовларнинг метрик тизимини тасдиқлади. Бунда метр бирлиги қилиб Париждан ўтвучи ер меридианининг 40 миллиондан бир қисми қабул қилинди.

3.3-илова

1832 йилда К.Гаусс томонидан физикавий катталиклар ўлчов бирликлари тизимини асосий ва ҳосилавий бирликлар тўплами сифатида таклиф қилинди.

3.4-илова

1875 йилда Парижда 17 давлат томонидан Халқаро конвенсия қабул қилинди ва метрик тизимни такомиллаштириш юзасидан метр ўлчов бирлигига асос солинди.

### 3.5-илова

1960 йил октябрь ойида Парижда ўтказилган ўлчовлар ва тарозилар бўйича XI Бош конференция томонидан Халқаро бирликлар тизими – СИ қабул қилинди.

### 3.6-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисида” ги 1992 йил 2 март 93-сонли қарорига мувофиқ тегишли вазифалар Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш метрология ва сертификация маркази “Уздавстандарт” – стандартлаштириш бўйича миллий идора зиммасига юклатилди.

### 3.7-илова


Бу идора Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сонли қарорига биноан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига айлантирилди (“Ўзстандарт” агентлиги).

## 4-савол. МЕТРОЛОГИК ТАЪМИНОТ ВА ХИЗМАТ

### 4.1-илова

**Метрологик таъминот** – ўлчашлар бирлигини таъминлаш ва талаб этилган аниқликка эришиш учун зарур бўлган техникавий воситалар, тартиб ва қоидаларнинг, меъёрларнинг, илмий ва ташкилий асосларнинг белгиланиши ва татбиқ этилиши.

### 4.2-илова



4.3-илова

**Метрология хизмати**, бу давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг ўлчашлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолият.

4.4-илова

**Ўлчашлар бирлиги** (ягона ўлчаш бирлиги) – ўлчашларнинг натижалари қонунлаштирилган бирликларда акс эттирилган ва хатоликлари берилган эҳтимолликда маълум бўлган ўлчаш ҳолати.

4.5-илова



4.6-илова

### МЕТРОЛОГИЯ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

1875 йилда Париж яқинидаги Севр шаҳрида жойлашган ўлчовлар ва тарозилар Халқаро бюроси ташкил этилди.

Бу ташкилот фаолиятига раҳбарлик қилиш учун ўлчовлар ва тарозилар Халқаро қўмитаси таъсис этилган. 4 йилда бир марта Бош конференция томонидан қўмита аъзолари сайланади.

1956 йилда Халқаро миқёсда метрология соҳасида қонунлаштирувчи ташкилот (МОЗМ) тузилди. 80 дан ортиқ давлатлар аъзо. Расмий тили – француз тили.

## **5-савол. АСОСИЙ МЕТРОЛОГИК ТУШУНЧАЛАР**

5.1-илова

Ўзбекистонда метрология атамалари ва уларнинг таърифлари УзРСТ 8.010-93 (ГОСТ16263-70) ва давлатлааро тавсиявий ҳужжат РМГ-29-99 да келтирилган ва ўрнатилган.

5.2-илова

Ўзбекистон худудида қўлланиладиган ҳар қандай норматив (меъёрий) техник ҳужжатларда ишлатиладиган метрологик атамалар расмий ўрнатилган атамаларга мос бўлмоғи керак.

5.3-илова

Кейинги дарсга таърифлари ёдлаб келинадиган атамалар:

Метрология, метрологик таъминот, метрология хизмати, ягона ўлчаш бирлиги, бирлик эталони, ўлчаш, ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш, метрологик аттестация, ўлчовларни бажарилиши услубияти, физикавий катталиқ, физикавий катталиқ ўлчами.

## **6-савол. ФИЗИКАВИЙ КАТТАЛИКЛАР ВА БИРЛИКЛАР ТИЗИМИ.**

6.1-илова

Ўз РСТ 8.010-93 бўйича **физикавий катталиқ** – сифат томонидан кўпгина физикавий объектларга (физикавий тизимларга, уларнинг ҳолатларига ва уларда ўтаётган жараёнларга) нисбатан умумий бўлиб, миқдор томонидан ҳар бир объект учун хусусий бўлган хосса деб таърифланади.

6.2-илова

Физикавий катталикнинг **ўлчами** деб айрим моддий объект, тизим, ҳодиса ёки жараёнга тегишли бўлган физикавий катталикнинг миқдорига айтилади.

## ФИЗИКАВИЙ КАТТАЛИКЛАР ТАСНИФЛАНИШИ



Физикавий катталикларнинг ўзаро боғлиқликлари таҳлилидан бир-бира боғланмаган фақат бир нечта катталиклар бирликларини белгилаш мумкин. Масалан учта катталик: узунлик, вақт, тезлик орасида боғловчи тенглама бор:

$$V = \frac{L}{t}.$$

Бунда иккитаси мустақил, учинчиси эса, булар орқали ифодаланади. Шундан катталиклар икки гурухга бўлинади: **асосий** ва **хосилавий** катталиклар.

## 6.5-илова

Катталиктин тизимдаги асосий катталиклар билан боғлиқлигини кўрсатадиган ва пропорционал коэффициенти бирга тенг бўлган ифода физикавий катталиктин **ўлчамлиги (dimension)** дейилади. Асосий катталикларнинг ўлчамлиги мос бош ҳарфлар билан белгиланади. Масалан:  $\text{dim}(l)=L$ ;  $\text{dim}(t)=T$ ;  $\text{dim}(m)=M$ ;  $\text{dim}(t^\circ)=\theta$ .

Ҳосилавий физикавий катталикларнинг ўлчамлиги физикадаги катталиклар орасидаги тенгламаларда даражаланганига мос келадиган даражадаги асосий катталикларнинг ўлчамлиги кўпайтмаси орқали аниқланади; Масалан, тезлик

$$\text{dim}(v)=\text{dim}(l)/\text{dim}(t)=LT^{-1}$$

## 6.6-илова

Ҳосилавий физикавий катталиклар орасида барча кўрсаткичлари ўлчамлик ифодасида нолга тенг бўлган катталиклар **ўлчамсиз** дейилади.

## 6.7-илова

1960 йил октябрь ойида Парижда ўтказилган ўлчовлар ва тарозилар бўйича XI Бosh конференция томонидан Халқаро бирликлар тизими – СИ қабул қилинди.

### Халқаро тизимдаги асосий ва қўшимча бирликлар жадвали

№	Катталик		Катталиктин ўлчов бирлиги		
	номи	ўлчамлиги	номи	халқаро (ўзбекча)	руса
1	2	3	4	5	6
I. Асосий бирликлар					
1	Узунлик	L	метр	m	м
2	Масса	M	килограмм	kg	кг
3	Вақт	T	секунд	s	с
4	Электр токи кучи	I	ампер	A	А
5	Термодинамик ҳарорат	$\theta$	кельвин	K	K
6	Модда миқдори	N	моль	mol	мол
7	Ёруғлик кучи	J	кандела	cd	кд
II. Қўшимча бирликлар					
1	Ясси бурчак	1	радиан	rad	рад
2	Фазовий бурчак	1	стерадиан	sr	ср

## Каррали-улушли бирликлар

Ўнли кўпай- тувчи	Олд кўшим- ча	Олд қўшимча белгиси		Ўнли кўпай- тувчи	Олд кўшим- ча	Олд қўшимча белгиси	
		Халқаро (ўзбекча)	Русча			Халқаро (ўзбекча)	Русча
$10^{18}$	экса	E	Э	$10^{-1}$	деци	d	д
$10^{15}$	пета	P	П	$10^{-2}$	санти	c	с
$10^{12}$	тера	T	Т	$10^{-3}$	милли	m	м
$10^9$	гига	G	Г	$10^{-6}$	микро	$\mu$	мк
$10^6$	мега	M	М	$10^{-9}$	нано	n	н
$10^3$	кило	k	к	$10^{-12}$	пико	p	п
$10^2$	гекто	h	г	$10^{-15}$	фемто	f	ф
$10^1$	дека	da	да	$10^{-18}$	атто	a	а

### ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. «Стандартлаштириш», «Метрология» ва «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш” тўғрисидаги Қонунлар қачон қабул қилинган?**

- 1. 1993 йил 28 декабрда.
- 2. 1991 йил 28 ноябрда.
- 3. 1998 йил 20 апрелда.
- 4. 2002 йил 3 октябрда.

**2. Метрология учта бўлимга бўлинади. Қуйидагилардан қайси бири бу бўлимларни таркибиغا кирмайди?**

- 1. Назарий.
- 2. Амалий.
- 3. Фалсафий
- 4. Қонунлаштирилган.

**3. Қачондан бошлаб “Ўздавстандарт” “Ўзстандарт” агентлигига айлантирилган?**

- 1. 2004 йил 15 октябрдан.
- 2. 2002 йил 3 октябрдан.
- 3. 2008 йил 4 ноябрдан.
- 4. 1992 йил 2 мартдан.

**4. Ўлчашларнинг натижалари қонунлаштирилган бирликларда акс эттирилган ва хатоликлари берилган эҳтимолликда маълум бўлган ўлчаш холати нима дейилади?**

- 1. Ўлчашлар бирлиги.
- 2. Метрологик таъминот.
- 3. Метрологик хизмати.
- 4. Метрология.

**5. Халқаро бирликлар тизими (СИ) таркибида нечта асосий ва қўшимча бирликлар назарда тутилган?**

- 1. 5 та асосий ва 4 та қўшимча.
- 2. 2 та асосий ва 7 та қўшимча.
- 3.6 та асосий ва 3 та қўшимча.
- 4.7 та асосий ва 2 та қўшимча.

## **1-МАВЗУ МАЪРУЗА МАШГУЛОТИ БЎЙИЧА ХУЛОСА**

1. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспортбоп бўлишини таъминланиши давлатнинг иқтисодий сиёсатидаги актуал масалаларни ҳал этилишига асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун тегишли соҳалардаги мутахассислар экспортга лойиқ маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан йўналтирувчи фан “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” фани асосларини билишлари ва амалда қўллашлари даркор.

2. Республикада метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасидаги ишларни долзарб вазифа эканлигига алоҳида эътибор берилиб Мустақиллигимизнинг илк бошланғич йиллари Президент И.А.Каримов томонидан “Метрология”, “Стандартлаштириш” ва “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш” қонунларига 1993 йил 28 декабрдан имзо қўйилиши ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қатор қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар чиқарилишидир.

3. Фанни ўрганишда метрологик таъминот ва хизмат, метрология бўйича Халқаро ташкилотлар, асосий метрологик атамалар, физикавий катталиклар ва уларнинг бирликлари бўйича тегишли билимларга эга бўлиш фаннинг давомини ўрганишда зарур манба ҳисобланади.

## 2.1. Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони 30-60 нафар
Ўкув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўлчов воситалари ва хусусиятлари.</li> <li>2. Ўлчов воситаларини хатоликлари ва меъёрланиши.</li> <li>3. Ўлчаш ва ўлчаш усуллари.</li> <li>4. Ўлчашларни турлари ва хатоликлари.</li> </ol>
<p><b>Ўкув машғулотининг мақсади:</b> Ўлчов воситалари, турлари ва хусусиятлари ҳамда хатоликлари ва меъёрланиши билан танишиб асбобларни танлашни ўрганиш. Ўлчаш усуллари, ва хатоликларини ўрганиб ўлчаш экспериментини кўйиш, ўлчаш аниқлигини топишни билиш малакасини ҳосил қилиш.</p>	
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўлчов воситалари ва турлари, таснифланиши ҳамда хусусиятларини тушунтириб, таништириб, таҳлилий хulosалар қилишни ўргатиш;</li> <li>- Ўлчов воситаларини хатоликларини келиб чиқиш сабаблари, уларни аниқлаш ва меъёрланиши ҳамда аниқлик синфлари тўғрисида билимлар бериш;</li> <li>- Ўлчаш жараёни, элементлари билан танишиш, ўлчаш усуллари асосида асбоблар курилишини тушунтириш;</li> <li>- Ўлчаш сифатини таъминланиши олинадиган ахборотларни сифатига таъсирини таҳлил этиш;</li> <li>- Ўлчашларни таснифланиши орқали ўлчашлар ўтказишига, ўлчаш хатоликларини таҳлил эта билиш орқали ўлчашларни тўғри ташкил этишни ўргатиш.</li> </ul>	<b>Ўкув фаолиятининг натижалари:</b> <p><b>Талаба:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўлчов воситаларини метрология талаблари асосида таснифлашни ва мўлжалланишига қараб воситалар турларини таҳлил қилиш ва холоса чиқаришни ўрганади;</li> <li>- Ўлчов воситалари хатоликларини келиб чиқиш сабабларини ўрганиб, хатоликларни ифодаланиши бўйича ҳисоблаб топиш малакасини ҳосил қиласди. Хатоликларни меъёрланиши тўғрисида маълумот олиб аниқлик синфларини изоҳлади;</li> <li>- Ўлчаш нима, қандай жараён, ўлчаш элементлари вазифаси деган саволларга жавоб топади, ўлчаш усулларини ўрганиб, асбоблар қурилиши тўғрисида фикр юритади.</li> <li>- Ўлчовлар сифати таснифи билан танишиб, ўлчаш ахбороти сифатига таъсирини изоҳлади;</li> <li>- Ўлчашларнинг турлари билан танишади, уларнинг таърифини изоҳлади, ўлчаш хатоликларини ўрганади ва ўлчаш ўтказишида қўллаш малакасини ҳосил қилишга фикр юритади.</li> </ul>
<b>Ўқитиш услуби ва техникаси</b>	Визуал маъруза, “блиц-сўров”, баён қилиш, Кластер, “Хайёк” техникаси, ақлий хужум, тест сўровлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, график органайзерлар.
<b>Ўқитиш шакли</b>	Жамоа, гурух.
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган хона.

## 2.2. Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқич-лар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1- босқич. Кирин</b>	<p>1.1. Олдинги маъруза машғулоти бўйича блиц-сўров ўтказиб, талабалар ўзлаштиришини эътиборга олади.</p> <p>1.2. Мавзуу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижаларни маълум қиласди.</p>	<p>1.1. Эшитади, билганича жавоб беради.</p> <p>1.2. Эшитади, ёзиб олади.</p>
<b>2-босқич. Асосий (60 минут)</b>	<p>2.1. 1-савол бўйича янги мавзуга жалб этиш ва талабалар савиясини билиш мақсадида “Ўлчов воситалари” га Кластер тузишни таклиф этади ва ёзув доскасида ўтказди, шархлайди.</p> <p>Ўлчов воситаси таърифини экранга чиқаради ва кетма-кетликда уларни метрологик вазифалари бўйича бўлинишини айтиб графикни намойиш этади ва таърифлайди;</p> <p>Ўлчов воситаларини мўлжалланишига қараб таснифланишини изоҳлайди ва графигини намойиш қилиб оғзаки равишда баён қиласди. Ўлчов асбоби мисолида қатор аломатлари бўйича таснифлайди ва унинг учинчи поғонасини талабаларга ҳавола қиласди (1.4-илова).</p> <p>Метрологик тавсифларини визуал кўрсатиб изоҳлаб беради.</p>	<p>2.1. Билганича таклифлар беради.</p> <p>Кузатади, чизиб-ёзиб олади. Эслаб қолади.</p> <p>Кузатади, чизиб олади, эшитади, фикр юритади, таклиф қиласди.</p> <p>Кузатади, эшитади, эслаб қолади.</p>
	<p>2.2. 2-савол бўйича ўлчов воситаси хатолиги деганда нима тушунилади? Деб талабаларга ақлий хужум қиласди. Жавобларни эшитади, маъкул-лайди ва 2-савол бўйича визуал материаллар ва оғзаки баён билан комментарий қилиб савол мағзини чақишга етаклайди. Яъни воситалар хатоликлари ва меъёрланиши бўйича талабаларда билим ҳосил қилишга интилади.</p> <p>Хатоликларни ифодаланиши бўйича бўлинишига қараб таърифларини беради ва ифодаларини ёритади. Аниқлик синфи тушунчасига эътибор бериб тушунтиради. Хатоликлар бўйича “Ха-йўқ” техникасини қўллайди.</p>	<p>2.2. Ўртага ташланган савол бўйича ўйлади, билганича жавоб беради, эшитади. Визуал материаллар ва оғзаки тушунтириш ёрдамида билим ҳосил қилишга интилади.</p> <p>Кузатади, эшитади, эслаб қолади.</p> <p>“Ха-йўқ” саволларига жавоб беради.</p>
	<p>2.3. 3-савол бўйича талабалардан ўлчаш деганда нимани тушунилади? деб сўрайди ва жавобларни эшитиб изоҳлайди, сўнгра саволни ёритишга киради.</p> <p>Ўлчаш структурасини намойиш этиб, жараённи оғзаки сўзлаб беради. Ўлчашларга тегишли асосий атамалар таърифларини экранга чиқаради ва изоҳлайди.</p> <p>Ўлчаш усулларини ёритади ва ўлчаш сифатига алоҳида эътиборни қаратади.</p>	<p>2.3. Ўртага ташланган саволни эшитади, мулоҳаза қиласди, эслайди ва жавоб ҳозирлайди.</p> <p>Ўлчаш бўйича тегишли билимларни эгаллашга харакат қиласди.</p> <p>Эшитади, эслаб қолади.</p>
	2.4. 4-саволни ёритишида блиц-сўров ўтказади (4.0-илова).	2.4. Эшитади, ўйлади, эслайди, мулоҳаза

	<p>Талабаларни жонлантириб, қани ким айтади?, сиз айта оласизми?, яна ким айта олади? деган саволлар билан ақлий хужум қиласы. Жавобларни эшитиб мавзуны ёритишга ўтар экан талабалар жавобларини иложи борича аслига яқинлаштиришга ҳаракат қиласы.</p> <p>Саволни ёритиш давомида таърифлар ва визуал графиклардан фойдаланади.</p>	<p>қиласы ва логик фикр юритиб жавоб беришінде қолынан қолады.</p> <p>Эшитади, күзатади, ёзиб-чизиб олади, билганича жавоб беради ва эслаб қолышта қолады.</p>
<b>3-боскич Якуний (10 минут)</b>	<p>3.1. Мавзуга якун ясайди, талабалар эътиборини хуносага қаратади. Саволларга жавоб беради. Тест савол-жавоби ўтказади, дарсда фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>Асосий терминлар таърифларини ёдлаб олишни таклиф этади. .</p> <p>“Ўлчов воситалари” га тузилган Кластерни такомиллаштиришни тайинлайди. Илгариги машғулот Кластерини таҳлил учун топширишларини сўрайди.</p> <p>Кейинги дарс “Ўлчашлар бирлиги тўғрисида” мавзуси бўйича тайёрланиб келишни илтимос қиласы.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Тестларни жавобларини топишида иштирок этади.</p> <p>Топшириқларни ёзиб олади, ёдлайди.</p> <p>Олдинги дарсдаги топшириқни бир варагда топширади.</p> <p>Тайёргарлик кўради.</p>

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1.1.0-илова

### **ОЛДИНГИ МАШГУЛОТ БЎЙИЧА “БЛИЦ-СЎРОВ” САВОЛЛАРИ**

1. “Стандартлаштириш”, “Метрология” ва “Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш” тўғрисидаги қонунлар қачон қабул қилинган?
2. “Метрология” фанини таърифини ким айтади?
3. Метрология бўйича қандай Халқаро ташкилотларни биласиз?
4. Электр ва магнит катталиклар қандай катталикларга бўлинади?
5. СИ бирликлар тизими қачон қабул қилинган ва нечта асосий, қўшимча бирликлари бор?

## 1-савол. ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

1.0-илова


“Ўлчов воситалари” га Кластер тузилади. Ёзув доскасида ўтказилади.

1.1-илова

Ўлчов воситаси деб ўлчашлар учун қўлланиладиган ва меъёрланган метрологик хоссаларга эга бўлган техникавий воситага айтилади.


1.2-илова

Ўлчов воситалари метрологик вазифалари бўйича **эталонлар**, **намунавий** ва **ишчи** воситаларга табақаланади.




1.3-илова

Ўлчов воситалари мўлжалланишига қараб **ўлчовлар**, **ўлчов ўзгарткичлари**, **ўлчов асбоблари**, **ўлчов қурилмалари** ва **ўлчов тизимлари**га бўлинади.



**Үлчов асбоби** – кузатиш учун қулай қўринишли шаклда ўлчаш маълумоти сигналинин ишлаб чиқишига мўлжалланган ўлчов воситаси. Ўлчов асбоблари қатор аломатлари бўйича тавсифланади.



Ўлчов воситасининг техникавий даража ва сифатини баҳолаш учун ҳамда ўлчаш хатолигининг асбобий ташкил этувчисини ҳисбий баҳолаш учун мўлжалланган ва ўлчаш натижалари билан хатоликларга таъсир этадиган ўлчов воситаси хоссаларининг тавсифига ўлчов воситасининг **метрологик тавсифи** дейилади. .

## Ўлчов воситасининг метрологик тавсифларини таснифланиши



## 2-савол. ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИНГ ХАТОЛИКЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАНИШИ

2.0-илова

Ўлчов воситаси хатолиги деганда нима тушунилади?

2.1-илова

Ўлчов воситалари **хатоликлари** турли аломатларига қараб таснифланади:

1. Ўлчов катталигининг вақт бўйича ўзгаришига қараб ўлчов воситаларининг хатоликлари **статик** ва **динамик** хатоликларга бўлинади.
2. Хатоликлар келиб чиқиш шароитларига қараб **асосий** ва **қўшимча** хатоликларга бўлинади.
3. Ўлчов воситасини хатолиги кириш сигналини ўзгаришига боғлиқлиги бўйича **аддитив** ва **мультиплекативларга** бўлинади.
4. Ўлчов воситалари хатоликларини ҳосил бўлиш жойига қараб **усулий** ва **асбобий** хатоликларга бўлинади.
5. Ўлчов воситаларининг хатоликлари ифодаланиши бўйича **мутлақ** (абсолют), **нисбий** ва **келтирилган** хатоликларга бўлинади.

2.2-илова

Ўлчов асбобининг **мутлақ** хатолиги деб, асбобининг кўрсатуви  $x_k$  билан ўлчанаётган катталиктининг чинакам қиймати  $x_u$  орасидаги айирмага айтилади ва  $\Delta$  билан белгиланади:

$$\Delta = x_k - x_u .$$

2.3-илова

Мутлақ хатолик  $\Delta$  нинг тескари ишораси билан олинган қиймати тузатма деб аталади ва  $\Delta_t$  билан белгиланади,  $\Delta_t = -\Delta$ .

2.4-илова

Ўлчов асбобининг **нисбий** хатолиги деб, ўлчов асбобининг мутлақ  $\Delta$  хатолигининг ўлчанаётган катталиктининг чинакам қийматига бўлган нисбатига айтилади ва  $\delta$  билан белгиланади. Нисбий хатолик фоизларда ифодаланиши мумкин:

$$\delta = \frac{\Delta}{x_u} \cdot 100, \%$$

## 2.5-илова

Үлчов асбобининг **келтирилган** хатолиги ( $\gamma$ ) деб, үлчов асбобининг мутлақ хатолигини унинг меъёрловчи  $x_M$  қийматига бўлган нисбатига айтилади ва фоизларда ифодаланади:

$$\gamma = \frac{\Delta}{x_M} \cdot 100, \%$$

## 2.6-илова

Үлчов асбобининг вариацияси. Ташқи муҳит ўзгармаган шароитда бир хил катталик ўлчангандаги асбоб кўрсатишларининг фарқига асбоб кўрсатишнинг **вариацияси** дейилади.

## 2.7-илова

Үлчов воситасининг **аниқлик синфи** деб үлчов воситасининг энг катта рухсат этилган асосий ва қўшимча хатоликлар билан ҳамда аниқликка таъсир этадиган ва қийматлари тегишли стандартларда белгиланган бошқа хусусиятлар ифодаланадиган умумлаштирилган тавсифга айтилади.

## 2.8-илова

Агарда асбобнинг аддитив хатолиги мультиплекатив ташкил этувчи хатоликдан кўп бўлса аниқлик синфи **бир сон** билан, агарда иккала хатолик ўлчовдош бўлса **каср** билан ифодаланади.

Биринчи ҳолда белгиланган аниқлик синфи сон қийматидан асбобнинг келтирилган хатолиги ортиб кетмаслиги керак. Иккинчи ҳолда аниқлик синфи  $c/d$  каср билан ифодаланган асбобнинг нисбий хатолигини чегаравий қиймати қуидаги ифодадан топилади:

$$\delta = \pm \left[ c + d \left( \left| \frac{x_k}{x} \right| - 1 \right) \right],$$

$x_k$  - ўлчаш диапазонини катта қиймати;  $x$  - ўлчанаётган катталик қиймати;  $c, d$  - доимий сонлар,  $(c/d) > 1$  бўлади.

**2-МАЪРУЗА 2-САВОЛ БЎЙИЧА**  
**“ХА-ЙЎҚ” ТЕХНИКАСИНИ ҚЎЛЛАНИШИ**

№	Саволлар	“Ҳа”	“Йўқ”
1	Ўзгармас катталикни ўлчаганда ўлчов воситаси статик хатолиги мавжуд бўладими?	+	-
2	Асбобни ишлатиш шароитида таъсир этувчи катталиклардан бирининг қийматини белгиланганидан оғиши натижасидаги хатолиги асосий хатолик ҳисобланадими?	-	+
3	Агарда ўлчанаётган катталик ўзгаришига асбобнинг хатолиги боғлиқ бўлмаса аддитив хатолик дейиладими?	+	-
4	Асбобнинг кўрсатуви билан ўлчанаётган катталик чинакам қиймати орасидаги айирма нисбий хатолик дейиладими?	-	+
5	Агарда асбобнинг циферблатида аниқлик синфи 1,0 деб ёзилган бўлса, бу энг катта йўл қўйилиши мумкин бўлган келтирилган хатолики билдирадими?	+	-

**3-савол. ЎЛЧАШ ВА ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ**

3.0-илова

Ўлчаш деганда нима тушунилади?


3.1-илова

Ўлчашнинг маъноси ўлчашнинг асосий тенгламаси  $Q = q[Q]$  дан келиб чиқади;  $Q$  - физикавий катталик қиймати;  $q$  - физикавий катталикнинг миқдорий қиймати;  $[Q]$  - физикавий катталиктининг бирлиги.

Ўлчаш жараёни физикавий катталик ўлчамини кўп қийматли ўлчов  $q[Q]$  - томонидан бошқариладиган чиқувчи катталик билан солишитиришдан иборат.

3.2-илова

## ЎЛЧАШНИНГ СТРУКТУРА СХЕМАСИ



3.3-илова

**Ўлчаш** – бу мураккаб жараён бўлиб, бунга бир қатор унинг структура элементларини ўзаро боғланиси киритилган бўлади.

Ўлчашнинг биринчи, бошланғич элементи бўлиб, унинг **вазифаси (мақсади)** ҳисобланади. **Вазифани ўлчаш субъекти** – инсон амалга оширади. Вазифани қўйишда **ўлчаш обьекти** белгиланади, ўлчанадиган катталик ажратилади, талаб этиладиган ўлчаш хатолиги аниқланади.

3.4-илова


**Ўлчаш обьекти** – бу реал физикавий обьект бўлиб, унинг хоссаси битта ёки бир нечта физикавий катталик билан характерланади. Ўлчаш масаласини қўйишда субъект ўлчаш обьекти тўғрисидаги ўлчашгача бўлган ахборот – **априор** ахборотдан фойдаланади.

3.5-илова

**Ўлчаш усули** деганда ўлчаш қонун-қоидалари ва ўлчов воситаларидан фойдаланиб, физикавий катталикни унинг бирлиги билан солишириш йўллари тушунилади.


**Ўлчаш қонун-қоидалари**, бу ўлчашлар учун асос қилиб олинган физикавий ҳодисаларнинг мажмуи.

### 3.6-илова



### 3.7-илова

Хар бир нарсанни сифати бўлганлиги каби ўлчашларнинг сифати ва унинг мезонлари мавжуд. Бу мезонлар ўлчашлардаги асосий тавсифларни ифодалайди.



## 4-савол. ЎЛЧАШЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ХАТОЛИКЛАРИ


4.0-илова

### “Блиц-сўров” саволлари:

- агарда ўлчанадиган катталикни, масалан, кучланишни вольтметр билан ўлчаб натижа олсак қандай ўлчаш дейиш мумкин?
- агарда қаршиликни ўзгармас токда амперметр ва вольтметр ёрдамида олинган ўлчаш натижалари орқали  $R=U/I$  ифода ёрдамида аниqlанса қандай топдик дейиш мумкин?

4.1-илова

Ўлчашларнинг натижасини олишни умумлашган йўллари бўйича ўлчашлар қуидаги турларга бўлинади:



4.2-илова

**Бевосита ўлчаш** – ўлчанаётган катталиктин қийматини тажриба маълумотларидан бевосита топиш.

**Биргаликда ўлчаш** – бевосита ўлчанган катталиклар билан ўлчанаётган катталик орасида бўлган маълум боғланиш асосида ўлчанаётган катталик қийматини топиш.

**Мажмуй ўлчаш** – бир неча номдош катталикларнинг бирикмасини бир вақтда бевосита ўлчашдан чиқсан тенгламалар тизимини ечиб, изланадиган қийматларни топиш.

**Биргаликда ўлчаш** – турли номли икки ва ундан ортиқ катталиклар орасидаги муносабатни топиш учун бир вақтда ўтказиладиган ўлчашлар.

#### 4.3-илова

**Ўлчаш хатолиги** деганда ўлчанаётган катталиктининг ҳақиқий қийматидан ўлчаш натижасининг фарқланиши тушунилади. Сонли ифодаланиши бўйича мутлақ ва нисбий хатоликларга бўлинади.


**Ўлчашнинг мутлақ хатолиги**  $\Delta x$ , бу ўлчанаётган катталиктининг бирлиги орқали ифодаланган ўлчаш хатолиги:  $\Delta x = x_{\text{y}} - x_{\text{q}}$ , бу ерда  $x_{\text{y}}$ - ўлчанганд қиймат;  $x_{\text{q}}$ - чинакам қиймат.

**Ўлчашнинг нисбий хатолиги**  $\delta$ , бу мутлақ хатоликнинг ўлчанаётган катталиктининг чинакам қийматига фоизларда олинган нисбати.  $\delta = (\Delta/x_{\text{q}}) \cdot 100, \%$ .

#### 4.4-илова



#### 4.5-илова



## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Намуна сифатида тасдиқланган ва бошқа ўлчов воситаларини қиёслаш учун мўлжалланган ўлчов, ўлчаш асбоби ёки ўлчаш ўзгарткичи қандай восита дейилади?**

- 1. Нусха эталон.
- 2. Ишчи ўлчов воситаси.
- 3. Давлат эталони.
- 4. Намунавий ўлчов воситаси

**2. Маълум миқдорли физикавий катталикни қайта яратиш учун мўлжалланган ўлчаш воситаси қандай восита дейилади?**

- 1. Ўлчов.
- 2. Бирлик эталони.
- 3. Ўлчов асбоби.
- 4. Ўзгарткич.

**3. Кузатиш учун қулай кўринишли шаклда ўлчаш маълумоти сигналини ишлаб чиқишга мўлжалланган ўлчов воситаси қандай восита дейилади?**

- 1. Ўлчов.
- 2. Бирлик эталони.
- 3. Ўлчов асбоби.
- 4. Ўзгарткич.

**4. Ўлчов воситасининг хатолиги кириш сигнали ўзгаришига мутаносиб равишда ўзгарса қандай хатолик дейилади?**

- 1. Аддитив.
- 2. Мультиплектив.
- 3. Усулий.
- 4. Мунтазам.

**5. Агарда ўлчов асбобининг аниқлик синфи бир сон билан ифодаланса, қайси хатолик меъёrlанган бўлади?**

- 1. Келтирилган.
- 2. Абсолют.
- 3. Нисбий.
- 4. Усулий.

## **«ҮЛЧАШ ВОСИТАЛАРИ ВА ҮЛЧАШЛАР» МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА БЎЙИЧА ХУЛОСА**

1. Ўлчов воситаларини таърифлари, турлари ва хусусиятлари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилинди, хатоликларини таҳлил этиш ва меъёрланиши ҳамда аниқлик синфи орқали асбоблар ҳақида фикр юритиш ва керак бўлганда мўлжалланишига қараб танлаб олиш билимига эга бўлинди.

2. Ўлчаш ва ўлчаш усуллари, турлари билан танишиб чиқилди, ўлчаш хатоликларини пайдо бўлиш сабаблари ўрганилди, натижада тажриба қўйиш малакасига эга бўлиш имконияти туғилди.

### 3.1. Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони 30-60 нафар
Ўкув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1. Ўлчашлар бирлиги тўғрисида.</p> <p>2. Ўлчов бирликлари ўлчамини узатиш усуллари.</p> <p>3. "Метрология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.</p> <p>4. Метрология текшируви ва назорати.</p>
<b>Ўкув машғулотининг мақсади:</b>	"Метрология тўғрисида" ги Республика Қонунининг асосий моҳияти давлатимизда ўлчашлар бирлигини таъминлаш ҳисобланишини ва уни амалга оширилишида "Ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими" (ЎБТДТ) нинг фаолияти ва қонун-талаблари мухим ўрин тутишини режадаги масалаларни ёритиш орқали талабаларда тегишли билимлар ва фикрлар ҳосил қилиш.
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Мамлакатимизда халқ хўжалигининг барча жабҳаларида ўлчашлар бирлигини ва ўлчов воситаларини бирхиллигини аҳамиятини тушунтириш, қатор атамалар тушунчасини ёритиш;</li> <li>- Ўлчашлар бирлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бўлган масала, бу физикавий катталик бирлик ўлчамини бошқа ўлчов воситаларига ўtkазиш мақсадида уни қайта ҳосил қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган эталонлар тўғрисида таҳлилий ахборот бериш;</li> <li>- Ўлчов бирликлари ўлчамини узатиш усуллари, текширув ва синов схемаларини таҳлил этиш ва талабаларда қиёслаш тўғрисида малака ҳосил қилиш.</li> <li>- "Метрология тўғрисида" ги Қонуннинг ўлчашлар бирлигини таъминлашда асосий стратегик ҳужжат эканлигини ва унинг бўлимлари ва моддаларида қўйилган вазифалар – қоидалар аник кўрсатилганлигини таҳлил этиш;</li> </ul>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b> <p><b>Талаба:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Мамлакатимизда халқ хўжалигида ишлатилаётган ўлчов воситаларининг ва ўтказилаётган ўлчашларнинг ниҳоятда кўплиги ўлчашлар бирлигини талаб этилишини яққол тасаввурига эга бўлади. Атамаларни эслаб қолишга уринади.</li> <li>- Ўлчашларни бирлигини таъминлашда энг юқори поғоналарда турган эталонлар, уларнинг турлари, аломатлари, асосий вазифалари бўйича табақаланиши ва кўлланилиши ҳақида таҳлилий билим олади.</li> <li>- Ўлчов бирликлари ўлчамини узатиш усуллари билан танишади, текширув ва синов схемалари ҳақида тегишли билимга эга бўлади, намунавий асбоб танлаш малакасига эришади.</li> <li>- "Метрология тўғрисида" ги Қонунда келтирилган асосий масалалар билан танишади, бўлим ва моддаларида ёритилган кўрсатмаларни таҳлил этиб ўрганади ва амалда кўллаш фикрларини ҳосил қиласди.</li> </ul>

<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўлчашлар бирлигига эришишнинг механизми бўлиб метрология текшируви ва назорати ҳисобланиши ва унинг объектлари, татбиқ этиладиган доиралари, турлари ва амалга оширилиши йўлларини тушунтириш;</li> <li>- Ўлчов воситаларининг қўлланиши қонунийлигини акс эттирувчи амаллар, кўрсатмалар ва ўлчов воситаларини текширилиши натижалари қонунийлигини, текширув турларини таҳлил этиш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Метрология текшируви ва назоратининг асосий вазифалари, обьектлари, татбиқ этиладиган доиралари, турлари ва амалга ошириш йўллари ҳақида фикрлайди.</li> <li>- Ўлчов воситаларини қўлланиши қонунийлигини тасдиқловчи асосий амаллар ва мавжуд хужжатлар билан танишади, воситаларни текшириш турлари, экспертиза ўтказиш масалалари билан танишиб чиқади ва қўнималар ҳосил қиласди.</li> </ul>
<b>Ўқитиш услуби ва техникаси</b>	Визуал маъруза, “блиц-сўров”, баён қилиш, “блиц-ўйин” ва “авторлик” технологияси, тест сўровлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, график органайзерлар.
<b>Ўқитиш шакли</b>	Жамоа, гурӯҳ.
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган хона.

### 3.2. Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқич-лар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1-босқич. Кириш (10 минут)</b>	<p>1.1. Олдинги маъруза машғулоти бўйича блиц-сўров ўтказиб, талabalар ўзлаштириши тўғрисида фикр олади (1.1.0-илова).</p> <p>1.2. Янги мавзуу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан олинадиган натижаларни маълум қиласди.</p>	<p>1.1. Эшитади, билганича жавоб беради.</p> <p>1.2. Эшитади, ёзиб олади.</p>
<b>2-босқич. Асосий (60 минут)</b>	<p>2.1. Янги мавзуу бўйича талabalardagi фикр-мулоҳазаларни билиб олиш учун ўлчашлар бирлигини таъминлаш масаласига оид бир қатор оғзаки саволлар билан талabalарга мурожаат қиласди ва жавобларини эшитиб, режа бўйича мавзуни ёритишга киришади.</p> <p>1-савол бўйича мамлакатимизда халқ хўжалигининг барча жабхаларида ўлчашлар бирлигини ва ўлчов воситаларини бирхиллигини аҳамиятини тушунтириб, экранга 1.1, 1.5-иловаларни чиқаради ва атамаларнинг моҳиятини тушунтиради.</p> <p>Эталонларнинг бир-бирига боғланган аломатларини, уларнинг табақаланишини ва метрологик вазифалари бўйича иккиласмичи этalonларнинг тавсифланиши ҳақида сўз юритади, уларнинг метрологик поғоналардаги ўрнини изоҳлайди.</p>	<p>2.1. Билганича жавоб беради, эшитади.</p> <p>Эшитади, кузатади, ёзиб-чишиб олади. Тушунчаларни эслаб қолишга ҳаракат қиласди.</p> <p>Эталонларни вазифалари ва қўлланиши тўғрисида билим олади, аниқлайди.</p>

	<p>2.2. Ўлчов бирликлари ўлчамини узатиш усуллари саволини ёритишида ўлчов воситаларини метрология талаблари асосида ўлчов бирликлари ўлчамини узатиш усулларидағи вазифалари бўйича намунавий ва ишчи воситаларга тавсифлар беради. Узатиш схемасини экранга намойиш этади. Талабаларга ушбу структура схема моҳиятини изоҳлади.</p> <p>Текширув ва синов ўтказиш схемаларини таҳлил этиб қиёслаш чизмаларини табақаларига тўхтади. Бу чизмаларни аҳамияти ҳақида батафсил ахборот беради ва қўлланиш доираларини изоҳлади.</p> <p>Қиёслаш усуллари билан таништиради. Асбобларни текширишида намунавий асбоб танлашни услубини ўргатади.</p>	<p>2.2. Эшитади, кузатади, ёзиб-чизиб олади ва ўлчов воситаларини бирликларни ўлчамини узатиш схемасидаги ўрни билан танишади ва эслаб қолади.</p> <p>Қиёслаш чизмаларини қўлланиш доирасини аниқлайди.</p> <p>Қиёслаш усуллари билан танишади ва намунавий асбоб танлаш малакасини ҳосил қиласди.</p> <p>Эшитади, ёзиб олади, эслаб қолади ва изоҳлаш қобилиятига эга бўлади.</p>
	<p>2.3. З-савол бўйича “Метрология тўғрисида” ги Республика қонуни матни билан талабаларни қисқача таништиради ва асосий масалаларига эътибор бериб шарҳлаб беради. Ўлчашлар бирлигини таъминлашда Қонун асосий бўлувчи ҳужжат эканлигини таъкидлади.</p> <p>2.4. 4-саволни ёритишида экранга метрология текшируви ва назорати ўлчашлар бирлигига эришишнинг механизми эканлиги тўғрисидаги материалларни чиқаради ва оғзаки маъруза қиласди.</p> <p>Оғзаки маърузада Давлат метрология текшируви ва назорати обьектлари, татбиқ этиладиган доиралар амалга оширилишини ёритади.</p> <p>Экранга 4.3.-4.9. иловаларни чиқариб изоҳлади.</p> <p>Ўлчов воситалари текширувига эътиборни қаратиб, турларини шарҳлади. Метрологик экспертизага тўхтади.</p> <p>“Агар мен текширувчи ёки назоратчи бўлсан” блиц ўйин ташкил этади, талабаларни чорлайди.</p>	<p>2.3. 3-савол бўйича “Метрология тўғрисида” ги Республика қонуни матни билан талабаларни қисқача таништиради ва асосий масалаларига эътибор бериб шарҳлаб беради. Ўлчашлар бирлигини таъминлашда Қонун асосий бўлувчи ҳужжат эканлигини таъкидлади.</p> <p>2.4. Кузатади, эшитади, ёзиб олади.</p> <p>Эшитади, аниқлайди, эслаб қолади.</p> <p>Кузатади, эслаб қолишга ҳаракат қиласди.</p> <p>Тегишли билим олади ва таҳлил қиласди.</p> <p>Фикрлади, ўйинда қатнашади.</p>
<b>3-боскич Якуний (10 минут)</b>	<p>3.1. Мавзу бўйича хулоса қиласди. Талабалардан тушадиган саволларга жавоб беради. Тест савол-жавобини ўтказади.</p> <p>Талабаларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратиш мақсадида “метролог” (авторлик) технологияси асосида метрологик атамаларни катталиклар иборалари билан тўлдиришини таклиф этади ва бир сўзни доскада кўрсатади.</p> <p>Фаол қатнашган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>Кейинги дарс “Стандартлаштириш ва шу соҳа ташкилотлари” мавзусига тайёрланиб келишни илтимос қиласди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради. Тест ечишда иштирок этади.</p> <p>Эшитади, фикрлади, иштирок этади.</p> <p>Ёзиб олади, тайёргарлик кўради.</p>

## **ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР**

1.1.0-илова

### **ОЛДИНГИ МАШГУЛОТ БҮЙИЧА “БЛИЦ-СҮРОВ” САВОЛЛАРИ**

1. Ўлчов воситалари метрологик вазифалари бўйича қандайларга табақаланади?
2. Ўлчов воситалари мўлжалланишига ва бажарадиган функциясига қараб қандайларга бўлинади?
3. Ўлчов воситаларининг хатоликлари ифодаланишига қараб қандайларга бўлинади?
4. Ўлчаш қонун қоидалари йўлларини ва ўлчов воситаларини қўлланишини мажмуи бўйича ўлчаш усуллари қандайларга бўлинади?
5. Ўлчашда муентазам ва тасодифий хатоликлар нимани англатади?

#### **1-савол. Ўлчашлар бирлиги тўғрисида**

1.1-илова

**Ўлчаш бирлиги** – ўлчашлар натижалари қонунлаштирилган бирликларда ифодаланиб, уларнинг хатоликлари белгиланган эҳтимоллик билан маълум бўлиши.

1.2-илова

**Ўлчов воситаларининг бир хиллиги** – ўлчаш воситалари қонунлаштирилган бирликларда даражаланиб, уларнинг метрология хоссалари маълум меъёрларга мос бўлиши.

1.3-илова

**Физикавий катталикнинг бирлигини қайта ҳосил қилиш** - давлат эталони ёрдамида физикавий катталикнинг бирлигини моддийлаштириш бўйича ишлар мажмуаси.


1.4-илова

**Бирлик ўлчамини узатиш** - қиёсланаётган ўлчов воситасида сақланаётган физикавий катталик бирлигининг ўлчамини уларни қиёслаш ёки калибрлашда этalon томонидан қайта ҳосил қилинган ёки сақланаётган бирликнинг ўлчамига келтириш.

1.5-илова

**Бирликнинг эталони** – қиёслаш чизмасининг қўйида турган ўлчаш воситаларига бирликнинг ўлчамини узатиш мақсадида бирликни қайта яратилишини ва сақланишини таъминлайдиган ўлчаш воситаси.


1.6-илова



1.7-илова

Мамлакатда расмий равишда асос қилиб тасдиқланган бир-ламчи ёки махсус эталон **Давлат эталони** деб айтилади.

1.8-илова



1.9-илова

Халқаро миқёсда ўлчашлар бирлигини таъминлаш учун алоҳида мамлакатларнинг Давлат эталонлари даврий равишда бир-бирлари билан солиширилиб турилади. Худди шундай **Парижда** жойлашган **ўлчовлар ва тарозилар халқаро бюросида** сақланадиган халқаро эталонлар билан ҳам солиширилиб турилади.

## **2-савол. ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ ЎЛЧАМИНИ УЗАТИШ УСУЛЛАРИ**

2.1-илова

Физикавий катталикларнинг бирликларини ўлчамлари ишчи эталонлардан юқори аниқликка эга бўлган намунавий ўлчов воситаларига ва айрим ҳолларда жуда катта аниқликка эга бўлган ишчи ўлчов воситаларига узатилади.

2.2-илова

**Намунавий ўлчов воситаси** - намуна сифатида тасдиқланган ва бошқа ўлчаш воситаларини қиёслаш учун мўлжалланган ўлчов, ўлчов асбоби ёки ўлчов ўзгарткичи.


2.3-илова

**Ишчи ўлчов воситаси** - бирлик ўлчамини узатиш билан боғлиқ бўлмаган, ўлчаш учун қўлланиладиган ўлчаш воситаси.

2.4-илова

**Намунавий ўлчаш воситаларининг аниқлик тоифаси** – қиёслаш чизмасининг маълум бир босқичига тегишли бўлган намунавий ўлчаш воситаларининг тоифаси.

Физикавий катталикларни бирликларини ўлчамларини ишчи ўлчов воситаларига узатиш схемаси.



Физикавий катталикларнинг бирликларини ўлчамларини узатиш қиёслаш чизмаси орқали амалга оширилади.

**Қиёслаш чизмаси** – этalon ёки бошлангич намунавий ўлчаш воситасидан ишчи ўлчаш воситаларига бирлик ўлчамини узатиш аниқлигини, воситалар ва усулларини белгилайдиган тартибда тасдиқланган хужжат.

2.7-илова




2.8-илова

**Үлчов воситасини қиёслаш** - Давлат метрология назорати доирасида қўлланиладиган ўлчаш воситасининг яроқлилигини аниқлаш ёки тасдиқлаш мақсадида давлат метрология хизмати идораси томонидан бажариладиган тадбирлар мажмуи.

2.9-илова

**Қиёслаш усули** - қиёслаш чизмасининг юқорида турган ўлчаш воситасидан қўйида турган ўлчаш воситаларига бирлик ўлчамини узатиш усули.

2.10-илова



2.11-илова

Текширувда намунавий ва текширилувчи асбобларнинг ўйлук кўйиладиган хатоликлари орасидаги нисбат, агарда намунавий ўлчов воситасига тузатиш киритиб борилса одатда 1:3 деб олинади. Намунавий асбоб шкаласи бўйича ўлчаш кўлами текширилувчиникидан 25-30 % дан катта бўлмаслиги керак.

2.12-илова

Намунавий асбобнинг аниқлик синфини қўйидаги ифода ёрдамида топиш мумкин:  $K_h < \frac{K_m}{5} \frac{A_t}{A_h}$ , бу ерда  $K_h$  ва  $K_t$  - намунавий ва текширилувчи асбобларнинг аниқлик синфлари;  $A_h$  ва  $A_t$  – тегишли асбоб шкаласининг меъёровчи қиймати.

### **3-савол. “МЕТРОЛОГИЯ ТЎҒРИСИДА” ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ**

3.1-илова

Ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Ўлчашлар бирлигига мамлакатнинг барча хўжалик бошқаруви субъектлари риоя этишлари зарур. Ўзбекистонда ўлчашлар бирлиги **ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими** (ЎБТДТ) нинг амалга оширилиши орқали эришилади (8.001-98).


3.2-илова

Республиканинг “Метрология тўғрисида”ги Қонунига биноан ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини (бирлигини) таъминлашга оид, метрология нормалари ва қоидаларини белгиловчи ҳамда Республика худудида мажбурий кучга эга бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказишни “Ўзстандарт” агентлиги амалга оширади.

3.3-илова

“Метрология тўғрисида” ги қонун (28.12.93) 5 бўлимдан иборат бўлиб, 21 моддани ўз ичига олган. Республикада метрология хизматини йўлга қўйиш ва бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг иштироки ва функциялари, бу борадаги жавобгарликлар бўйича кенг маълумотлар келтирилган.

### 3.4-илова



### 4-савол. МЕТРОЛОГИЯ ТЕКШИРУВИ ВА НАЗОРАТИ

#### 4.1-илова

Ўлчашлар бирлигига эришишнинг механизми бўлиб **метрология текшируви ва назорати** ҳисобланади. Бу давлат метрология хизмати органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизмати томонидан амалга оширилади.

#### 4.2-илова

Давлат метрология текшируви ва назорати асосий қоидалари **"Метрология тўғрисида"** ги қонунда белгиланган ва стандарт ЎзРСТ 8.002.-92 билан регламентлаштирилган яъни нормага солинган. Шу хужжатлар билан давлат метрология текшируви ва назорати объектлари, турлари ва шакллари белгиланган.

#### Матн бўйича:

Оғзаки маъруза қилинади.

- Давлат метрология текшируви ва назорати объектлари;
- Давлат метрология текшируви ва назорати татбиқ этиладиган доиралар;
- Давлат метрология текширувини амалга оширилиши;
- Давлат метрология назоратини амалга оширилиши.

#### 4.3-илова

Давлат метрология текшируви ва назорати татбиқ этиладиган доираларда ўлчашлар учун фақат ўлчов воситаларининг **Ўзбекистон Давлат реестрида** қайд этилган ўлчов воситаларини қўлланишига йўл қўйилади. Қайд этиш синовлар натижалари асосида ва кейинчалик ўлчов воситаларини турларини (хилларини) тасдиқлаш ёки ўлчов воситаларини аттестациялаш натижалари бўйича амалга оширилади.

#### 4.4-илова

Қонунда кўрсатилгандек ўлчов воситаларининг давлат синовларини ўтказиш, уларнинг турларини тасдиқлаш ва Давлат реестрига киритиш “Ўзстандарт” агентлиги томонидан амалга оширилади.

#### 4.5-илова

Кўрсатилган доираларда фойдаланиладиган, ишлаб чиқарилиши ва импорт бўйича четдан олиб келиниши лозим бўлган ўлчов воситалари **давлат синовларидан** (кейинчалик уларни турини тасдиқлаш шарти билан) ёки **метрологик аттестациядан** ўтказилиши лозим.

#### 4.6-илова

Ўлчов воситасининг тасдиқланган турига ва унинг серияли ишлаб чиқарилишига рухсат этилганлиги ҳақидаги **сертификат** 5 йилгача муддатга берилади.

#### 4.7-илова

**Ўлчов воситасининг хили деганда** вазифаси, ишлаш қоидалари ва тузилиши бир хил бўлган ва бир техникавий ҳужжат бўйича ишлаб чиқарилган ўлчов воситаларга тегишли бўлганлигини кўрсатадиган ўлчов воситаларининг гурухли аломатларининг мажмуюи тушунилади.

#### 4.8-илова

**Ўлчов воситасининг тури деганда** маълум бир физикавий катталикни ўлчаш учун мўлжалланган ўлчов воситаларига тегишлигини кўрсатадиган ўлчаш воситаси гурухли аломатларининг мажмуюи тушунилади.

4.9-илова

Текширувдан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг **рўйхати** “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланади.

Бошқа давлатларда амалга оширилган ўлчов воситаларини текшириш натижалари **халқаро шартномалар ва битимлар** асосида эътироф этилади.

4.10-илова



4.11-илова

**Ўлчов воситаларини текшируви** “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган текширув услубларига мувофиқ равища ўтказилади. Текшириш натижаси ўлчов воситасига номланган текширув **тамғаси** нусхаси туширилиши ва (ёки) текшириш **гувоҳномаси** билан тасдиқланади.

4.12-илова

Метрология назоратининг мухим тури ва ўлчашлар бирлигини таъминлашнинг ажралмас қисми бўлиб **метрологик экспертиза** ҳисобланиб, хужжатлар ва турли физикавий обьектлар экспертизасига фарқланади. Экспертиза ўтказиш муддати 30 кундан ортиқ белгиланмайди.



### “БЛИҶ ЎЙИН” ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ушбу технология бўйича талаба ўзини ижрочи сифатида фараз қиласди ва шу рольда нима қилишини фикрлайди ва ёзди, ёки эркин ҳолда фикрини намойиш этади:

“Агар мен текширувчи ёки назоратчи бўлсам”

Жавоблар:

### “МЕТРОЛОГ” (АВТОРЛИК) ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ушбу технологияда метрология терминлари: ўлчаш, бирлик, восита, этalon, ўлчов, ўзгарткич, асбоб, курилма, тизим, хатолик, текширув, назорат кабиларни катталиклар номлари билан тўлдирилади.

В О С И Т А					
а	ғ	и	л	е	с
қ	и	ғ	м	з	б
т	р	и	и	л	о
	л	м	й	и	б
	и			к	
	к				

## **ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. Ўлчашлар натижалари қонунлаштирилган бирликларда ифодаланиб, уларнинг хатоликлари белгиланган эҳтимоллик билан маълум бўлишига нима дейилади?**

1. Ўлчов воситаларини бир хиллиги.
2. Бирлик ўлчамини узатиш.
3. Метрология текшируви ва назорати.
4. Ўлчашлар бирлиги.

**2. Давлат эталонига қайси эталонлар киради?**

1. Бирламчи ва махсус эталон.
2. Бирламчи ва гувоҳ эталон.
3. Солиштириш ва нусха эталони.
4. Гувоҳ ва нусха эталони.

**3. Физикавий катталикларни бирликларини ўлчамларини ишчи ўлчов воситаларига узатиш схемасида намунавий ва ишчи ўлчов воситаларига қайси эталондан бевосита узатилади?**

- |                     |                      |
|---------------------|----------------------|
| 1. Нусха эталондан. | 3. Гувоҳ эталондан.  |
| 2. Ишчи эталондан.  | 4. Махсус эталондан. |

**4. Намунавий асбоб шкаласи бўйича ўлчаш кўлами текшири-лувчиникидан неча фоиз катта бўлмаслиги керак?**

- |            |            |
|------------|------------|
| 1. 25-30%. | 3. 10-15%. |
| 2. 50-55%. | 4. 75-80%. |

**5. Ўлчов воситасининг тасдиқланган турига ва унинг серияли ишлаб чиқарилишига рухсат этилганлиги ҳақидаги сертификат неча йилгача муддатга берилади?**

- |            |           |
|------------|-----------|
| 1. 10 йил. | 3. 3 йил. |
| 2. 5 йил.  | 4. 1 йил. |

## **«ҮЛЧАШЛАР БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ» МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА БЎЙИЧА ХУЛОСА**

1. Ўлчашлар бирлигини таъминлашда мамлакатимиз бошқарув органлари томонидан олиб борилаётган ишлар ва хукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва актлар, айниқса “Метрология тўғрисида” ги қонунни ҳаётга татбиқ этилиши муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

2. Ўлчашлар бирлигини таъминлашда “Метрология тўғрисида” ги қонунда кўрсатилишича унга эришишнинг механизми бўлиб метрология текшируви ва назорати ҳисобланиши сабабидан бу масалага эътибор берилиб юқори даражада назоратда бўлиши керак.

#### 4.1. Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони 30-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1. Стандартлаштириш ва “Стандартлаштириш тўғрисида” Конун.</p> <p>2. Стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ташкилотлар.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси “Ўзстандарт” агентлиги.</p>
<p><b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириши аҳамияти ривожлантирилиши, дунё миқёсида стандартлаштириш масаласига масъулият билан қаралаётганлиги ва мамлакатимизда шу соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишитириш.</p>	
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Халқ хўжалигини ривожланишида стандартлаштиришнинг роли ва аҳамиятини тушунтириш;</li> <li>-“Стандартлаштириш тўғрисида” даги Конун мөхиятини тушунтириш;</li> <li>-Стандартлаштириш мақсад ва вазифаларини шарҳлаш;</li> <li>- Стандартлаштириш соҳасидаги атамалар ва тушунчаларни изоҳлаш;</li> <li>- Стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолияти билан таништириш;</li> <li>- “Ўзстандарт” агентлиги ташкилий тузилмаси, аппарати, худудий бошқармалари билан таништириш ва агентликнинг асосий вазифаларини шарҳлаш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b></p> <p><b>Талаба:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Стандартлаштиришнинг халқ хўжалигинини ривожлантиришдаги роли ва аҳамиятини изоҳлайди;</li> <li>-“Стандартлаштириш тўғрисида” ги Конунда стандартлаштиришни ривожлантиришларини ташкил қилинишини акс эттирилиганинни кўради ва тушунади;</li> <li>-Стандартлаштириш ўзи нима учун керак?, мақсади нима?, қандай вазифаларни хал қиласди? деган саволларга жавоб олади;</li> <li>- Стандартлаштириш соҳасидаги атамалар ва тушунчаларни ўрганади ва ёдлайди;</li> <li>- Стандартлаштириш билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар фаолияти билан танишади, асосий функцияларини билаб олади, эслаб қолади, таҳлил қиласди;</li> <li>- Ўзбекистонда стандартлаштириш соҳасида ишларни ташкил этувчи ташкилот “Ўзстандарт” агентлиги таркиби, тузилмаси, бошқармалари иш функцияларини ўрганиб, эслаб қолади, келажакда керак бўлганда фойдаланади.</li> </ul>
<b>Ўқитиш услуби ва техникаси</b>	Визуал маъруза, “блиц-сўров”, баён қилиш, Кластер, тест сўровлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, график органайзерлар.
<b>Ўқитиш шакли</b>	Жамоа, гурух.

## 4.2. Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқич-лар вақти	Фаолият мазмуни		
	Ўқитувчи	Талаба	
1	2	3	
1-босқич. Кириш (10 минут)	<p>1.1. Олдинги маъруза машғулоти бўйича блиц-сўров ўтказади, талабалар ўзлаштиришини эътиборга олади.</p> <p>1.2. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижаларни маълум қиласди.</p>	<p>1.1. Эшитади, билганича жавоб беради.</p> <p>1.2. Эшитади, ёзиб олади.</p>	
2-босқич. Асосий (60 минут)	<p>2.1. Талабалар янги мавзу бўйича тайёрланганликларини ва талабалар савиясини билиш учун тезкор савол-жавоб ўтказади.</p> <p>1-савол бўйича “Стандартлаштириш”, “Стандарт” тушунчаларини таърифларини экранга чиқариб изохлайди. Махсулотнинг хаёти даврида стандартлаштириш аҳамиятига талабаларни жалб қиласди. Стандартлаштириш жараёнини тушунтиради.</p> <p>“Стандартлаштириш тўғрисида” ги Республика Конуникин шарҳлайди. Экранга бўлимлари структурасини чиқазади ва маъносини ёритади. Стандартлаштириш мақсад ва вазифаларини матн бўйича сўзлаб тушунтиради. Ўзбекистонда стандартлаштириш ишларини ташкил этилишини намойиш этади ва шарҳлайди.</p> <p>Стандартлаштириш бўйича асосий атамаларни экранга чиқазади ва изохлайди.</p> <p>Доскада “стандартлаштириш” га Кластер тузиш учун талабаларни жалб этади. Уларнинг фикрлари бўйича Кластерни шакллантиради ва йўналтириб туради.</p>	<p>2.1. Билганича жавоб беради.</p> <p>Кузатади, эшитади, ёзиб боради, тушуниб илғаб олишга ҳаракат қиласди.</p> <p>Конуннинг стандартлаштиришдаги аҳамиятини тушуниб, мақсад ва вазифаларини шарҳлаш малакасини эгаллашга уринади.</p> <p>Эшитиб, кузатиб эслаб қолади.</p> <p>Фикрини билдириб иштирок этади.</p>	
	<p>2.2. 2-савол бўйича талабалардан қандай ташкилотларни биласиз?, телевизор, радио, компьютер ва газета-журналлардан қандайдир маълумотлар олган бўлсангиз ёдингизда борми? деб ақлий хужум қиласди. Жавобларни эшитиб масалани ёритишга киришади.</p> <p>Стандартлаштиришга ўтган аср бошлариданоқ Европа давлатларида эътибор берилганлигини айтиб, экранга асосий Халқаро ташкилотлар структурасини намойиш этади.</p> <p>ИСО, МЭК, ДАК-МГС, СЕН, СЕНЭЛЕК стандартлаштириш бўйича халқаро ва минтақавий стандартлаштириш идоралари фаолияти ва асосий вазифалари устида тўхталиб экранга асосийларини намойиш қиласди.</p>	<p>2.2. Эшитади, фикрмуроҳаза юритади, изхор қиласди.</p> <p>Эшитади, кузатади, эслаб қолади.</p> <p>Ташкилотларнинг фаолиятлари бўйича тегишли билим ва фикрга эга бўлади.</p>	

	<p>2.3. З-саволни ёритишдан олдин 1-саволни кўрилганда Ўзбекистонда стандартлаштириш ишларини ривожланиши тарихига қайтишни талабалардан сўрайди. Сўнгра экранга “Ўзстандарт” агентлигининг пайдо бўлишини асословчи лавҳа чиқади.</p> <p>“Ўзстандарт” агентлигининг мақсад-вазифалари хамда асосий функцияларини ёритади. Сўнгра Ўзстандартнинг марказий аппарати, ташкилий тузилмалари ва СМБ тузилмалари структура-ларини намойиш этиб шарҳлаб чиқади.</p>	<p>2.3. Эшитади, билганича жавоб беради.</p> <p>“Ўзстандарт” агентлиги билан танишади, маълумотлар олади, эслаб колади.</p>
<b>3-босқич Якуний (10 минут)</b>	<p>3.1. Мавзуга якун ясади, талабалар эътиборини хуносага қаратади. Тест савол-жавобини ўтказади. Маъруза машғулоти давомида фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Мавзу бўйича саволлар борми деб сўрайди, бўлса жавоб беради.</p> <p>Асосий терминлар таърифларини ёдлаб олишни таклиф этади..</p> <p>Кейинги дарс мавзуси “Стандартлаштириш тизими ва меъёрий хужжатлари” бўйича мустақил тайёрланиб келишни илтимос қиласди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқластиради, тест саволларига жавоблар топади.</p> <p>Топшириқларни ёзиб олади.</p> <p>Тайёрланади.</p>

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1.1.0-илова

### **ОЛДИНГИ ДАРС МАШГУЛОТИ БЎЙИЧА “БЛИЦ-СЎРОВ” САВОЛЛАРИ**

1. Ўлчашлар бирлиги деганда ўлчашлар соҳасидаги қандай ҳолат тушунилади.
2. Ўлчов бирликларини қайта ҳосил қилиш аниқлигига қараб эталонлар қандай табақаланади?
3. Ўлчаш асбобларини текширишда солиштириш усули нимани характерлайди?
4. “Метрология тўғрисида” Конун қачон қабул қилинган?
5. Ўлчов воситаларини текшируви қандайларга бўлинади?

2.1.0-илова

### **ТАЛАБАЛАРГА ЯНГИ МАВЗУ “СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА ШУ СОҲА ТАШКИЛОТЛАРИ” БЎЙИЧА “БЛИЦ-СЎРОВ” САВОЛЛАРИ**

1. “Стандарт”, “Стандартлаштириш” сўzlари нимани англатади?
2. “Стандартлаштириш тўғрисида” ги Конун қачон қабул қилинган?
3. Стандартлаштиришдан мақсад нима?
4. Стандартлаштириш соҳасида қандай халқаро ташкилотларни биласиз?
5. Ўзбекистонда стандартлаштириш ишлари билан ким шуғулланади?

## **1-савол. СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА “СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТҮӨРИСИДА” ҚОНУН**

1.1-илова

**Стандартлаштириш** – мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умумий ва кўп марта татбиқ этиладиган талабларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган илмий-техникавий фаолият.

1.2-илова

**Маҳсулот, жараён ва хизматларнинг белгиланган вазифасига мос келиши, савдодаги ғовларни бартараф қилиш ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликка кўмаклашиш стандартлаштиришнинг муҳим натижаси бўлиб ҳисобланади.**

1.3-илова

**Стандарт** – кўпчилик манфаатдор томонлар келишуви асосида ишлаб чиқилган ва маълум соҳаларда энг мақбул даражали тартиблаштиришга йўналтириган ҳамда фаолиятнинг ҳар хил турларига ёки натижаларига тегишли бўлган умумий ва такрор қўлланадиган қоидалар, умумий қонун-қоидалар, тавсифлар, талаблар ва усуллар белгиланган ва тан олинган идора томонидан тасдиқланган меъёрий хужжат.

1.4-илова

Маҳсулот тадқиқот ва лойиҳалаш босқичида стандартлаштириш ёрдамида фан ва техника ютуқларини ва хориждаги истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчиларни инобатга олиб хом-ашёга, материалларга, яrim фабрикатларга ва комплектловчи буюмларга талаблар белгилайди, сифат тизимини аниқлайди, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва уни ишлатишда, таъмирлашда меҳнат унумдорлорлигини ошириш масалаларини кўриб чиқади.

1.5-илова

Маҳсулот ишлаб чиқариш босқичида стандартлаштириш маҳсулотнинг хусусиятларини унинг тавсифларини, корхонанинг ташкилий-техникавий даражасини, ихтисослаштиришни, ишчи-мухандисларнинг малакаси ва тажрибасини ва ш.к. белгилайди.

1.6-илова

Стандартлаштириш маҳсулот муомалада бўлганида ва сотиш босқичларида маҳсулотни жойлаштириш (упаковка) да яхши тартиб ва шароитлар яратишга, юклашга ва жойлаштиришга, саклашга, транспортда олиб юришга, буюмни тарқатиш, сотиш ташкилотларига талаблар белгилайди.

1.7-илова



1.8-илова



### 1.9-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1993 йил  
28 декабря “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Конун  
имзоланади.



1.9-илова маъruzachi томонидан оғзаки ҳолда шарҳланади ва “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Конуннинг моҳияти ёритиб берилади.

### 1.10-илова

Стандартлаштириш мақсад ва вазифалари “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Конунда батафсил ёритилган. Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари 9 та пунктда берилган. Биринчи мақсади этиб: маҳсулотлар, жараёнлар ишлар ва хизматларнинг аҳолини ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манбаатларини ҳимоя қилиш белгиланган.

Маъруза олиб борувчи ўқитувчи матн бўйича оғзаки равишда мақсад ва вазифаларини шарҳлаб беради. Сўнгра атамалар ва таърифларни шарҳлайди.

1.11-илова

Стандартлаштириш бўйича асосий атамалар ва таърифлар Ўзбекистон Республикаси стандарти Ўз РСТ 1.10-93 да келтирилган. Стандартда белгиланган атамалар ҳужжатларнинг хамма турларида илмий, техникавий, ўкув ва маълумотнома адабиётларида қўлланилиши шарт.

1.12-илова

**Мослашувчанлик** - маълум шароитларда белгиланган талабларни бажариш учун номақбул таъсир кўрсатмасдан маҳсулот, жараён ёки хизматларни биргаликда қўлланишига яроқлилиги.

1.13-илова

**Ўзаро алмашинувчанлик** – бир хил талабларни бажариш мақсадида бир буюм, жараён, хизматдан фойдаланиш ўрнига бошқа бир буюм, жараён хизматнинг яроқлилиги.

1.14-илова

**Бирхиллаштириш** (унификация) – муайян эҳтиёжни қондириш учун зарур бўлган энг мақбул ўлчамларни ёки маҳсулот, жараён ва хизмат турларини танлаш.

1.15-илова

Стандартли маҳсулот – хоссалари ва тавсифлари стандартлар талабларига батамом мувофиқ бўлган маҳсулот.

1.16-илова

**Бир турдаги маҳсулотлар туркуми** – вазифаси ва мақсади, қўлланиш доираси, тузилиши ва асосий сифат кўрсаткичларининг номлари бир хил бўлган маҳсулотнинг энг катта мумкин бўлган тўплами.


Ёзув доскасида “Стандартлаштириш”га Кластер тузиш учун талабалар жалб этилади. Ўқитувчи томонидан талабаларнинг фикрлари бўйича Кластер шаклантирилади.

## **2-савол. СТАНДАРТЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР**

2.1-илова

Биринчи стандартлаштириш миллий ташкилоти – Британия Ассоциацияси (уюшмаси) 1901 йилда ташкил этилган. Кейинчалик Дания бюроси, Германия қўмитаси, Америка қўмитаси (1918 й.) ва бошқалар ташкил топа бошлаган. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида 50 дан зиёд халқаро ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

2.2-илова



2.3-илова

Стандартлаштириш соҳасидаги ишлар халқаро марказ кераклигини тақозо қилди. Шу мақсадда 1926 йили стандартлаштириш миллий ташкилотларининг Халқаро Ассоциацияси (ИСА) пайдо бўлди. ИСА нинг таркибига 20 мамлакат вакиллари кирди. Лекин ИСА фаолияти 1939 йили иккинчи жаҳон уруши таъсирида тўхтатилди.

## 2.4-илова

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО) Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ)нинг стандартларни координациялаш (мувоғиқлаштириш) Кўмитасининг йиғилишида 1946 йилда ташкил этилган. Шу йили Бош Ассамблея йиғилишида ИСО устави қабул қилинди. 15 нчи мамлакат Даниянинг ИСО уставини ва иш тартиби қоидаларини ратификацияси 1947 йил 23 февралда келганлиги сабабли шу кун ИСО нинг ташкил этилган куни деб ҳисобланади.

## 2.5илова

Ҳозирги пайтда 146 давлатнинг стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлари ИСО аъзоси ҳисобланади. 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасидан “Ўзстандарт агентлиги” ИСО нинг ҳақиқий аъзоси сифатида вакиллик қиласди.

## 2.6-илова

ИСО ни тузилишидан асосий мақсади – халқаро миқёсдаги мол алмашинувида ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё кўламида стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ақлий, илмий, техникавий ва иқтисодий фаолиятлар соҳасида ҳамдўстликни ривожлантириш.

## 2.7-илова

ИСО халқаро стандартларни ишлаб чиқишига доир фаолиятни ўзининг техник қўмиталари орқали амалга оширади. Уларнинг ҳар бири муайян профиль бўйича ихтисослашган бўлиб, кўп ҳолларда тегишли соҳа ривожланган мамлакатларда фаолият юритади. Ҳозирги пайтда 187та техник қўмиталар, 552 та кичик қўмиталар, 2100 та ишчи гурӯхлар фаолият кўрсатмоқда.

## 2.8-илова

ИСО томонидан маҳсулот сифатини яхшилаш, бошқариш ва таъминлаш бўйича ИСО 9000 сериядаги стандартлари ва ИСО 10011 сифат тизимларини текширишда раҳбарий кўрсатмалар, ИСО 10012 ўлчов воситаларини сифатини таъминлаш талаблари ҳақидаги стандартлари яратилган.

## 2.9-илова

1906 йили Лондонда 13 мамлакат вакилларининг конференциясида маҳсус идора – Халқаро электротехника комиссияси (МЭК) тузилди. Бу идора электр машиналари соҳасида атамалар ва параметрларни стандартлаштириш билан шуғуллана бошлади.

## 2.10-илова

Агар МЭК электротехника, радиоалоқа, асбобсозлик каби соҳалар бўйича шуғулланса, ИСО қолган барча соҳалардаги стандартлаштириш билан шуғулланади. 41 та миллий қўмиталар МЭК аъзолари ҳисобланади. МЭК да 80 дан ортиқ техник қўмиталар фаолият кўрсатади.

## 2.11-илова

1972 йилга қадар, ИСО ва МЭК лар томонидан яратилган ҳужжатлар тавсия сифатида фаолият кўрсатар эди. 1970 йилда Анкарада ўтказилган ИСО нинг VIII Баш Ассамблеяси ИСО тавсияларини Халқаро стандартга айлантирилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Худди шундай МЭК томонидан ҳам қабул қилинди. 1972 йилдан бошлаб бу қарорлар кучга кирди.


## 2.12-илова

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ-СНГ) га кирувчи давлатлар томонидан 1992 йил 13 мартда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича баҳамжиҳат сиёsat олиб бориш учун стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш (ДАҚ-МГС) тузилиши ҳақида давлатлараро келишувга келинди.

## 2.13-илова

ДАҚ Ҳамдўстлик мамлакатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идоралари ресурсларини ва потенциалларини бирлаштиришга, олдиндан орттирилган тажрибаларни ва норматив ҳужжатларни биргаликда қўллаш ва такомиллаштириш, худди шундай бу соҳада ягона техникавий сиёsatни олиб бориш имкониятини яратиш мақсадида тузилди.

## 2.14-илова



## 2.15-илова

ДАК нинг ишчи органи стандартлар бўйича Бюро бўлиб, Минск шаҳрида жойлашган. ИСО, МЭК ва Овропа уюшмасининг стандартлаштириш бўйича ташкилоти (СЕН) томонидан ДАК минтақавий ташкилот деб тан олинган ва унга “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш” бўйича Евроосиё ташкилоти (EASC)номи берилган.

## 2.16-илова

ДАК ишида 230 та давлатлараро техник қўмиталар фаолият кўрсатади. Ҳозирги пайтда МДҲ давлатлараро стандартлари фонди 19300 дан ортиқ норматив ҳужжатларни ташкил этади. 1992 йилдан бошлаб 3800 тадан ортиқ давлатлараро норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

## 2.17-илова

1957 йил 25 март куни Рим шаҳрида Овропа иқтисодий уюшмаси (ЕЭС) нинг ташкил топганлиги тўғрисидаги битим имзоланди. Бу уюшма олти давлат (Белгия, Нидерландия, Люксенбург, Италия, Франция ва ГФР) вакилларидан ташкил топиб Овропа умумий бозорини ташкил қилиш мақсад қилиб қўйилган эди. Ҳозир қисқача ЕС деб юритилади.

2.18-илова

Овропа стандартлаштириш қўмитаси (СЕН-Европейский комитет по стандартизации) ташкил топганлиги (1970 йилгача стандартларни координациялаш бўйича Овропа қўмитаси) 23 март 1961 йили ЕС ва очик савдо Овропа Ассоциацияси (ЕАСТ-Европейская Ассоциация свободной торговли) вакилларининг Париждаги йиғилишида эълон қилинган эди. СЕН Марказий котибияти Парижда, 1975 йилдан Брюссельда жойлашган.

2.19-илова

1972 йил декабрида электротехникада стандартлаштириш бўйича Овропа қўмитаси (СЕНЭЛЕК- Европейский комитет по стандартизации в электротехнике) ташкил топди. Бу ташкилот электр асбоб-ускуналари, информатика ва ш.к. соҳаларда стандартлаштириш ишлари билан шуғулланади. СЕН ва СЕНЭЛЕК ишлаб чиқарган стандартлари нумерацияси EN билан бошланади.

### **3-савол. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ЎЗСТАНДАРТ” АГЕНТЛИГИ**

3.1-илова

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрда 342-сон “Стандартлаштириш, метрология сертификатлаштириш тизимини тўғрисида”ги қарори чиқарилди. Ушбу қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази (“Ўздавстандарт”) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги) га айлантирилди.

3.2-илова

“Ўзстандарт” агентлиги ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш бўйича фаолиятга умумий раҳбарликни ва уни мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилишни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органи ҳисобланади ва ушбу соҳалардаги ишларни амалга оширишнинг умумий қоидаларини белгилайди.

### 3.3-илова

“Ўзстандарт” агентлиги Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш (СМС) бўйича миллий органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

### 3.4-илова

“Ўзстандарт” таркибида бир неча бўлимлар, сектор, лаборатория, гурухлар, ҳар бир вилоят бошқарма ва марказлари, илмий тадқиқот институти, Миллий Эталонлар маркази мужассамлашган.

### 3.5-илова

Куйидаги структура схемаларда “Ўзстандарт” агентлигининг **марказий аппарати** тузилмаси, **ташкилий** тузилмаси ва **ҳудудий** стандартлаштириш ва **метрология бошқармалари** (СМБ) аппаратининг намунавий тузилмаси келтирилган.

**Ўзбекистон стандартлаштириш ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги) марказий аппаратининг тузилмаси**



**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (“Ўзстандарт” агентлиги) нинг ташкилий тузилмаси**



## Худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари (СМБ) аппаратининг намунавий тузилмаси



## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

**1. Мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умумий ва кўп марта татбиқ этиладиган талабларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган илмий-техникавий фаолиятга нима дейилади?**

- 1. Бирхилаштириш.
- 2. Стандартлаштириш.
- 3. Мослашувчанлик.
- 4. Ўзаро алмашинувчанлик.

**2. Ўзбекистонда стандартлаштириш ишларини ташкил топиши қачондан бошланган?**

- 1. 1923 йилдан
- 2. 1926 йилдан.
- 3. 1973 йилдан.
- 4. 1978 йилдан.

**3. “Стандартлаштириш тўғрисида” ги Қонун нечта бўлимни ва моддани ўз ичига олади?**

- 1. 7 та бўлим 12 та модда.
- 2. 3 та бўлим 13 та модда.
- 3. 6 та бўлим 15 та модда.
- 4. 4 та бўлим 12 та модда.

**4. Ўзбексион Республикаси “Ўзстандарт” агентлиги нечинчи йилдан бошлаб ИСО нинг ҳақиқий аъзоси сифатида вакиллик қиласди?**

- 1. 1994 й.
- 2. 1991 й.
- 3. 2002 й.
- 4. 2005 й.

**5. Нечинчи йилда Давлатлараро Кенгаш (ДАК-МГС) тузилиши ҳақида келишувга келинди?**

- 1. 1991 й.
- 2. 1992 й.
- 3. 1998 й.
- 4. 2002 й.

## “СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА ШУ СОҲА ТАШКИЛОТЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА МАШГУЛОТИ БЎЙИЧА ХУЛОСА

1. Стандартлаштиришнинг маҳсулот сифатини таъминлашдаги ўрни ва Ўзбекистонда стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиниши, ривожлантирилиши, такомиллаштирилиши тўғрисида маълумотлар ва “Стандартлаштириш тўғрисида” ги Қонуннинг моҳияти етказилди.

2. Халқаро миқёсда стандартлаштиришнинг аҳамиятини Халқаро стандартлаштириш ташкилотларининг тузилиши ва фаолияти орқали ўрганилди.

3. Ўзбекистонда стандартлаштириш масалалари билан шуғуланувчи бошқарув органи “Ўзстандарт” агентлиги вазифалари, функциялари ва тузилмаларини ўрганиш орқали мамлакатимизда стандартлаштириш ишларига алоҳида муносабат кўрсатилаётганлигига амин бўлинди.

### 5.1. Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони 30-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1.Стандартлаштириш тизими.</p> <p>2.Стандартлаштириш хизмати ва органлари.</p> <p>3.Стандартлаштиришга доир меъёрий хужжатлар.</p> <p>4.Стандартлар турлари.</p>
<p><b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Ўзбекистонда стандартлаштириш тизими, хизмати ва органлари билан танишиш, меъёрий хужжатларини ўрганиш ва турлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.</p>	
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b></p> <p><b>Талаба:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Мамлакатимизда стандартлаштириш тизимида қатнашувчи бошқарув органларининг функцияларини ўрганади ва тизимдаги меъёрий хужжатлар билан танишади;</li> <li>- Стандартлаштириш ишларини ташкил этилишида стандартлаштириш хизмати ва органларининг фаолияти тўғрисида фикрга эга бўлади;</li> <li>- Меъёрий хужжатлар тоифалари билан танишади, таърифларни моҳиятини ўрганиб эслаб қолади, қўйиладиган асосий талабларни изоҳлайди;</li> <li>- Стандартлар турлари билан танишади, турларнинг стандартлаштиришдаги аҳамиятини ўрганади.</li> </ul>
<b>Ўқитиш услуби ва техникаси</b>	Визуал маъруза, “блиц-сўров”, баён қилиш, “Ха-йўқ” техникаси, “ақлий хужум”, тест сўровлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, график органайзерлар.
<b>Ўқитиш шакли</b>	Жамоа, гурух.
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган хона.

## 5.2. Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқич-лар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1-босқич. Киринш (10 минут)</b>	<p>1.1. Ўтилган маъруза машғулоти бўйича талабаларда қолдиқ билимни билиш учун 1.1.0.-илова бўйича блиц-сўров ўтказади.</p> <p>1.2. Мавзуу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.</p> <p>1.3. Янги мавзуу бўйича талабалар савиясини билиш учун 1.3.0-илова бўйича блиц-сўров ўтказади.</p>	<p>1.1. Эшитади, жавоб беради.</p> <p>1.2. Эшитади, ёзиг олади.</p> <p>1.3. Эшитади, жавоб беради.</p>
<b>2-босқич. Асосий (60 минут)</b>	<p>2.1. Ўзбекистонда стандартлаштириш давлат тизими фаолият кўрсатаётганлиги, тизимда 4 та бошқарув органлари фаолият кўрсатаётганлиги тўғрисида сўз юритади.</p> <p>“Ўзстандарт” агентлиги томонидан бир қатор асос бўлувчи стандартлар яратилганлиги ва тизимда юритилаётган меъёрий хужжатлар, уларнинг тасдиқланиш даражаси ва белгиланиши тўғрисида ахборот беради.</p> <p>Талабаларнинг стандартлаштириш тизимини ўзлаштирганликларини билиш учун “Ҳа-йўқ” техникасидан фойдаланади (1.7-илова).</p> <p>2.2. 2-савол бўйича асосий тушунчаларни экранда намойиш этиб, матндан фойдаланиб оғзаки баён қиласди. Стандартлаштириш хизмати ва органлари асосий вазифаларини шарҳлаб беради.</p> <p>2.3. Стандартлаштиришга доир меъёрий хужжатларнинг тоифалари ва турларини шарҳлаб беради, буларга қўйиладиган асосий талаблар билан таништиради. Меъёрий хужжатларнинг мўлжалланишига ва қўлланишига алоҳида эътибор беради.</p> <p>3-саволни ёритиб бўлгандан сўнг талабаларнинг эслаб колган қолдиқ билимларини билиш учун ва уларни фаоллаштириш мақсадида “Қани бир Республикада стандартлаштиришга доир қандай тоифадаги меъёрий хужжатлар қўлланилар экан?” деб мурожаат қиласди.</p>	<p>2.1. Кузатади, эшитади, маълумот олади.</p> <p>Стандартлаштириш тизимида юритиладиган меъёрий хужжатлар, шартли белгилари ва тасдиқланиш даражаси бўйича маълумот олади. Иштирок этади.</p> <p>2.2. Эшитади, кузатади, тегишли билимлар олади.</p> <p>2.3. Меъёрий хужжатлар тоифалари билан танишади, изоҳлайди, ёзиг олади.</p> <p>Ёдига тушириб билганича жавоб беради.</p>
	<p>2.4. 4-савол бўйича стандартларнинг турларини шарҳлаш учун экранда классификация тузилмасини намойиш этади ва ҳар бир турини шарҳлаб чиқади. Стандартлаштириш обьектларига алоҳида тўхтаб баён қиласди.</p> <p>Техникавий шартларни ким томонидан ишлаб чиқилиши ва қўлланиш доирасини сўзлаб беради.</p>	<p>2.4. Стандартларнинг турларини фарқлаш ва қўлланиш доирасини ўрганади, эслаб қолади.</p>

<b>З-боскич Якуний (10 минут)</b>	<p>3.1. Мавзу бўйича талабаларга тест саволлари билан мурожаат қилади. Мавзу бўйича ва талабаларнинг машғулотга фаоллигини эътиборга олиб хулоса қилади. Мавзу бўйича саволлар бўлса жавоб беради. Фаол қатнашганларни рағбатлантиради.</p> <p>Асосий таърифлар ва тушунчаларни мазмунини илғаб, ёдлаб олишни таклиф этади.</p> <p>Кейинги дарс мавзуси “Стандартлаштириш тартиб-коидалари ва давлат назорати” бўйича мустақил тайёргарлик кўриб келишни маслаҳат беради.</p>	<p>3.1. Кузатади, эшитади, жавоб беради. Аниқлаштиради.</p> <p>Тушунишга ва ёдлашга харакат қилади.</p> <p>Тайёрланиш учун мавзуни ёзиг олади.</p>
---------------------------------------	---	--

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1.1.0-илова

### **ОЛДИНГИ ДАРС МАШҒУЛОТИ БЎЙИЧА “БЛИЦ-СЎРОВ” САВОЛЛАРИ**

1. Шундай қилиб стандартлаштириш деганда қандай фаолият тушунилади?
- 2.Стандартлаштириш жараёни қандай босқичлардан иборат?
- 3.“Стандартлаштириш тўғрисида” ги Қонун қачон қабул қилинган?
- 4.ИСО билан МЭК қандай соҳаларда стандартлаштириш ишлари билан шуғулланади?
- 5.Ўзбекистонда қандай ташкилот стандартлаштириш бўйича миллий орган хисобланади?

1.3.0-илова

### **ТАЛАБАЛАРГА ЯНГИ МАВЗУ “СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ ВА МЕЬЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ” БЎЙИЧА “БЛИЦ-СЎРОВ” САВОЛЛАРИ**

1. Ўзбекистонда қайси бошқарув органлари стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиши мумкин?
2. Ўзбекистонда қандай даражадаги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқарилади?
3. Стандартлаштириш ишлари корхоналарда ҳам олиб бориладими?
4. Қандай тоифадаги стандарт сизларга маълум?
5. Стандартлар турлари қанақа бўлиши мумкин?


## **1-савол. СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ**

1.1-илова

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишининг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи стандартлаштириш давлат тизими фаолият кўрсатади.

1.2-илова

Стандартлаштириш тизими бошқарув органлари



1.3-илова

“Стандартлаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни, шунингдек Қонунни қўллашга доир йўриқномалар ва изоҳларни ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар, рўйхатга оладилар, нашр этадилар.

#### 1.4-илова

“Ўзстандарт” агентлиги “Стандартлаштириш тўғрисида” ги Конунга мувофиқ стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий қоидаларини, манфаатдор томонларнинг давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари билан олиб борадиган ҳамкорликдаги ишининг шакл ва усулларини белгилайди.


#### 1.5-илова

Ўзбекистон Республикасида қуидаги даражадаги меъёрий хужжатлар ишлаб чиқарилади ва уларга тегишли шартли белгилар ўрнатилади.


#### 1.5а-илова




#### 1.5б-илова



1.5в-илова



1.5г-илова



1.6-илова

Реализация этиладиган маҳсулотларнинг **меъёрий** хужжатлари “Ўзстандарт” агентлиги идоралари давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий хужжатлар қонуний кучга эга бўлмайди. Маҳсулотлар меъёрий хужжатлари агар бошқа муддат кўйилмаган бўлса ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқиласди.

## 1-савол бўйича “Ҳа-йўқ” техникасини қўлланиши.

<b>№</b>	<b>Саволлар мазмуни</b>	<b>“Ҳа”</b>	<b>“Йўқ”</b>
1.	Соғлиқни саклаш вазирлиги стандартлаштириш тизими бошқаруви органлари таркибига кирадими?	+	-
2.	Тармоқлар бўйича юритиладиган меъёрий хужжатларни “Ўзстандарт” агентлиги тасдиқлайдими?	-	+
3.	Тармоқ стандартлари MHSt билан белгиланадими?	-	+
4.	Корхона стандарти KSt билан белгиланадими?	+	-
5.	Реализация этиладиган маҳсулотларнинг меъёрий хужжатлари “Ўзстандарт” агентлиги идораларида давлат рўйхатидан ўтиши шартми?	+	-

## 2-савол. СТАНДАРТЛАШТИРИШ ХИЗМАТИ ВА ОРГАНЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларини ташкил қилиш тўғрисида” ги 1992 йил 2 мартдаги 93 сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази “Ўздавстандарт” (хозир “Ўзстандарт” агентлиги) – стандартлаштириш бўйича **Миллий идора** этиб тайинланган.

“Ўзстандарт” агентлиги Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни вазирликлар, техникавий қўмиталар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг **истиқболли режалари** асосида тузилган **йиллик режа** бўйича амалга оширади.

## 2.3-илова

Республика стандартлаштириш режасига биринчи навбатда қуидагиларни таъминлайдиган стандартларни ишлаб чиқиш киритилади:

- миллий стандартлар талаблари билан уйғулаштирилиши;
- кишиларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфсизликни таъминланиши;
- атроф мухитнинг муҳофаза қилиниши;
- истеъмолчилар хукуқининг ҳимоя қилиниши;
- миллий социал – иқтисодий ва миллий техникавий дастурларнинг амалга оширилиши;
- ва бошқалар.

## 2.4-илова

Ўзбекистон Республикаси стандартлари ва техникавий шартларини ишлаб чиқиш, одатда, хар бир манфаатдор корхона ва ташкилотнинг мухтор вакили бўлган мутахассислардан ташкил топган **техникавий қўмиталар** қучи билан ёки стандартлаштириш бўйича **таянч ташкилотлари** томонидан амалга оширилади.

## 2.5-илова

“Ўзстандарт” агентлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (бириктирилган соҳалар бўйича) республика стандартларини кўриб чиқадилар, тасдиқлайдилар, уларни қўлланиш муддатини чўзадилар ва бекор қиласадилар ҳамда унга ўзгартиришлар киритадилар.

## 2.6-илова

Республикада ишлаб чиқилган стандартлар ва уларга ўзгартиришлар тасдиқланиши даражасидан қатъий назар “Ўзстандарт” агентлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

## 2.7-илова

**Стандартлаштириш хизмати** – стандартлаштириш ва бир хилликка келтириш (унификациялаштириш) ишларини амалга ошириш учун маълум бошқариш поғоналарида (соҳалар, концернлар, ассосиациялар, ташкилот ва корхоналарда) шу ишларни бажариш учун маҳсус ташкил этиладиган ташкилот (бўлим) ва унинг фаолияти.

2.8-илова

**Стандартлаштириш таянч ташкилоти** – маҳсулотнинг турлари бўйича етакчи илмий тадқиқот, лойиха-конструкторлик ва бошқа ташкилотлар асосида уларга биринтирилган маҳсулотларнинг гурухи, хизматларнинг ёки фаолият соҳаларининг стандартлаштириш ва бир хиллаштириш ишларини илмий-техникавий бошқаришга ва республиканинг халқ хўжалиги тармоқларида уларнинг бирлигини таъминлаш учун ташкил этиладиган стандартлаштириш хизмати.

2.9-илова

**Стандартлаштириш бўлинмаси** – стандартлаштириш ва бирхиллаштириш ишларига ташкилий-техникавий ва илмий-техникавий раҳбарлик қилувчи ва шу ишларни бевосита бажарувчи вазирликлар (маҳкамалар), бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг стандартлаштириш хизмати.

2.10-илова

Корхона ва муассасаларда стандартлаштириш хизмати бош мухандис раҳбарлигидаги стандартлаштириш бўлими ёки бюро томонидан олиб борилади. Корхоналарда уч хилдаги стандартлар ишлаб чиқилиши мумкин:

- чегаравий;
- тўлдирувчи;
- оригинал.

2.11-илова

Бўлимлар ёки бюроларнинг асосий функцияси

Тегишли барча стандартларни корхонада татбиқ этиш

Корхона стандартларини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш

Тегишли жараёнлар ва технологик ҳужжатларни унификация қилиш ва ш.к.

Айниқса, корхонада ишлаб чиқарилган техник ҳужжатларни меъёрий назорати (нормоконтроль)

### **3-савол. СТАНДАРТЛАШТИРИШГА ДОИР МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР**

2.12-илова

**Меъёрий ҳужжат** – ҳар хил фаолият турлари ва унинг натижаларига дахлдор қоидалар, умумий қонун-қоидалар ёки тавсифларни ўзида қамраб олган ҳужжат.

1. “Меъёрий ҳужжат” атамаси стандартлар, техникавий шартлар, шунингдек умумий кўрсатмалар, йўриқномалар ва қоидалар тушунчасини ҳам ўз ичига қамраб олади.

2. Ўз ичидаги сатҳида ахборот ёзилган ҳар қандай ахборот воситасини ҳужжат деб тушунмоқ керак.

3. Меъёрий ҳужжатларнинг ҳар хил турларини белгилайдиган атамалар бир бутун ҳужжат ва унинг мазмуни тарзизда таърифланади.

2.13-илова



2.14-илова

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иқтисодий ахборот классификаторлари ҳам киради. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби “Ўзстандарт” томонидан белгиланади.

Баъзи бир меъёрий ҳужжатларнинг таърифлари билан танишиб чиқамиз:

2.15-илова

**Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти** – стандартлаштириш бўйича давлат идораси ёки бошқа тегишли ҳукуқга эга бўлган Республика идораси (“Ўзстандарт” агентлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги) томонидан тасдиқланган стандарт.

2.16-илова

**Корхона стандарти** – маҳсулотга, хизмат ёки жараёнга корхонанинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва унинг томонидан тасдиқланган стандарт.

2.17-илова

**Техникавий шарт** – буюртмачи билан келишилган ҳолда, ишлаб чиқарувчи томонидан, ёки буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи билан биргаликда, ёки буюртмачи билан тасдиқланган аниқ маҳсулотга (хизматга) бўлган техникавий талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжат.

2.18-илова


**Раҳбарий ҳужжат** – стандартлаштириш идораларининг ва хизматларининг вазифаларини, бурчларини айрим босқичларини бажариш усуслари, тартибини ва мазмунини белгилайдиган меъёрий ҳужжат.

**Йўриқнома (қоидалар)** – ишларни ёки уларнинг айрим босқичларининг мазмуни ва тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжат.

**Услубий қўрсатмалар** – ишларни бажариш усулларини (йўлларини, йўсинларини) белгиловчи меъёрий ҳужжат.

#### 4-савол. СТАНДАРТЛАР ТУРЛАРИ

**Стандартлаштириш обьектининг ўзига хос хусусиятларига ва унга белгиланадиган талаблар мазмунига боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш тизими асосий турдаги стандартларни назарда тутади.**



**Асос бўлувчи (ташкилий-услубий) стандарт** – таъсир этиш доираси кенг бўлган ва маълум соҳага тегишли умумий қоидаларни ўз таркибига олган стандарт.

**Умумтехникавий стандарт** – маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнларида яратиш, ишлаб чиқариш, муомалада бўлиш ва истеъмол қилишининг техникавий бирлиги ва ўзаро боғланишини талаб қилувчи стандарт.

**“СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ ВА МЕЪЁРИЙ  
ХУЖЖАТЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ 5-МАЪРУЗА МАШФУЛОТИ  
БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. “Цемент” махсулоти ишлаб чиқарилишида стандартлаштириш билан қайси бошқарув органи шуғулланади?**

1. “Ўзстандарт” агентлиги.
2. “Давархитектқурилиш” қўмитаси.
3. Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси.
4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

**2. Ўзбекистон давлат стандарти қандай белгиланади?**

- |           |            |
|-----------|------------|
| 1. TSt    | 3. O’z DSt |
| 2. O’z DT | 4. MHSt.   |

**3. Оригинал стандартлар қайси ташкилотларда ишлаб чиқарилади?**

1. Корхона ва муассаларда.
2. Давлат бошқарув органларида.
3. Маъмурий-худудий органлар томонидан.
4. “Ўзстандарт” агентлиги томонидан.

**4. Ўзбекистон Республикаси стандартлари ва техникавий шартларини ишлаб чиқиш одатда қандай жамоалар томонидан бажарилади?**

1. Техникавий қўмиталар.
2. Таянч ташкилотлар.
3. Бошқарув органлари.
4. Биринчи ва иккинчи жавоблар тўғри.

**5. Таъсир этиш доираси кенг бўлган ва маълум соҳага тегишли умумий қоидаларни ўз таркибига олган стандарт қандай стандарт дейилади?**

1. Умутхеникавий.
2. Асос бўлувчи.
3. Назорат усуллари.
4. Техникавий талаблар.

## **“СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ ВА МЕЬЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ БЎЙИЧА ХУЛОСА**

1. Ўзбекистонда стандартлаштириш тизими яратилганлиги, бу тизимда тегишли бошқарув органларининг вазифалари белгилаб қўйилганлиги ва тизимда юритиладиган меъёрий ҳужжатлари билан танишиб тегишли билимга эга бўлинди.

2. Стандартлаштириш хизмати ва органларининг функционал вазифалари ва тузилиши тўғрисида маълумот олинди ва таҳлил этиш фикрларига эга бўлинди.

3. Стандартлаштиришга доир меъёрий ҳужжатлар тоифалари, талаблар ва стандарт турларини ўрганиб изоҳлаш ўрганилди.

**6.1. Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси**

Вақти – 2 соат	Талабалар сони 30-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1. Стандартларни яратилиши тартиб-қоидалари.</p> <p>2. Стандартларни расмийлаштириш ва татбиқ этиш тартиби.</p> <p>3.Стандартлаштиришда давлат назорати.</p> <p>4.Назорат органларининг ҳуқуқий мавқелари.</p>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва татбиқ этиш тартиб-қоидалари ва стандартлаштиришда давлат назорати органларининг асосий вазифалари ва ҳуқуқий мавқелари тўғрисида талабаларда тегишли билимлар ҳосил қилиш.	
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b></p> <p><b>Талаба:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Стандартларни ишлаб чиқиш тартиби билан таништириш, тасдиқлашга тақдим этиш жараёнларини тушунтириш;</li> <li>- Стандартларни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиши ҳамда татбиқ этиш таркиби билан таништириш, татбиқ этиш жараёни изоҳлаш;</li> <li>- Стандартларни татбиқ этилишида давлат назорати органларининг вазифаларини талқин этиш;</li> <li>- Назорат органларининг ҳуқуқий мавқеларини таҳлил этиш ва билимлар ҳосил қилиш.</li> </ul> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Стандартларни тасдиқлайдиган бошқарув органларини функциялари ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби билан танишади. Татбиқ этиш тартибини ўрганади;</li> <li>- Стандартларни татбиқ этилишида давлат назорати органлари объектлари ва асосий функциялари, вазифалари билан танишади ва фикр-мулоҳаза юритади;</li> <li>- Стандартларнинг мажбурий талабларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат инспекторлари, бош давлат инспекторлари вазифалари ва ҳуқуқлари тўғрисида маълумот олади.</li> </ul>
<b>Ўқитиш услуби ва техникаси</b>	Визуал маъруза, “блиц-сўров”, баён қилиш, “Ха-йўқ” техникаси, тест сўровлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материал, график органайзерлар, стандартлар – намуналар.
<b>Ўқитиш шакли</b>	Жамоа, гурух.
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган хона.

## 6.2. Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқич-лар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Киринш (10 минут)	<p>1.1. Ўтилган маъруза мавзуси бўйича блиц- сўров ўтказади ва талабаларнинг қолдиқ билимини билишга уринади (1.1.0-илова).</p> <p>1.2. Мавзуу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижаларни маълум қиласди.</p> <p>1.3. Янги мавзуу бўйича талабалар фикрлашларини тахминлаш учун блиц-сўров ўтказади (1.3.0-илова).</p>	<p>1.1. Эшитади, жавоб беради.</p> <p>1.2. Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>1.3. Эшитади, жавоб беради.</p>
2-босқич. Асосий (60 минут)	<p>2.1. Стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва татбиқ этиш тартиб-қоидалари тўғрисидаги асос бўлувчи ҳужжатларга тўхталиб, стандартлаштириш билан шуғулланувчи ташкилотлар ва уларга қўйиладиган талабларни қайд этиб стандартларни ишлаб чиқишдаги босқичларини алоҳида урғу билан тушунтиради. Босқичларда кўзда тутилган масалаларни хал этиш чораларини структураларини намойиш этади ва шарҳлаб чиқади. Стандарт лойиҳаси ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тасдиқлашга тайёрлаш тўғрисида ахборот беради.</p> <p>Биринчи савонни ўзлаштирилиши тўғрисида фикрга эга бўлиш мақсадида “Ха-йўқ” техникасини қўллайди.</p> <p>2.2. Иккинчи савол “Стандартларни расмийлаштириш ва татбиқ этиш тартиби” ни ёритиш давомида асосий ҳолатларни: тасдиқловчи бошқарув органларининг вазифалари, функциялари, рўйхатдан ўtkазиш тартиби, стандартларга бериладиган белгилар тўғрисида визуал ва оғзаки ахборот беради.</p> <p>Меъёрий ҳужжатларни жорий этиш тартибларини O’zDSt 1.14: 1999 стандарти асосида шарҳлайди ва визуал намойиш этади.</p> <p>2.3. Учинчи савонни “Стандартлаштириш тўғрисида” ги қонун ва Вазирлар махкамасининг 1994 йил 12 август 410-сонли Қарори билан тасдиқланган стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати тўғрисидаги “Низом” ларда белгиланган тартиб-қоидалар асосида ёритади ва изоҳлайди. Назорат органларининг вазифалари ва функцияларини шарҳлайди.</p> <p>Учинчи савонни ўзлаштирилишини мустахкамлаш учун “Ха-йўқ” техникасини қўллайди.</p> <p>2.4. Назорат органларининг ҳукуқий мавқелари тўғрисида визуал ва оғзаки баён орқали ахборот беради. Бош давлат инспекторлари ва давлат инспекторларининг ҳукуқий мавқелари ва</p>	<p>2.1. Кузатади, эшитади, ахборот олади, эслаб қолади, ёзиб олади.</p> <p>Кузатади, эшитади, жавоб беради.</p> <p>2.2. Кузатади, эшитади, ёзиб олади, тегишли маълумотга эга бўлади.</p> <p>2.3. Кузатади, эшитади, белгилаб олади, изоҳлайди.</p> <p>Кузатади, эшитади, жавоб беради.</p> <p>2.4. Кузатади, эшитади, изоҳлайди, билим олади.</p>

	<p>мажбуриятлари тўғрисида тегишли маълумотлар беради.</p> <p>“Агар мен давлат инспектори бўлсам” деган мавзуда фикр ёзиб келишни топширади.</p>	Топшириқни бажарди.
<b>3-боскич Якуний (10 минут)</b>	<p>3.1. Талабаларга тест саволларини ечишни визуал равишда ҳавола қиласди. Мухокама қиласди.</p> <p>Мавзу бўйича хулоса қиласди ва саволларга жавоб беради. Фаол қатнашганларни рафбатлантиради.</p> <p>Стандартлаштиришга тегишли бир нечта ибораларни тўлдириб келишни уйга вазифа қилиб беради, мисол тариқасида “ташкилот” деган иборани тўлдириш технологиясини кўрсатади.</p> <p>Келгуси дарсга “Сертификатлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш” мавзусига тайёрланиб келишни маслаҳат беради.</p>	<p>3.1. Кузатади, ўқийди, ечади, муҳокамада қатнашади.</p> <p>Ёзиб олади, бажаради, қатнашади.</p> <p>Ёзиб олади, тайёргарлик кўради.</p>

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

### **ОЛДИНГИ МАЪРУЗА МАШФУЛОТИ БЎЙИЧА “БЛИЦ-СЎРОВ” САВОЛЛАРИ**

1.1.0- илова

1. Ўзбекистонда стандартлаштириш тизимида қандай бошқарув органлари фаолият юритади?
2. “Ўзстандарт” агентлиги тасдиқлайдиган Ўзбекистон худудида юритиладиган меъёрий ҳужжатларга қайсилар киради?
3. “Ўзстандарт” агентлиги Ўзбекистон республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни нима асосида амалга оширади?
4. Корхонада стандартлаштириш ишлари билан ким шуғулланади ва қандай стандартлар ишлаб чиқилиши мумкин?
5. Стандартлар асосий турларига қайсилар киради?

### **ЯНГИ МАВЗУ “СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТАРТИБ ҚОИДАЛАРИ ВА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ” БЎЙИЧА “БЛИЦ-СЎРОВ” САВОЛЛАРИ**

1.3.0- илова

1. Стандартларни ишлаб чиқиш жараёнида қандай ишлар амалга оширилиши мумкин?
2. Стандарт лойиҳаси ишлаб чиқилгандан сўнг қандай ишлар бажарилади?
3. Яратилган стандартлар қаерда давлат рўйхатидан ўтади?
4. Стандартлаштиришда давлат назорати қандай ташкил қилиниши мумкин?
5. Назорат органларини қандай хуқуқлари бор?

## **1-савол. СТАНДАРТЛАРНИ ЯРАТИЛИШИ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ**

1.1-илова


Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга оид ишларни Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари ЎзРСТ 1.0-92 “Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалари”, ЎзРСТ 1.1-92 “Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Ўзбекистон Республикасининг стандартини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби” асосида ташкил этилади.



1.2-илова

### **Стандартларни ишлаб чиқиша ташкилий-услубий бирликка эришиш мақсадида 4 та босқич жорий этилади**

- 1-босқич – зарурият туғилганда стандартни ишлаб чиқиша техникавий топшириқ ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
- 2-босқич – стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш (биринчи таҳрири) ва уни фикр мулоҳазалар олиш учун юбориш.
- 3-босқич – фикр-мулоҳазалар устида ишлаш, стандарт лойиҳасини (охирги таҳририни) ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашга тақдим этиш.
- 4-босқич - стандартни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

**Стандартларни лойиҳасини ишлаб чиқиши (биринчи таҳрири) ва уни  
фикр-мулоҳазалар олиш учун юбориш қуидаги тадбирлардан  
иборат:**





Кенгашда қабул қилинган қарорга биноан, стандарт лойиҳаси сўнгги тахрири тузилади ҳамда тушунтириш хати ва асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси аниқланади. Бундан ташқари, агарда тегишли талаблар қўйилган бўлса давлат назорати, касаба уюшмаси, Давлат табиатни муҳофаза қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги идоралари билан хам келишиб олинади.

Стандарт лойиҳаси тасдиқлашга ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан қўйидаги тўпламда берилади:

- илова хати;
- стандарт лойиҳасининг сўнгги тахририга тушунтириш хати;
- асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси;
- стандарт лойиҳасининг 4 та нусхаси (улардан иккитаси давлат ва рус тилларида нусха кўринишида бўлиши керак);
- стандарт лойиҳаси келишилганини тасдиқловчи хужжатларнинг асл нусхаси;
- стандарт лойиҳаси тўғрисида фикр-мулоҳазалар мажмуюи;
- қолган келишмовчиликлар ҳақида маълумотнома.

## “ХА-ЙҮҚ” ТЕХНИКАСИ БҮЙИЧА 1-САВОЛ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ

<b>№</b>	<b>Саволлар</b>	<b>“Ха”</b>	<b>“Йўқ”</b>
1.	Стандарт лойиҳаси техникавий қўмита режасига биноан ишлаб чиқиладими?	+	-
2.	Стандарт лойиҳаси ишлаб чиқилганда тушунтириш хати ҳам ёзиладими?	+	-
3.	Стандарт лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳаза олиш учун нусхаларини хоҳлаган ташкилотларга жўнатса бўладими?	-	+
4.	Фикр-мулоҳазалар устида ишлаш учун фикр-мулоҳазалар мажмуини тузиш шартми?	+	-
5.	Барча турдаги стандартлар лойиҳалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги идоралари билан келишилиши шартми?	-	+

### **2-савол. СТАНДАРТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ТАТБИҚ ЭТИШ ТАРТИБИ**

2.1-илова

“Ўзстандарт” агентлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тегишли стандартларнинг лойиҳалари ва ҳужжатларини 15 кун ичидаги чиқилиши ва давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминлайдилар.

2.2-илова

Стандартлаштириш тизимида бошқарув органлари стандарт лойиҳалари ва ҳужжатларни кўриб чиқиб тасдиқлади ёки кам-кўстини тўлдириб қайта ишлаш тўғрисида қарор қабул қиласади. Стандарт муддати чекланмаган ёки чекланган тарзда тасдиқланади.

2.3-илова

Ўзбекистон Республикаси худудидаги стандартларни давлат рўйхатига олишни “Ўзстандарт” агентлиги амалга оширади. Бунинг учун стандарт 4 нусхада топширилади. Стандарт 5 кундан ошмаган муддатда давлат рўйхатидан ўтказилади ва рақамли белги берилади.

## 2.4-илова

Белги хужжатнинг кўрсаткичидан – O'z DSt; рўйхатнинг тартиб рақамидан ва тасдиқланган йилнинг сонларидан иборат бўлади, масалан, O'z DSt 996:2001, бунда 996-раками ва 2001 йилини билдиради.

## 2.5-илова

Корхона стандартларининг белгиси Ўзбекистон Республикаси номининг қисқартмаси - O'z дан корхона стандарти - KSt индексидан, корхона стандартини тасдиқлаган ташкилотнинг шартли рақами белгисидан, корхона стандартининг тартиб рақамидан ва тасдиқланган йилнинг сонларидан иборат бўлади, масалан, O'z KSt 359. 143:1992.

## 2.6-илова

“Стандартлаштириш тўғрисида” ги Қонунда давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида стандартлар ва техник шартларни, шунингдек, ушбу қонунни қўллашга доир йўриқномалар ва изоҳларни ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар, нашр этадилар деб белгиланган.

## 2.7-илова

Стандартлаштиришга доир меъёрий хужжатларни жорий қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти O'z DSt 1.14: 1999 да келтирилган.

## 2.8-илова

Меъёрий хужжатни жорий қилиш, бошқарув идораларининг жорий этишга оид ташкилий-техник асосий тадбирлари режалари бўйича амалга оширилади. Асосий тадбирлар режаси асосида меъёрий хужжатни ўз вақтида жорий этиш учун зарур бўлган тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Меъёрий ҳужжатларни қўлланиш доирасига қараб бу режаларда қуидагилар кўзда тутилади:

- жорий этилаётган МҲ ни мазмуни билан боғлиқ бўлган асосда илгариги ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ўзгартериш киритиш, бекор қилиш ва янги ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқаришни моддий-техника таъминоти ва ташкилий тайёргарлиги;
- технологик жараёнларни, ишчи режимларини такомиллаштириш, робототехник тизимлари ва автоматлаштирилган тизимларни жорий қилиш;
- маҳсулотнинг тажрибавий намуналарини ишлаб чиқариш, синовларни ўтказиш ва янги мукаммаллаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қўйиш;
- корхонанинг барча ходимларини ўқитиш, малакасини ва тайёргарлигини ошириш;
- меъёрий ҳужжатни жорий қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирлар.

### 3-савол. СТАНДАРТЛАШТИРИШДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонунида стандартлар устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича қатор тегишли масалалар ёритилган. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 август 410 сонли Қарори билан **стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати тўғрисидаги “Низом”** тасдиқланган.

Хўжалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талаблари, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан давлат назоратини “Ўзстандарт” агентлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг худудий органлари, шунингдек бошқа маҳсус вакил қилинган давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

### 3.3-илова

Идоравий бўйсунуви ва мулк шаклидан қатъий назар хўжалик фаолияти субъектларининг, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг маҳсулоти, шу жумладан сертификатлаштирилган маҳсулот (ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш, ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида) ва меъёрий ҳужжатлар (экспертиза ва илмий-техникавий даражасини баҳолаш нуқтаи назаридан) давлат назорат обьекти ҳисобланади.

### 3.4-илова

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини:

- стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирлиқда бўлишини таъминлаш бўйича **Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори (“Ўзстандарт” агентлиги бош директори);**
- стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирлиқда бўлишини таъминлаш бўйича **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари (худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалар бошлиқлари);**
- стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирлиқда бўлишини таъминлаш бўйича **давлат инспекторлари** амалга оширадилар.

**Давлат назорати субъектлари** бўлиб, давлат бошқарув органлари, корхоналар бирлашмалари (ассоциациялар, концернлар, корпорациялар), хўжалик субъектлари ҳисобланади

### 3.5-илова

Давлат назоратининг **асосий вазифаси** қуидагилардан иборат:

- давлат бошқарув органлари, корхоналар бирлашмалари, хўжалик субъектлари томонидан меъёрий ҳужжатларни ва метрология коидаларини, ўлчашлар бирлилигини ўз пайтида жорий қилиниши ва қатъий риоя этилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни эффективлигини (самарадорлигини) кўтариш, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ўсиши мақсадида меъёрий ҳужжатларни ва ўлчов воситаларини илмий-техникавий даражасини баҳолаш;
- техникавий даражани ва маҳсулот сифатини кўтариш.

**“ҲА-ЙЎҚ” ТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА  
2 ва 3-САВОЛ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ**

<b>№</b>	<b>Саволлар</b>	<b>“Ҳа”</b>	<b>“Йўқ”</b>
1	Стандарт муддати чекланган ёки чекланмаган тарзда тасдиқланадими?	+	-
2	Хўжалик фаолияти субъектлари стандартларнинг мажбурий талаблари, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун хужжатларига риоя этиши устидан давлат назоратини фақат “Ўзстандарт” агентлиги амалга оширадими?	-	+
3	Давлат назорати субъеткларига давлат бошқарув органлари ҳам кирадими?	+	-
4	Давлат назоратини асосий вазифасига техникавий даражани ва маҳсулот сифатини кўтариш кирадими?	+	-
5	Давлат инспектори хўжалик фаолияти субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига монеликсиз кириш ҳукуқига эгами?	+	-

**4-САВОЛ. НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАВҚЕЛАРИ**

4.1-илова

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат инспекторлари давлат бошқарув органларининг вакиллари ҳисобланадилар.

**Давлат инспектори:** матн бўйича оғзаки баён.

Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар **бош давлат инспекторлари:** матн бўйича оғзаки баён.

4.2-илова

Давлат инспекторларининг маҳсулотни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни) ман этиш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги кўрсатмасини бузганлик учун хўжалик фаолияти субъектлари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда **жарима тўлайдилар**.

Хўжалик фаолияти субъектлари берилган кўрсатмалар ва қарорларни бажармаган тақдирларида давлат инспекторлари зарур материалларни **прокуратура органларига ёки судга оширадилар**.

Давлат инспекторлари зиммаларига юкландын мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, давлат ёки тижорат сирини ошкор қилган тақдирларида қонун хужжатларыда белгиландын **жавобгарликка** тортиладылар.

Стандартлаштириш түғрисидаги қонун хужжатларини бузилишида айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлат бошқарув органларининг мансабдор шахслари амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладылар.

### **“СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ ВА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ” МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. “Ўзбекистон Республикасининг стандартини ишлаб чиқиши, келишиб олиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби” қайси стандартда келтирилган?**

1. Ўз РСТ 1.0-92.
2. ГОСТ 122-85.
3. Ўз РСТ 1.9-95.
4. Ўз РСТ 1.1-92.

**2. “Стандартни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш” стандартни ишлаб чиқиши босқичини қайсинасида амалга оширилади?**

- |              |              |
|--------------|--------------|
| 1. 3-босқич. | 3. 4-босқич. |
| 2. 1-босқич. | 4. 2-босқич. |

**3. Стандартнинг қайси ташкилот томонидан тасдиқланишидан қатъий назар, стандартга рақамли белгини ким беради?**

1. Вазирликлар.
2. Бошқарув органлари.
3. Вазирлар Маҳкамаси.
4. “Ўзстандарт” агентлиги.

**4. Стандартлаштиришга доир норматив хужжатларни жорий қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси давлат стандартини қайсинасида келтирилган?**

1. Ўз РСТ 1.8-94.
2. O`z DSt 1.14: 1999.
3. O`z DSt 3.25: 2004.
4. O`z DSt 3.25: 2000.

**5. Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини кимлар олиб боради?**

1. Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори.
2. Вилоятлар бош давлат инспекторлари.
3. Давлат инспекторлари.
4. Барча жавоблар тўғри.

## **“СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ ВА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ” МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА МАШГУЛОТИ БЎЙИЧА ХУЛОСА**

1. Стандартларни ишлаб чиқиш босқичлари доирасида олиб борила-диган тадбирлар ва ташкилий ишлар билан танишиб чиқилди.
2. Стандарт лойиҳасини тасдиқлашга тақдим этиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби кўриб чиқилди.
3. Меъёрий ҳужжатларни татбиқ этишдаги бажариладиган амаллар, бошқарув органларининг раҳбарларини вазифалари ва жорий этишдаги тадбирлар режаларининг бажарилиши назоратини ўрганиб чиқилди.
4. Стандартларни татбиқ этилиши бўйича давлат назорати органлари фаолияти, бурчлари, вазифалари, функциялари таҳлил этилди ва ҳуқуқий мавқелари кўриб чиқилди.

### “Инспектор” (авторлик) технологияси

Интерфаол технологиянинг талабаларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратадиган, фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантириш усуллардан бири, ибораларни терминлар билан тўлдириш ўйини ҳисобланади. Масалан, стандартлаштиришдаги “ташкилот” ибораси стандартлаштириш ва метрология терминлари билан тўлдирилсин.

Т А Ш К И Л О Т								
е	й	к	ў	н		р	у	
к	н	а	р	д		а	з	
ш	а	л	с	и		л	а	
и	н	а	а	к		и	т	
р			т	а		қ	м	
и			к	т			а	
ш			и	о				
			ч	р				

**Уйга вазифа:** инспектор, йўриқнома, мослашувчанлик, стандарт, ҳужжат, корхона, хизмат, назорат, текшириш, Ўзстандарт, халқаро, хавфсизлик, талаблар, экспертиза, мажбурий, жарима, қарор – сўзлари тўлдирилсин.

### 7.1. Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони 30-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1.Махсулотларни сертификатлаштириш тўғрисида.</p> <p>2.Бозор муносабатларини шакллантиришда сертификатлаштиришни таъсири.</p> <p>3.Сертификатлаштириш органлари, объектлари ва субъектлари.</p> <p>4.Сертификатлаштириш ишларини ташкил этилиши.</p>
<p><b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Махсулотларни сертификатлаштириш тўғрисида бирламчи маълумотларни талабаларга етказиш, сертификатлаштириш аҳамияти, объектлари, кимлар шуғулланади ва қандай ташкил этилиши тўғрисида талабаларда фикр-мулоҳаза қилиш қобилиятини ҳосил қилиш.</p>	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Махсулотларни сертификатлаштириш ўзи нима? Қачондан бошлаб хаётга кириб келган? Турлари қандай? деган саволларни ёритиш ва тегишли атаматушунча-таърифлар билан таништириш ва тушунтириш;</li> <li>- Бозор муносабатларини шакллантиришда сертификатлаштиришни таъсири. Айниқса, ривожланган мамлакатларда махсулот стандарт талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган сертификати бўлмаса бозорга чиқиб бўлмаслигини қайд этиб, бу соҳада ИСО/МЭК фаолиятига эътиборни қартиш;</li> <li>- Сертификатлаштиришнинг мақсад ва вазифалари амалга оширилишида серти-</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b></p> <p><b>Талаба:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Сертификатлаштириш маъносини ўрганиш, тушуниш, билан бир қаторда, сертификатлаштириш масаласи заруратдан етилганлиги тўғрисида маълумот олиш ва тушунчаларни ўрганиш, изоҳлаш ва ёдлаш;</li> <li>- Халқаро муносабатларда, дунё бозорини шаклланишида, товар алмашинуvida, савдо-сотик операцияларини ташкил қилишда махсулотларнинг стандартларда белгиланган талабларига жавоб бериши ва тегишли мувофиқлик сертификатига эга бўлиши муҳим масала эканлигини ҳамда бу соҳада Халқаро ташкилотлар ИСО/МЭК нинг хиссаси катталигини икрор этиш;</li> <li>- Сертификатлаштириш ишларини ташкил этилишида тегишли сертификатлаштириш органларининг функциялари, сертификатлаш объектлари ва субъектлари тўғрисида</li> </ul>

<p>фикатлаштириш органлари объектлари ва субъектлари тўғрисида маълумот бериш ва изоҳлаш;</p> <p>- Сертификатлаштириш ишларини ташкил этилишида кўйиладиган асосий талабларни таҳлил қилиш, мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш ишларини ташкил қилишдаги вазифаларни изоҳлаш.</p>	<p>маълумотга эга бўлиш ва изоҳлаш.</p> <p>- Сертификатлаштиришни ташкил этилишидаги талабларни ўрганиш, таҳлилий хулосалар чиқариш, сертификатлаш турларини изоҳлаб, мажбурий сертификатлаш тўғрисида маълумотларга эга бўлиш.</p>
<b>Ўқитиш услуби ва техникаси</b>	Визуал маъруза, “блиц-сўров”, баён қилиш, Кластер, “Хайёк” техникаси, тест сўровлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материал, график органайзерлар.
<b>Ўқитиш шакли</b>	Жамоа, гурух.
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган хона.

## 7.2. Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқич-лар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 минут)	<p>1.1. Олдинги машғулот бўйича талabalар билими тўғрисида фикр ҳосил қилиш учун “блиц-сўров” ўтказади (1.1.0-илова).</p> <p>1.2. Мавзуу, унинг мақсади, ўкув машғулотидан кутилаётган натижаларни маълум қиласди.</p> <p>1.3. Сертификатлаштириш деганда нима тушунилади? деган савол билан мурожаат қиласди ва тезкор сўров-жавоб ўтказади.</p>	<p>1.1. Саволларга жавоб беради, эшитади.</p> <p>1.2. Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>1.3. Эшитади, мулоҳаза юритади, билганича жавоб беради.</p>
2-босқич. Асосий (60 минут)	<p>2.1. Визуал материаллардан, оғзаки нутқдан ва ёзув тахтасидан ҳамда тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда мавзуни ёритишга киришади.</p> <p>1-савол бўйича маҳсулотларни сертификатлаштириш тушунчасини ИСО кўлланмасидаги изоҳлар орқали тушунтиради, сертификатлаштириш турлари, тизими ва тизимга муносабатни изоҳлайди, асосий атамаларни маъносини шархлаб беради.</p> <p>2.2. 2-савол бўйича сертификатлаштиришнинг халкаро ва ички савдони бошқаришни воситаси эканлиги, йирик савдо битимлари меъёрига айланиб бораётганлиги тўғрисида ахборот беради. Сертификатланмаган маҳсулот дунё бозорига чиқа олмаслигини асослайди. Бу соҳада ИСО/МЭК халкаро ташкилотларининг ишлари тўғрисида ва ишлаб чиқаётган ҳужжатларига тўхталади. Ўзбекистонда стандартлаштириш соҳасидаги ишлаб чиқилаётган ҳужжатлар тўғрисида маълумот</p>	<p>2.1. Кузатади, эшитади, эслаб қолади, изоҳлайди, таҳлил қиласди, билим олади.</p> <p>Визуал материал ва баён орқали ўқийди, тушунчаларни эслаб қолади.</p> <p>2.2. Кузатади, эшитади, ёзиб олади, эслаб қолади.</p>

	<p>беради.</p> <p>Биринчи ва иккинчи савол бўйича талабалар билан “Ҳа-йўқ” техникасидан фойдаланиб мулоқот ўтказади.</p> <p>2.3. 3-савол бўйича сертификатлаштириш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш омилларини шарҳлаб беради. Сертификатлаштириш соҳасидаги “Ўз-стандарт” агентлиги фаолиятини баён қиласди. Сертификатлаштириш органлари, объектлари ва субъектлари тўғрисида маълумот олади.</p>	<p>Эшитади, жавоб беради, аниқлайди.</p> <p>2.3. Сертификатлаштириш органлари, объектлари ва субъектлари тўғрисида маълумот олади.</p>
	<p>2.4. 4-савол бўйича сертификатлаштириш соҳасида ишларни ташкил қилиш, сертификатлаштириш идораларига қўйиладиган талаблар, ҳолати, сифат тизими хужжатлари, маълумотлар банки каби масалаларни изоҳлаб ахборот беради.</p> <p>Сертификатлаштириш турлари тўғрисида тўхталиб, айниқса мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар ва уларни ишлаб чиқарувчи, реализация қилувчилар олдида қўйиладиган талабларни шарҳлаб беради.</p>	<p>2.4. Кузатади, эшитади, ёзиб олади, шарҳлаш қобилиятини эгаллади.</p>
<b>3-боскич Якуний (10 минут)</b>	<p>3.1. Мавзуга якун ясайди. Тест саволларини ечишни таклиф этади, мулоқот ташкил этади. Саволларга жавоб беради.</p> <p>“Сертификатлаштириш” га Кластер тузишни тавсия этади. Фаол қатнашган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>Келгуси машғулот “Сертификатлаштириш қоидатартиблари ва хуқуқий асослари” мавзусига мустақил тайёрланиб келишни илтимос қиласди.</p>	<p>3.1. Эшитади, тестларни ечади, аниқлаштиради.</p> <p>“Кластер” тузишга характеристикаларни киласди.</p> <p>Тайёрланиб келади.</p>

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

Маъруза мазмунига ўтишдан олдин ўтказиладиган тадбир:

**Олдинги мавзуу: “Стандартлаштириш тартиб-қоидалари ва давлат назорати” бўйича “блиц-сўров” саволлари:**

1. Стандартларни ишлаб чиқишида ташкилий-услубий бирликка эришиш мақсадида нечта ва қандай босқичлар жорий этилади?
2. Стандарт лойиҳаси нималарга асосан ишлаб чиқилади?
3. Фикр-мулоҳазалар устида ишлаш қандай жараёнлардан иборат?
4. Стандарт лойиҳаси ва тегишли хужжатлар ким томонидан тасдиқланади?
5. Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини кимлар олиб боради?

## **Маъruzага кириш:**

### **Тезкор сўров-жавоб саволлари**

1. Махсулотларни сертификатлаштириш деганда қандай тадбир тушунилади?
2. Махсулотга сертификат олишни бозор муносабатларида аҳамияти нимада?
3. Сертификатлаштириш масаласига қачондан эътибор берила бошлаган?
4. Ўзбекистонда сертификатлаштириш бўйича миллий орган деб қайси ташкилот белгиланган?
5. Мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш фарқи нимада?

### **1-савол. МАҲСУЛОТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

1.1-илова

Сертификатлаштириш деганда керакли ишончлилик билан маҳсулотнинг муайян стандартга ёки техникавий шартга (хужжатга) мувофиқлигини тасдиқлайдиган фаолият тушунилади.

1.2-илова

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ИСО) нинг қўлланмасида “Сертификатлаштириш” атамасининг изоҳлари берилган:

- сертификатлаштириш умумий атама бўлиб, **маҳсулот, технологик жараён ва хизматларнинг** сертификатлаштирилишида (мувофиқликни сертификатлаштириш) учинчи томоннинг қатнашиши тушунилиши;
- сифат тизимини баҳолаш соҳасидаги тараққиёт **сифат тизимини** сертификатлаштириш бўйича янги (таъминловчининг имкониятларини сертификатлаштириш) тушунча заруриятини туғдирмоқдалиги изоҳланган.

### 1.3-илова

Мувофиқлик атамаси маҳсулот, жараён ва хизматга белгиланган барча талабларга риоя қилишни ўз таркибига олади. Бунда мувофиқликни учта кўринишини белгилайди:



### 1.4-илова

**Мувофиқлик баёноти** (ўз-ўзини сертификатлаштириш) деганда маҳсулот ишлаб чиқарувчи томон бутун масъулиятни ўзига олган ҳолда сертификатлаштиришни ўзи ўтказади ва маҳсулотнинг керакли даражада сифатлилиги ҳақидаги кафолатни ўз устига олади.

### 1.5-илова

**Мувофиқликни аттестатлаш** деб учинчи томон тарафидан “Синов лабораториясининг баёноти” тушунилиб, маълум намуна маҳсулотга бўлган талабларни белгиловчи маълум стандартлар ёки бошқа ҳужжатлар билан мувофиқ эканлигини баён этишга айтилади.

### 1.6-илова

**Мувофиқликни сертификатлаштирилиши** деганда маҳсулот (буюм, мол) ёки хизмат муайян стандартга ёки техникавий шартларга мос келишини тасдиқлаш мақсадида ўтказиладиган фаолият тушунилиб, ушбу фаолият натижасида маҳсулот (буюм, мол) нинг сифати ҳақида истеъмолчини ишонтирадиган кафолат-хужжат, яъни сертификат берилиши тушунилади.

### 1.7-илова


Мамлакатимизда давлат миқёсида амал қиласидаги, сертификатлаштириш ўтказишда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган **сертификатлаштириш миллий тизими** ўрнатилган.

1.8-илова

Сертификатлаштириш тизимида қатнашувчи учта тушунча фарқланади:

- Сертификатлаштириш тизимидан фойдаланиш деганда сертификатлаштириш тизимининг қоидаларига мувофиқ гувохнома талаборига берилган сертификатлаштиришдан фойдаланиш имконияти тушунилади;
- Сертификатлаштириш тизимида қатнашувчи деб ушбу тизимнинг қоидаларига биноан фаолият кўрсатадиган, лекин тизимни бошқариш имкониятига эга бўлмаган сертификатлаштириш идораси тушунилади;
- Сертификатлаштириш тизими аъзоси деганда ушбу тизимнинг қоидаларига биноан фаолият кўрсатадиган ва тизимни бошқаришда қатнашадиган сертификатлаштириш идораси тушунилади.

1.9-илова



1.10-илова

**Мажбурий сертификатлаштириш** деганда сертификатлаштириш хуқуқига эга бўлган идора томонидан маҳсулот, жараён, хизматнинг стандартлардаги мажбурий талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш тушунилади.

1.11-илова

**Ихтиёрий сертификатлаштириш** деганда ишлаб чиқарувчи, бажарувчи сотувчи, таъминловчи ёки истеъмолчи талаби билан ихтиёрий равишда ўтказиладиган сертификатлаштириш тушунилади.

Мамлакатимизда сертификатлаштириш Миллий тизимида қатор атамалардан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандарти Ўз РСТ 5.5-93 да асосий атамалар ва таърифлар келтирилган, Масалан:

**Маҳсулотларни сертификатлаштириш** – маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият.

**Мувофиқлик сертификати** - сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган хужжат.

**Мувофиқлик белгиси** - муайян маҳсулот ёки хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив хужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир хужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги.

## 2-савол. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШДА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИ ТАЪСИРИ

Сертификатлаштириш кейинги йилларда халқаро ва ички савдони бошқаришни муҳим воситаси бўлиб қолди. Сертификатлаштириш ҳар қандай даражадаги савдога доир ўзаро муносабатлар меъёрига, асосан, йирик савдо битимлари меъёрига айланиб бераётганлиги кўринмоқда.

Икки асосий имконият - сертификатлаштиришнинг истеъмолчиларнинг ахборот воситаси эканлиги ва унинг савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишининг энг самарали воситаларидан бири бўлиши мумкинлиги унинг кенг ривожланиши ва жорий қилинишига қўмаклашмоқда, чунки у аниқ ифодаланган ва назорат қилиш осон бўлган меъёрий хужжатларга таянади.

Сертификатлаштириш кўпгина саноат жихатдан тараққий этган мамлакатларда; бир қатор ривожланётган мамлакатларда шунчалик кенг оммалашиб кетдики, импорт қилувчи мамлакатда маҳсулотнинг стандарт талабларига мувофиқлигини тасдиқлайдиган сертификати бўлмаса бундай маҳсулотни ушбу мамлакат бозорларида сотиб бўлмайди.

## 2.3-илова

Ўзбекистонда сертификатлаштириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда сертификатлаштириш миллий тизими яратилиб “Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (28.12.93й.) да белгилаб берилган хуқуқий-ташкилий қоидалар асосида тегишли меъёрий хужжатлар ва сертификатлаштириш тартиблари ишлаб чиқилиб такомиллаштирилмоқда.

## 2.4-илова

Сертификатлаштириш миллий тизимида сертификатлаштириш соҳасида меъёрий хужжатлар Халқаро сертификатлаштириш ташкилоти (ИСО) ва Халқаро электротехника комиссияси (МЭК) кўрсатмаларига мувофиқ равишда яратилмоқда. Бир нечта мисоллар кўришимиз мумкин:

- Ўз РСТ 5.2-93. “Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими. Сертификатлаштириш идорасига бўлган талаблар ва уни аккредитлаш тартиби” бу стандартни ишлаб чиқишида ИСО/МЭК нинг 40, 28, ИСО 27- кўрсатмалари ҳисобга олинган.
- Ўз РХ 51-027-94. “Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Сифат тизимларини сертификатлаштириш. Ўтказиш тартиби”. Бу меъёрий хужжат яратилишида ИСО ва МЭК нинг қатор меъёрий хужжатлари асос қилиб олинган: ИСО/МЭК 16, 28, 48, 53, 56 ларни келтириш мумкин. Булардан, масалан, ИСО/МЭК 28 маҳсулотни учинчи томон сертификатлаштириш тизими модели учун умумий қоидалар, кўрсатмаси.

## 2.5-илова

Саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларда сертификатлаштириш 1920-1930 йилларда пайдо бўла бошлаган. Масалан, стандартларга мувофиқликни сертификацион белгилари Буюк Британияда 1922, Германияда 1920, Чехословакияда 1925, Францияда 1939 йилларда таъсис қилинган. Миллий сертификатлаштириш тизимлари ҳамма жойда 60 йилларда ташкил этила бошлаган.

Ҳозирги шароитда ташқи мамлакатлар билан савдони, мамлакатлааро иқтисодий алоқаларни, фан ва техникани ривожланиши учун ҳамда чиқарилаётган маҳсулотларни сифатини яхшилаш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мунтазам равишда синовларни ўтказиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Синовларни қўпинчча **учинчи томон** деб аталувчи шахс ёки ташкилот амалга оширади ва кўриладиган масалада қатнашаётган томонлар одатда таъминловчи (биринчи томон) ва харидор (иккинчи томон) нинг манфаатларини ҳимоя қилиб мутлақо мустақил равишда иш кўрадилар.

## **“ҲА-ЙЎҚ” ТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ САВОЛНИ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ**

<b>№</b>	<b>Саволлар мазмуни</b>	<b>“Ҳа”</b>	<b>“Йўқ”</b>
1.	Агарда маҳсулот ишлаб чиқарувчи томон бутун масъулиятни ўзига олган ҳолда сертификатлаштиришни ўзи ўтказиб маҳсулотнинг керакли даражада сифатлилиги кафолатини ўз устига олса “ўз-ўзини сертификатлаштириш” дейиладими?	+	-
2.	Ташқи муҳитга, инсон саломатлигига таъсир кўрсатувчи маҳсулотлар сертификатлаштириши ихтиёрийми?	-	+
3.	Сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган хужжат “мувофиқлик сертификати” дейиладими?	+	-
4.	Ўзбекистонда сертификатлаштириш меъёрий хужжатлари ИСО/МЭК ларнинг кўрсатмалариға мувофиқ яратилмоқдами?	+	-
5.	Ривожланган мамлакатларда импорт маҳсулот сертификатсиз бўлса унинг бозорларида бу маҳсулотни сотиб бўладими?	-	+

### **3-савол. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ОРГАНЛАРИ, ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ**

3.1-илова

Сертификатлаштиришнинг **мақсад ва вазифалари** умуман сертификатлаштириш соҳасида ишларни ташкил қилиш ва юритишнинг **асосий омилларини** белгилаб беради, яъни сертификатлаштириш:

- одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;
- маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қилаолишини таъминлаш;
- мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар ҳалқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва ҳалқаро савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш;
- истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждансизлигидан ҳимоя қилиш;
- маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

3.2-илова

Айтиб ўтиш лозим сертификатлаштириш соҳасидаги муносабатлар “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” ги Республика қонуни ва унга мувофиқ чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Башарти, ҳалқаро шартнома ёки битимда сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, у холда ҳалқаро шартнома ёки битимнинг қоидалари қўлланилади.

3.3-илова

Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштириш соҳасидаги масалаларни ҳал этувчи орган бўлиб “Ўзстандарт” агентлиги ҳисобланади. Сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунда “Ўзстандарт” агентлиги **Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш органидир** деб белгилаб қўйилган.

**Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштиришга** аккредитация қилинган органлари қуидаги **вазифаларни** амалга оширадилар:

- сертификатлаштиришни ташкил этадилар ва ўтказадилар;
- миллий мувофиқлик сертификатларини расмийлаштирадилар, берадилар ёки чет эл мувофиқлик сертификатини эътироф этадилар;
- сертификатланган маҳсулотлар устидан назоратни амалга оширадилар.

Тегишли сертификатлаштириш тизими белгилаган тартибда аккредитация қилинган **синов лабораториялари (марказлари)** муайян маҳсулотларнинг синовини ёки муайян синов турини амалга оширадилар ҳамда сертификатлаштириш мақсадлари учун баённомалар берадилар.

Маҳсулотлар (шу жумладан дастурий ва бошқа илмий техникавий маҳсулотлар), хизматлар, шунингдек сифат тизимлари **сертификатлаштириш обьекти** ҳисобланади.

“Ўзстандарт” агентлигининг ўзи, унинг томонидан аккредитация қилинган ёки эътироф этилган сертификатлаштириш органлари, синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органлари, сифат бўйича эксперт-аудиторлар, шунингдек маҳсулоти сертификатлаштириши лозим бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жисмоний шахслар **сертификатлаштириш субъектларидир.**

#### **4-савол. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ**

Мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувохномалари “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган тартибда Давлат реестридан ўтказилиши шарт.

Сертификатлаштириш натижалариға ишончни таъминлаш учун сертификатлаштириш идораси қуйидаги мезонларга мувофиқ келиши керак: оғзаки тарзда баён этилади.

4.2-илова

Сертификатлаштириш идорасига бўлган умумий талаблар, идоранинг тузилиши ва вазифалари, идора ходимларига бўлган талаблар, идора хужжатларига бўлган талаблар ва сертификатлаштириш идорасини аккредитлаш тартиблари Ўз РСТ 5.2-93 Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартида келтирилган.

4.3-илова

Сертификатлаштириш идораси маҳсулотни ишлаб чиқарувчилардан (етказиб берувчилардан) ва унинг буюртмачиларидан (ишлатувчиларидан) маъмурӣ, иқтисодий ва юридик жиҳатдан мустақил бўлишлари ва юридик шахс мақомига эга бўлишлари керак.

Сертификатлаштириш идораси бажариладиган ишларнинг тавсифига жавоб берувчи хужжатлаштирилган сифат тизимиға эга бўлиши керак: оғзаки тарзда баён этилади.

4.4-илова

Сертификатлаштириш идораси маҳсулотлар, жараёнлар, хизматлар, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар бўйича **меъёрий хужжатларнинг тўлиқ тўпламига** эга бўлиши керак.

### **Маҳсулотларни мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш**

4.5-илова

**Мажбурий сертификатлаштиришни** ўтказиш ишларини ташкил этиш “Ўзстандарт” агентлиги зиммасига ёки унинг топшириғига биноан бошқа сертификатлаштириш идораларига юклатилади.

Сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар агарда сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса, сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса, сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки амал қилиши тўхтатиб қўйилган (бекор қилинган) бўлса, Ўзбекистон Республикаси худудида реализация қилиниши мумкин эмас. Бундан ташқари қонунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси босилган маҳсулотларни реализация қилиш ман этилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни реализация қилувчи тайёрловчилар (тадбиркорлар) таъминлаши шарт: оғзаки тарзда баён этилади.

Ҳар қандай маҳсулот норматив ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқлаш учун у юридик ва жисмоний шахснинг ташабbusи билан **ихтиёрий сертификатлаштиришдан** ўtkазилиши мумкин.

Ихтиёрий сертификатлаштириш “Ўзстандарт” агентлиги белгилаб қўйган тартибда аккредитация қилинган юридик ва жисмоний шахслар амалга оширишга ҳақлидирлар.

## **“СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ” МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. Керакли ишончлилик билан маҳсулотнинг муайян стандартга ёки техникавий шартга (хужжатга) мувофиқлигини тасдиқлайдиган фаолият нима?**

1. Метрологик таъминот.
2. Стандартлаштириш.
3. Сертификатлаштириш.
4. Аттестатлаш.

**2. Сертификатлаштириш тизимининг қоидаларига биноан фаолият кўрсатадиган ва тизимни бошқаришда қатнашадиган сертификатлаштириш идораси тизимга муносабати қандай тушунилади?**

1. Сертификатлаштириш тизимида қатнашувчи.
2. Сертификатлаштириш тизими аъзоси.
3. Сертификатлаштириш тизимидан фойдаланувчи.
4. Сертификатлаштириш тизими раҳбарияти.

**3. Синовларни кўпинча .... томон деб аталувчи шахс ёки ташкилот амалга оширади.**

1. Учинчи томон.
2. Иккинчи томон.
3. Биринчи томон.
4. Барча жавоблар тўғри.

**4. “Сертификатлаштириш тўғрисида” ги Қонунда қайси бошқарув орган, ташкилот, идора Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш органи деб белгилаб қўйилган ?**

1. Вазирлар Маҳкамаси.
2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
3. Вилоят ҳокимликлари.
4. “Ўзстандарт” агентлиги.

**5. Сертификатлаштириши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхати ким томонидан тасдиқланади?**

1. Вазирлар Маҳкамаси.
2. “Ўзстандарт” агентлиги.
3. Вазирликлар.
4. Ҳокимликлар.

## **“СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ” МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА МАШГУЛОТИ БЎЙИЧА ХУЛОСА**

1. Сертификатлаштириш тўғрисида асосий тушунчалар ва атамалар билан танишилди. Бозор муносабатларини шакллантирилишида халқаро стандартлаштириш ташкилотлар, хусусан ИСО/МЭК хужжатлари аҳамияти кўрилди.

2. Сертификатлаштириш мақсад ва вазифалари ўрганиб чиқилди, объектлари ва субъектлари изоҳланди, асосий талаблар ва мажбурий-ихтиёрий сертификатлаштириш тартиби тўғрисида асосий маълумотларга эга бўлинди.

<b>8-мавзу</b>	<b>СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ҚОИДА- ТАРТИБЛАРИ ВА ҲУҚУКИЙ АСОСЛАРИ</b>
----------------	---

### **8.1. Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси**

<p><b>Вақти – 2 соат</b></p> <p><b>Ўқув машғулотининг шакли</b></p> <p><b>Маъруза машғулотининг режаси</b></p>	<p><b>Талабалар сони 30-60 нафар</b></p> <p><b>Визуал - ахборот маъруза</b></p> <p><b>1.Махсулотларни сертификатлаштирилишидаги асосий операциялар. 2.Мувофиқлик сертификати ва белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш. 3.Сертификатлаштириш схемалари. 4.Сертификатлаштириш қонунийлиги ва меъёрий-ҳуқуқий базаси.</b></p> <p><b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Талабаларни сертификатлаштириш тартиб-қоидалари ва мувофиқлик сертификати ва белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини берилиши, сертификатлаштириш схемалари ҳамда сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий базасини тушунтириш ва тегишли билимлар ҳосил қилиш.</p> <p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Махсулотларни сертификатлаштиришдаги асосий операциялар, буюртмаларни топшириш, кўриб чиқиш ва синов ўтказиш тартиби билан таништириш. Синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш идо-ралари функцияларини изоҳлаш;</li> <li>- Мувофиқлик сертификати ва фойдаланиш ҳуқуқини берилиши, ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш, чет эл мувофиқлик сертификатини тан олиш тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш;</li> <li>- Сертификатлаштириш бўйича ИСО қўмитаси тайёрлаган хужжатга асосан Ўзбекистонда қабул қилинган 8 та сертификатлаш схемасини таҳлил қилиш;</li> <li>- Сертификатлаштириш соҳасидаги Ўзбекистонда қабул қилинган Давлат қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси таҳлил қилиш;</li> </ul>
	<p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b></p> <p><b>Талаба:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Асосий операциялар тўғрисида маълумотга эга бўлиш, буюртмаларни топшириш, кўриб чиқиш ва синов ўтказиш тартиблари тўғрисида фикрга эга бўлиш, синов марказлари ва идоралари функциялари ва қўйиладиган талабларни изоҳлаш;</li> <li>- Сертификат бериш ва фойдаланиш ҳуқуқини олишда буюртмачи ва сертификатлаштириш идоралари томонидан бажариладиган ишлар, чет эл сертификатларини тан олиш масалаларида тегишли билимга эга бўлиш;</li> <li>- Ўзбекистонда қабул қилинган сертификатлаштириш схемаси бандларини ўрганиш ва таҳлил қилиш имкониятини ҳосил қилиш;</li> <li>- Сертификатлаштириш соҳасидаги қонунлар, давлат қарорлари ва меъёрий хужжатлар тўғрисида ахборот олиш ва сертификатлаштиришда қатнашувчиларни ҳуқуқий мавқелари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.</li> </ul>

маси қарорлари ва меъёрий хужжатлар билан таништириш, сертификатлаштиришга оид фаолиятда қатнашувчиларни мажбуриятлари ва хукукий мавқеларини шархлаш.	
<b>Ўқитиш услуби ва техникаси</b>	Визуал маъруза, “блиц-сўров”, баён қилиш, “Ха-йўқ” техникаси, тест сўровлари.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материал, график органайзерлар.
<b>Ўқитиш шакли</b>	Жамоа, гурух.
<b>Ўқитиш шарт-шароити</b>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган хона.

## 8.2. Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқич-лар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1-босқич. Кирин (10 минут)</b>	<p>1.1. Олдинги машғулот бўйича талабалар қолдиқ билимини ўрганиш мақсадида “блиц-сўров” ўтказади.</p> <p>1.2. Мавзуу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижаларни маълум қиласди.</p> <p>1.3. Талабалар фикрини мавзуга боғлаш учун янги дарс бўйича “блиц-сўров” ўтказади.</p>	<p>1.1. Саволларга жавоб беради, эшигади.</p> <p>1.2. Эшигади, ёзиб олади.</p> <p>1.3. Эшигади, қобилиятига кўра жавоб беради.</p>
<b>2-босқич. Асосий (60 минут)</b>	<p>2.1. Визуал материаллар, оғзаки баён ва ёзув тахтасидан фойдаланган ҳолда машғулотни бошлайди. 1-савол бўйича сертификатлаштириш операцияларини бирма-бир шарҳлайди. Буюртмани топшириш ва сертификатлаштириш идораси томонидан кўриб чиқиш тартибини изоҳлайди. Синов ўтказиши марказлари – лабораториялари фаолиятини ёритиб беради.</p> <p>2.2. Мувофиқлик сертификати ва белгисидан фойдаланиш деган саволда ишлаб чиқаришни ҳолатини баҳолашга эътибор қаратади. Сўнгра сертификат бериш тартиби билан таништиради, маълумотлар беради. Тарқатма материалдан фойдаланади.</p> <p>2.3. Сертификатлаштириш схемаларини ёритишида ИСО тавсияси асосида 8 та схема қабул қилинганлигига тўхталиб, ҳар бир схемани шарҳлаб, моҳиятини ва қўлланиш доирасини изоғлаб маълумот беради, таҳлил қилишни ўргатади. Тарқатма материалдан фойдаланади.</p> <p>2.4. 4-савол бўйича сертификатлаштиришга оид қонунлар, Давлат Қарорлари, меъёрий хужжатларни экранга чиқариб шарҳлаб беради.</p>	<p>2.1. Кузатади, эшигади, сертификатлаштиришда амалга ошириладиган операциялар тўғрисида маълумотлар олади.</p> <p>2.2. Махсулотга сертификат берилиши тартибини ўрганади.</p> <p>2.3. Кузатиб эшитиши натижасида схемани бандларини таҳлил қилишни ўрганади.</p> <p>2.4. Давлат актлари билан танишади, меъёрий хукукий базаси,</p>

	Сертификатлаштиришга оид фаолиятда қатнашувчиларни мажбуриятлари ва хуқуқларни түғрисида маълумотлар беради. Истеъмолчилар хуқуқларини химоя қилиш түғрисида қисқача ахборот беради.	хуқуқлари, мажбуриятлари ҳақида маълумот олади.
<b>3-боскич Якуний (10 минут)</b>	<p>3.1. Мавзуга якун ясайди. Тест саволларини ҳавола қиласди. эштади, мулоқот ташкил этади. Саволларга жавоб беради.</p> <p>“Ҳа-йўқ” техникасидан фойдаланиб ўзлаштиришни ўрганади. Фаол талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>Иловада келтирилган ибораларни терминлар билан тўлдириб келишни вазифа қилиб беради.</p> <p>Кейинги мавзуу “Сифатни таъминлаш асослари” га мустақил тайёрланиб келишни илтимос қиласди.</p>	<p>3.1. Эшитади, тестларни ечади, аниқлаштиради.</p> <p>Қатнашади.</p> <p>Ёзиб олади ва бажаради.</p> <p>Тайёрланади.</p>

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

Олдинги маъруза “Сертификатлаштириш ва сертификатлаштириш ишларини ташкил қилиш” мавзуси бўйича “блиц-сўров” саволлари.

- 1.Махсулот, жараён, хизматга белгиланган барча талабларга риоя қилишни ўз тартибига олган мувофиқлик нечта ва қандай кўринишга эга?
- 2.Мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштиришни бир-биридан фарқи нимада?
- 3.Сертификатлаштиришга ИСО/МЭК муносабати қандай?
- 4.Сертификатлаштириш обьектига нималар киради?
- 5.Сертификатлаштириш идораси буюртмачи ва ишлаб чиқарувчилар билан муносабати қандай бўлиши керак?

**Янги мавзуу “Сертификатлаштириш қоида тартиблари ва хуқукий асослари” бўйича “блиц-сўров” саволлари**


1. Сиз махсулот ишлаб чиқарувчисиз, махсулотга сертификат олиш учун бошлаб нима қилиш керак?
- 2.Сиз сертификатлаштириш идораси ходимисиз, махсулотни сертификатлаштириш учун буюртмачидан нималар талаб қиласиз?
- 3.Мувофиқлик сертификатини берилиши учун синов ўтказиш керакми?
- 4.Сертификат қандай муддатга берилади?
- 5.Сертификатлаштиришда қатнашувчиларни мажбуриятлари бўладими?

## **1-савол. МАХСУЛОТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШДАГИ АСОСИЙ ОПЕРАЦИЯЛАР**

1.1-илова

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июл 318-сонли “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосида Адлия Вазирлигида 2005 йил 18 март 1458-сонли рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидаси” да сертификатлаштириш тартиб ва қоидалари ёритилган. Мазкур хужжат Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимида (кейинчалик Ўз СМТ) маҳсулотларни, шу жумладан, импорт маҳсулотларни сертификатлаштиришга тайёрлаш ва ўтказиш тартибига бўлган умумий талабларни белгилайди.


1.2-илова



Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизимида маҳсулотларни сертификатлаштириш қуйидаги **асосий операцияларни** ичига олади:

- сертификатлаштириш учун буюртма бериш;
- меъёрий ва бошқа ҳужжатларни текшириш;
- буюртма бўйича қарор қабул қилиш;
- идентификациялаш ва намуналарни танлаб олиб уларни лабораторияларга етказиш;
- аккредитланган синов лабораторияларида намуналарни синовдан ўтказиш;
- маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳолатларини баҳолаш;
- сифат тизимини баҳолаш;
- маҳсулотларни мослигини деклорациялаш;
- олинган натижаларни тахлил қилиш ва мувофиқлик сертификатини бериш ёки бермаслик;
- Ўз СМТ Давлат реестрида мувофиқлик сертификатини рўйхатдан ўтказиш;
- чет эл, халқаро идоралар томонидан берилган мувофиқлик сертификатини тан олиш;
- сертификатлаштирилган маҳсулотларнинг (II, III, IV, V схемалар учун) барқарорлиги устидан текширувчан назорат олиб бориш;
- апелляцияларни кўриб чикиш.

Ўзбекистон Республикаси СМТида маҳсулотларни сертификатлаштиришни ўтказиш қоида ва тартиблари:




## 1.5-илова

Ўз СМТ доирасида маҳсулотни сертификатлаштиришни ўтказиш учун юртимиз ёки чет эл сўровчиси буюртмани бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш учун аккредитланган тегишли СИ га юборади.

## 1.6-илова

### Сертификатлаштириш идорасига топшириладиган хужжатлар



Четдан келтирилаётган маҳсулотни сертификатлаштириш учун қуидагилар тақдим этилади:

- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга меъёрий хужжат нусхаси (у мавжуд бўлганда);
- Маҳсулотни маркировка қилиш намунаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
- Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига етиб келганлиги тўғрисида белги қўйилган товарнинг илова хужжати нусхаси.

СИ буюртмани кўриб чиқади, тақдим этилган ҳужжатларни текширади ва таҳлил қиласи ҳамда уни олгандан бошлаб 2 кундан кечиктирмай сўровчига муайян бир турдаги маҳсулотни сертификатлаштиришни белгиланган тартибига асосланган сертификатлаштиришнинг барча асосий шартномани ўз ичига олган, шу жумладан, ўтказиладиган сертификатлаштиришга мувофиқ келадиган сертификатлаштириш схемаси ва керак бўладиган МХ кўрсатилган Қарор тўғрисида хабар беради.

#### 1.9-илова

Сертификатлаштириш учун синовлар, берилган маҳсулотларни сертификатлаштириш учун қўлланиладиган МХ ларда кўрсатилган синовларни ўтказиш ҳукуки Ўз СМТ да аккредитланган синов лабораторияларида (марказларида) ўтказилади.

#### 1.10-илова

Сертификатлаштириш учун синовлар, конструкцияси, таркиби ва ишлаб чиқариш жараёни, истеъмолчига (буюртмачига) тақдим этилаётган маҳсулотларга айнан ўхшаш бўлган маҳсулот тўпидан (ёки сериясидан) олинган намуналарида ўтказилади. Намуналар сони уларни танлаб олиш тартиби, айнан ўхшатиш ва саклаш қоидалари сертификатлаштирилаётган маҳсулотларни МХ лари ва синов услубларида белгиланади.

Бунда намуналар (кичик намуналар) ни танлаб олиш далолатномаси икки нусхада тузилади.

#### 1.11-илова

Божхона таъминотидаги импорт маҳсулотларидан намуна танлаб олиш, божхона идорасининг рухсати билан унинг инспектори ва товар эгаси ёки унинг ишончли шахси иштирокида сертификатлаштириш идораси ходими томонидан амалга оширилади.

Бунда намуна (кичик намуна) лар танлаб олиш далолатномалари уч нусхада тузилиб, иккинчи нусхаси божхона идорасига топширилади.

1.12-илова

Синов баённомалари сўровчига ва СИ га тақдим этилади. Синов баённомаларининг нусхалари сертификатнинг амал қилиш муддатидан кам бўлмаган муддат давомида сақланиши лозим. Баённома нусхаларини сақлашнинг аниқ муддатлари бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибида ва синов лабораторияси ҳужжатларида белгиланади.

1.13-илова

Синов натижалари салбий бўлганида СИ сўровчига сертификатни беришдан бош тортиш сабабларини кўрсатилган хulosани беради.

## **2-савол. МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ ВА БЕЛГИСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРИШ**

2.1-илова

Сўровчиларга мувофиқлик сертификатини ва сертификатлаштирилган маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини беришни СИ, улар бўлмаса, СМИ амалга оширади.

СИ синов баённома (лари) ни кўриб чиқиб, ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаб ва ижобий қарор қабул қилингандан сўнг мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради O`z RH 51-021 “Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими. Давлат реестрини олиб бориш қоидалари” да белгиланган тартиб бўйича Ўз СМТ нинг Давлат реестрида рўйхатдан ўтказади ва сўровчига топширади. Сертификат фақат рўйхат рақами бўлган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

2.2-илова

Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва беришнинг умумий муддати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июл 318-сонли “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Қарорига асосан ишларнинг мураккаблиги даражасига, кўп меҳнат талаб қилиши ва ўзига хослигига қараб, барча ҳужжатлар берилган вақтдан бошлаб 10 иш кунидан 1 ойгача муддатда белгиланган.

## 2.3-илова

Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддатини, маҳсулотнинг ўзига хос ҳусусиятларини ва сертификатлаштириш синовларини ўтказиш шароитларини, ҳамда маҳсулотнинг МХ ни амал қилиш муддатини ва сифат тизими ёки ишлаб чиқариш сертификатлаштирилган муддатини инобатга олган ҳолда, лекин уч **йилдан ортиқ бўлмаган муддатга СИ белгилайди.**

## 2.4-илова

Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан **3 ой** олдин, сўровчи мазкур ҳужжатда кўрсатилган тартибда маҳсулотни қайтадан сертификатлаш мақсадида СИ га ариза беради.

## 2.5-илова

Чет эл мувофиқлик сертификатларини тан олиш.

Ўз СМТ га кирувчи СМИ ва СИ лари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар сертификатини сўзсиз тан олиш ҳукуқига эгадирлар.

Республикада фойдаланиладиган юртимиз ва четдан келтирилган маҳсулотларга бошқа давлатларнинг Халқаро тизимлари томонидан берилган сертификатларни тан олиш тўғрисидаги қарорни, бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси, бундай идора бўлмаганда СМИ қабул қиласи.

Халқаро тизим ва келишув доираларида сертификатларни тан олиш, ана шу тизим ва келишувларда ўрнатилган қоидага мувофиқ ўтказилади.

## 2.6-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 август 1994 йил 409-сонли “Мажбурий сертификатлаштириш керак бўлган товарлар (маҳсулотларни) Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиб кетиш тўғрисида” ги қарорига асосан “Ўзстандарт” агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда йўриқнома ишлаб чиқилиб, 26 февраль 2000 йил Адлия Вазирлигига рўйхатдан ўтган.

2.7-илова

Ушбу йўриқномага асосан мувофиқлик сертификатлари бир номдаги ёки бир хил маҳсулот гурӯхларига берилиб, унинг жорий қилиниши ҳамма маҳсулот тўпига татбиқ этилиб, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтган мувофиқлик сертификатида кўрсатилган ҳақиқий миқдорига берилади.

2.8-илова

Республикага олиб келинаётган маҳсулот божхона назорати остида сертификатлаштириш учун божхона идораси, сертификатлаштириш идораси вакиллари билан маҳсулот эгасининг ёки унинг вакили иштирокида намуна олинади. Шунга асосан сертификатлаштириш идорасининг вакили томонидан “Ўзстандарт” агентлити тасдиқлаган шаклда намуна олинганилиги ҳақида З нусхада далолатнома тузади, иккинчи нусхаси божхона идорасига тақдим этилади.

Мувофиқлик сертификати шакли тарқатма материал сифатида талабаларга тарқатилади ва ўқитувчи томонидан оғзаки шарҳланади.

### 3-савол. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ СХЕМАЛАРИ

3.1-илова

Сертификатлаштириш бўйича ИСО таркибидаги қўмита томонидан тайёрланган ҳужжатда учинчи томон тарафидан амалга ошириладиган сертификатлаштиришнинг саккизта схемаси берилган бўлиб, республикамизда ҳам айнан шу 8 та схема татбиқ этилган:

**Биринчи схема.** Бу схема билан фақат маҳсулот намуналари турларини стандартлар талабларига мувофиқлигини маҳсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан ўтказилади.

3.2-илова

**Иккинчи схема.** Бу схемада маҳсулотнинг намуна турларини маҳсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан ўтказилиб, сўнгра унинг сифатини савдо шаҳобчаларидан вақти-вақти билан олинадиган намуналар асосида назорат қилиб борилади.

3.3-илова

**Учинчи схема.** Маҳсулот намуналарининг турларини маҳсус тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказиш, сўнгра сотувчи ёки истеъмолчига юбормасдан туриб вақти-вақти билан намуналарнинг текширувани назорат қилишга асосланади.

3.4-илова

**Тўртинчи схема.** Маҳсулот намуналарининг турларини худди 1-3-схемалардадек синовдан ўтказишга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шаҳобчасидаги ҳамда ишлаб чиқаришдан олинган намуналарни текшириш назорати вақти-вақти билан ўтказиш орқали маҳсулотнинг сифати ҳисобга олинади.

3.5-илова

**Бешинчи схема.** Бу схема маҳсулот намуна турларини тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказишга ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сифатини баҳолашга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шаҳобчасида ва ишлаб чиқаришда намуналар сифатини вақти-вақти билан текширилиб назорат килиб борилади.

3.6-илова

**Олтинчи схема.** Фақат корхонадаги маҳсулотнинг сифатини таъминлаш билан тизимни баҳоланишини ўтказишга мўлжалланган. Бу усул айрим вақтда корхона-тайёрловчини атtestатлаш деб ҳам юритилади.

3.7-илова

**Еттинчи схема.** Маҳсулотнинг ҳар бир тайёрланган тўдасидан синовларга танлаб олишга асосланган. Танлаб олиш синовларининг натижаларига қараб тўдани ортиш учун қарор қабул қилиниши аниқланади.

3.8-илова

**Саккизинчи схема.** Ҳар бир тайёрланган, айрим буюмнинг стандартлар талабига мувофиқлиги синовлар ўтказиб аниқлашга асосланган. Бу хил сертификатлаштириш қимматбаҳо металлардан ва қотишмалардан тайёрланадиган буюмларда кўпроқ қўлланилади. Бундан асосий мақсад қимматбаҳо металларнинг белгиланган миқдорини, таркибини ва буюмнинг тозалигини текширишdir.

3.9-илова

**Яна бир схема** маҳсулотларни декларация мувофиқлиги сертификати бўлиб, маҳсулот ҳақидаги декларация хужжатлари билан биргаликда сертификатлаш тушунилади.

Сертификатлаштириш идораси синовларни ўтказиш, корхонадаги ва савдо шаҳобчасидаги маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш ҳамда назоратни ташкил қилиш ва шунга ўхшашларни бажариб учинчи томон вазифасини бажаради.

#### **4-савол. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ҚОНУНИЙЛИГИ ВА МЕЬЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ БАЗАСИ**

Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштиришга оид фаолиятни қонунийлиги ва меъёрий-хуқуқий базаси бўлиб қуйидаги давлат қонунлари ва меъёрий-хуқуқий хужжатлари хисобланади.

Ушбу қонунлар ва меъёрий-хуқуқий хужжатлар билан сертификатлаштириш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинади ва Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими сертификатлаштиришга оид фаолиятида ўз тартиб ва бошқарув қоидаларини ишлаб чикади ва амалга оширади:

- “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (28.12.93 й.);
- “Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (26.04.96 й.);
- “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (30.08.97 й.);
- “Мажбурий сертификатлаштириш керак бўлган товарлар (маҳсулотларни) Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиб кетиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.1994 й. 409-сонли Қарори;
- “Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.10.2002 й. 342-сонли Қарори;
- “Истеъмол товарларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни такомиллаштириш чораларини амалга ошиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.12.2002 й. 427-сонли Қарори;
- “Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаш-тиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.07.2004 й. 318-сонли Қарори;
- Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимининг асос бўлувчи меъёрий хужжатлари

Сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунда тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг) маҳсулотларини мажбурий сертификатлаштириш вақтидаги мажбуриятларида мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган **маҳсулотларни реализация қилувчилар(тадбиркорлар)**:

- мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштиришга **тақдим этишлари**;
- сертификатланган маҳсулотни сертификатлаш органларининг ўзи ёки улар эътироф этган органлар берган сертификат мавжуд бўлган тақдирдагина реализация қилишлари ва унинг норматив хужжатлар талабларига мос бўлишини **таъминлашлари**;
- сертификатланган маҳсулотни, башарти у норматив хужжат талабларига мувофиқ келмаса, шунингдек сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёхуд унинг амал қилиши сертификатлаштириш органининг қарори билан тўхтатиб қўйилган ёки бекор қилинган бўлса, реализация қилишини **тўхтатиб қўйишлари ёки тугатишлари**;
- мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотни сертификатлаштирувчи ва сертификатланган маҳсулотни назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларини монеликсиз бажаришлари учун **шароит яратишлари**;
- сертификатланган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг техникавий хужжатларига ёки технологик жараёнига киритилган ўзгаришлар хақида сертификатлаштириш органини белгиланган тартибда **хабардор этишлари**;
- илова қилинган техник хужжатда маҳсулот мувофиқ келиши лозим бўлган сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳамда норматив хужжатларни **кўрсатишлари** ва бу маълумотлар истеъмолчи (харидор, буюртмачи) эътиборига етказилишини **таъминлашлари** шарт эканлиги белгиланган.

#### 4.5-илова

Сертификатлаштириш органларининг ва синов лабораторияларининг (марказларининг) **жавобгарлиги** белгилаб қўйилган, яъни сертификатлаштириш органи:

- мувофиқлик сертификатини асоссиз ва Қонунга хилоф тарзда берганлик учун;
- аризачига нисбатан хилоф хатти – ҳаракатлари учун;
- аризачининг тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор этганлик учун жавобгар бўлади.

Аkkредитация қилинган синов лабораторияси (маркази) сертификатлаштириш органига синовларнинг натижалари ҳақида нотўғри маълумот берганлик учун жавобгар бўлади.

#### 4.6-илова

Тайёрловчилар (тадбиркорлар) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, аммо сертификатланмаган маҳсулотни реализация қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинган маҳсулот қиймати миқдорида жарима солинади. Жарима низосиз ундирилади. Жариманинг ундирилиши мажбурий сертификатлаштиришни ўтказишдан озод қилмайди.

#### 4.7-илова

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 26.04.1996 й. Қонунида товар (иш, хизмат) га тегишли ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ва истеъмолчи муносабатлари тартиб-қоидалари 30 та модда билан қамраб олинган.

**“ХА-ЙЎҚ” ТЕХНИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎЗЛАШТИРИШ  
САВИЯСИНИ ТЕЗКОР АНИҚЛАШ**

<b>№</b>	<b>Саволлар мазмуни</b>	<b>“Ха”</b>	<b>“Йўқ”</b>
1.	Сертификатлаштириш учун буюртма бериш сертификатлаштиришнинг асосий операциялари таркибига кирадими?	+	-
2.	Сертификатлаштириш идораси буюртмани ва тегишли хужжатларни кўриб чиқиб 2 кундан кечиктирмай сўровчига қарори тўғрисида хабар бериши шартми?	+	-
3.	Синов натижалари салбий бўлганида СИ сўровчига сертификатни беришдан бош тортиш сабабларини кўрсатилган хulosани берадими?	+	-
4.	Фақат корхонадаги махсулотнинг сифатини таъминлаш билан тизимни баҳоланишини ўтказишни мўлжалланган усул тўртинчи схемада назар тутилганми?	-	+
5.	Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган махсулотни сертификатлаштиришга тақдим этмаса ҳам бўладими?	-	+

**“СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ҚОИДА-ТАРТИБЛАРИ ВА  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА БЎЙИЧА  
ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. Мувофиқлик сертификатини амал қилиш муддати неча йилдан ортиқ бўлмаган муддат белгиланади?**

1. 5 йил.
2. 3 йил.
3. 10 йил.
4. 7 йил.

**2. Сертификатлаштириш схемасининг қайси бандида (схемасида) ҳар бир тайёрланган, айрим буюмнинг стандартлар талабига мувофиқлиги синовлари ўтказилиб аниқлашга асосланган?**

1. Еттинчи.
2. учинчи.
3. Саккизинчи.
4. Олтинчи.

**3. Вазирлар Маҳкамасининг “Махсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорига асосан мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва беришнинг умумий муддати қанча белгиланган?**

1. Икки ойгача.
2. Уч хафта.
3. 10 иш кунидан 1 ойгача.
4. 10 иш куни давомида.

**4. Божхона таъминотидаги импорт маҳсулотларидан намуна танлаб олиниши далолатномалари нечта нусхада тузилади?**

1. Учта.
2. Иккита.
3. Тўртта.
4. Битта.

**5. “Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қачон қабул қилинган?**

1. 8.11.92 й..
2. 28.12.93 й..
3. 11.05.95 й..
4. 7.06.2001 й..

Куйидаги иборалар метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштиришга оид атама ва тушунчалар билан тўлдирилсин.

- сертификат, стандарт, мувофиқлик, технологик аттестатлаш, мажбурий, ихтиёрий, аккредитация, учинчи томон, лаборатория, органлар, мезонлар, операциялар, буюртма, намуналар, мажбурият, текширув, жавобгарлик.

Масалан,

М У В О Ф И К						
и	с	а	л	и	д	а
н	у	з	д	з	о	й
т	л	и	и	и	р	т
а		ф	н	к	а	а
қ		а	д			
а			а			
			н			

**“СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ҚОИДА-ТАРТИБЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИ  
БЎЙИЧА ХУЛОСА**

1. Махсулотларни сертификатлаштиришни асосий операциялари, буюртмани топшириш ва кўриб чиқиш тартиби ва синов лабораторияларининг (марказларининг) асосий функциялари билан танишиб тегишли маълумотлар олинди.
2. Мувофиқлик сертификатидан фойдаланиш ҳукуқини берилиши тўғрисида тегишли фикрларга эга бўлинди, сертификат олиш тартиби ва йўлини ўрганилди.
3. Сертификатлаштириш схемаларини таҳлил этиб, вазиятга ва талабга қараб, сертификатлаштириш схемасини тегишли бандини танлаб олиш малакаси ҳосил қилинди.
4. Сертификатлаштиришни ташкил этилишини қонуний ва меъёрий базасини ўрганиб чиқилди, сертификатлаштиришга оид фаолиятда қатнашувчиларнинг вазифалари таҳлил этилди.

### 9.1. Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони 30-60 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал- ахборот маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1.Махсулот сифати ва сифат бошқаруви.</p> <p>2.Халқаро ИСО 9000 сериядаги стандартлар тўғрисида.</p> <p>3.Эксперт-аудиторлар.</p>
<p><b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Талабаларда махсулот сифати ва сифат бошқаруви ҳамда сифатни таъминлашда ИСО 9000 сериядаги стандартлар аҳамияти ҳамда эксперт аудиторлар тўғрисида маълумот ҳосил қилиш.</p>	
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b></p> <p><b>Талаба:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Махсулот сифати бўйича асосий тушунчаларни изоҳлаш, сифат даражасини баҳолаш, таъсир этувчи омиллар, махсулотни тадқикот этишдан ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш масалаларини ёритиш;</li> <li>- ИСО 9000 сериядаги стандартларни сифат тизимларини яратишида татбиқ қилиниши тўғрисида ахборот бериш;</li> <li>- Сертификатлаштириш билан боғлиқ фаолиятда фаол қатнашучи шахс эксперт-аудитор вазифалари, қўйиладиган талабалар тўғрисида маълумот бериш.</li> </ul> <p><b>Ўқитиш услуги ва техникаси</b></p> <p>Визуал-ахборот маъруза, “блиц-сўров”, баён қилиш, Кластер.</p> <p><b>Ўқитиш воситалари</b></p> <p>Маърузалар матни, проектор, тарқатма материал, график организерлар.</p> <p><b>Ўқитиш шакли</b></p> <p>Жамоа, гурух.</p> <p><b>Ўқитиш шарт-шароити</b></p> <p>Проектор, компьютер билан жиҳозланган хона.</p>

## 9.2. Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқич-лар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-боскич. Кириш (10 минут)	<p>1.1. Олдинги машғулот мавзуси бўйича қолдик билимни таҳлил этиш учун “блиц-сўров” ўтказади.</p> <p>1.2. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.</p> <p>1.3. Янги мавзу бўйича талабалар савиясини билиш учун енгил савол-жавоб ўтказади.</p>	<p>1.1. Саволларга жавоб беради, эшитади.</p> <p>1.2. Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>1.3. Эшитади, билганича жавоб беради.</p>
2-боскич. Асосий (55 минут)	<p>2.1. Визуал материаллардан ва оғзаки нутқдан фойдаланиб мавзуни ёритишга киришади. 1-савол бўйича асосий тушунчалар, таърифларни экранга чиқаради ва шарҳлайди, сўнгра график органайзерлардан фойдаланган ҳолда давом эттиради. Талабаларда сифатни таъминлашга қизиқиш уйғотишга ҳаракат қиласи ва махсулот сифатига қандай омиллар таъсир этиши мумкин деб “Ақлий ҳужум” технологияси қўллайди. Махсулот сифатига таъсир этувчи омиллар ва сифат халқасига алоҳида эътибор беради.</p> <p>2.2. Халқаро ИСО 9000 сериядаги стандартлар бўйича ишларни ташкил қилиш (2-савол) ни ёртишда бу сериядаги стандартларнинг аҳамияти тўғрисида сўз юритиб, аниқ стандартлар мисолида шарҳлайди. Бу стандартлар асосида Ўзбекистонда яратилган стандартлардан мисоллар келтиради.</p> <p>2.3. 3-савол бўйича эксперт-аудиторларнинг ўзи ким?, қандай билимларга эга бўлиши керак?- деган саволларни ўртага ташлаб изоҳлайди ва уларнинг вазифалари, қандай талабларга жавоб беришлари лозим, қайси соҳалар бўйича билимлар эгаллаши керак, улар қандай тайёрланади каби саволарни ёритади. Сўнгра “Блиц-ўйин” технологияси бўйича “Агар мен эксперт-аудитор бўлсам” деган ўйин таклиф этади.</p>	<p>2.1. Кузатади, эшитади, ёзиб боради.</p> <p>“Ақлий ҳужум” технологияси бўйича иштирок этади.</p> <p>Аниқлаштиради, эслаб қолади, маълумотга эга бўлади.</p> <p>2.2.Стандартларни маъносини эслаб қолади, маълумот олади.</p> <p>2.3.Эксперт-аудиторлар тўғрисида маълумотга эга бўлади.</p> <p>Ўйинда қатнашади, фикрларни беради.</p>
3-боскич Якуний (15 минут)	<p>3.1. Мавзу бўйича хулоса қиласи. Саволларга жавоб беради.</p> <p>3.2. Мавзуни ўзлаштирилишини текшириб кўриш учун тест саволларини ҳавола қиласи.</p> <p>3.3. “Махсулот сифати” га Кластер тузишни вазифа қилиб беради.</p> <p>3.4. Фаол қатнашган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>3.5. Фан маъруза машғулотлари бўйича умумий якун ясайди, талабаларга якуний назоратга тайёрланиб келиш тўғрисида кўрсатмалар беради, адабиётларга мурожаат қиласи.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>3.2. Ечишда иштирок этади.</p> <p>3.3. Тузиб келади.</p> <p>3.4. Эшитади.</p> <p>3.5.Эшитади,аниқлаштиради.</p>

## **ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР**

### **Олдинги маъруза “Сертификатлаштириш қоида-тартиблари ва ҳуқуқий асослари” мавзуси бўйича бўйича “блиц-сўров” саволлари**

1. Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизимида маҳсулотларни сертификатлаштириш қандай асосий операцияларни ичига олади?
2. Сертификатлаштиришга буюртма берувчи қандай хужжатларни СИ га топширади?
3. Сертификатлаштириш учун синовлар қаерда ўтказилади?
4. Республикага олиб келинаётган маҳсулот божхона назорати остида сертификатлаштириш учун намуналар олиш тартиби қандай?
5. Сертификатлаштириш схемаларидағи биринчи схема қандай амалга оширилади?

### **Янги мавзу “Сифатни таъминлаш асослари” бўйича “блиц-сўров” саволлари**

1. Маҳсулот сифати деганда нимани тушунамиз?
2. Маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар деганда нима тушунилади?
3. Маҳсулот тайёрлашнинг қайси босқичларида сифат таъминланиши керак?
4. Корхонада қайси тизимлар сифатни таъминлайди?
5. ИСО 9000 сериядаги стандартлар нимага бағишлиланган?

#### **1-савол. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА СИФАТ БОШҚАРУВИ**

##### **Маҳсулот сифати бўйича асосий тушунчалар:**

1.1-илова

**Маҳсулот** деганда меҳнат фаолияти жараённинг моддийлаштирилган натижаси тушунилиб, у фойдали хоссаларга эга бўлади, аниқ ишлаб чиқариш жараёнларида олинади ва муайян жамоа ва шахсий тавсифдаги эҳтиёжларни қаноатлантириш учун мўлжалланади.

1.2-илова


**Маҳсулот сифати** деганда, унинг вазифасига биноан муайян эҳтиёжларни қаноатлантиришга яроқлилигини белгилайдиган хоссалар йиғиндиси тушунилади.

**Маҳсулот белгиси** деганда маҳсулотнинг хар қандай хоссалари ва ҳолатларининг миқдорий ва сифат тавсифлари тушунилади.

1.3-илова

**Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи** деб маҳсулот сифатига кирувчи битта ёки бир неча хоссанинг микдорий тавсифи, унинг яратилиши ва ишлатилиши ёки истеъмолдаги муайян шароитларда қўлланишининг кўринишига айтилади.

1.4-илова



1.5-илов

Сифат ҳам бошқа тушунчалар сингари ўзининг тизимига эгадир.

**Сифат тизими** деганда, ташкилий тузилиши, масъулияти, иш тартиби, жараёнлар, ресурслар йиғиндиси бўлиб, сифатнинг умумий бошқарувининг амалга оширилиши тушунилади.

1.6-илова

**Маҳсулот сифатининг даражасини баҳолаш** деб белгиланган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларининг қийматларини аниқлаш ва уларни асос бўлувчи қийматлар билан таққослашни ўз ичига оловчи ишларнинг йиғиндисига айтилади.

1.7-илова

## МАҲСУЛОТ СИФАТИ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Дифференциал  
усул

Комплекс  
усул

Аралашган  
усул

Статистик  
усул

1.8-илова

**Дифференциал усул** деб, маҳсулотнинг сифатини биргина кўрсаткичидан фойдаланишга асосланган маҳсулот сифатини баҳолаш усулига айтилади.

**Комплекс усул** деб маҳсулот сифатини комплекс кўрсаткичларини қўлланишига асосланган маҳсулот сифатини баҳолаш усулига айтилади.

**Аралашган усулда** бир вақтнинг ичида ҳам биргина кўрсаткичдан, ҳам комплекс кўрсаткичларидан фойдаланиб маҳсулотнинг сифати баҳоланади.

**Статистик усул** билан маҳсулотнинг сифатини баҳолашда математик статистика усулларидан фойдаланилади.

1.9-илова

**Маҳсулот сифатини режалаштириш** деганда маҳсулотни чиқазиш бўйича берилган вақт ичида ёки берилган вақт оралиғида керакли сифат кўрсаткичларининг қийматлари билан асосланган топшириқни белгилаш тушунилади.

1.10-илова

**Маҳсулотни сифатини бошқариш** деганда маҳсулотни яратища унинг керакли сифатини таъминлаш ва меъёрида бўлиб туриш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракатлар тушунилади.

## 1.12-илова

**Маҳсулот сифатини бошқариш тизими** деганда бошқариш идоралари ва бошқарилувчи обьектларнинг маҳсулот сифати бошқаришида моддий техника ва ахборот воситалари ёрдамида ўзаро боғланишининг мажмуюи тушунилади.

## 1.12-илова


Махсулот сифатининг номенклатурасини танлаб олишни асослаш қуидагиларни инобатга олади

- Махсулотни ишлатилишидаги шароитларини ва вазифасини;
- Истеъмолчилар талабларининг таҳлилини;
- Маҳсулот сифатининг тавсифланувчи таркибини ва тузилишини;
- Сифат қўрсаткичларига бўлган асосий талабларни.

## 1.13-илова

Махсулот сифатига қандай омиллар таъсир этиши мумкин деб, талабаларга “Ақлий ҳужум” техникаси ёрдамида фикрлар банкини йиғади, таклифларни барчасини ёзув таҳтасига ёзиб боради.

Таклифлар		изоҳ
Омиллар	Таъминланиши	
Техникавий	Асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хужжатлар	




**Техникавий** омилларга ускуналарнинг жиҳозланиши, асбобларнинг ва назорат воситаларининг ҳамда техникавий ҳужжатларнинг ҳолатлари; дастлабки материаллар, яримфабрикатларнинг сифати ва шунга ўхшашлар киради.

**Ташкилий** омилларга режалиқ, бир маромда ишлаш, техникавий хизмат ва ускуналарни таъмирлаш; материаллар, комплектланувчи буюмлар, жиҳозланиши, асбобларни техникавий ҳужжатлар ва назорат воситалари билан таъминланганлиги, ишлаб чиқариш маданияти; меҳнатни илмий асосда ташкил этиш; овқатланиш ва иш вақтида дам олишни ташкил этиш ва бошқалар киради.

**Иқтисодий** омилларга меҳнатга пул тўлаш шакллари, ойлик маошнинг миқдори; юқори сифатли маҳсулотни ва ишни моддий рағбатлантириш; маҳсулотнинг яроқсизлиги учун ойлик маошидан ушлаб қолиш; унинг сифат даражаси; таннархи; маҳсулотнинг баҳоси ва шунга ўхшашлар киради.

**Ижтимоий** омилларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш; малака оширишни ташкил қилиш; илмий-техникавий ижодни, ижодкорлик ва ихтирочиликни ташкил этиш, турмуш шароитлари, ўзаро муносабатлар, жамоадаги психологик иқлим ва тарбиявий ишлар киради.



## **СИФАТ ХАЛҚАСИ ТЎҒРИСИДА**

1.16-илова

Маҳсулот сифатининг ташкил топиши, унинг ҳамма ҳаётий босқичларида: тадқиқот ва лойихалаш ишларида; ишлаб чиқаришда; мумомалада; истеъмолда ёки ишлатишида намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш бирлашмаларыда, корхоналарда ишлаб чиқариш босқичида қўйилган мақсадларга ва вазифаларга эришишда маҳсулот сифатини бошқариш тизимлари таъминлайди.

## **2-савол. ХАЛҚАРО ИСО 9000 СЕРИЯДАГИ СТАНДАРТЛАР БҮЙИЧА ИШЛАРНИ ТАШКИЛ КИЛИШ**

2.1-ИЛОВА

Охирги пайтларда 9000 сериядаги ИСО халқаро стандартлари түғрисида күп әшитаяпмиз. Хүш, бу стандартлар қандай стандартлар ва нима үчүн қўлланилади?

Бу сериядаги стандартлар сифат тизимларини корхоналарда татбиқ этишга мүлжалланган халқаро моделлар бўлиб хисобланади.

2.2-Илова

Чет давлатларда сифат тизими бўлмаган корхона ёки фирма билан ишлаб бўлмайди. Чунки биринчидан ҳеч кандай кафолат йўқ, иккинчидан эса сиз шартнома тузганингизда ҳам, сиз билан ишловчи бошқа субъектлар бундан боҳабар бўлганларида уларнинг сизга нисбатан ишончлари камайиши мумкин. Шу сабабдан сифат тизимларига ниҳоятда жиддий аҳамият берилмоқда.

ISO нинг сифат таъминоти хусусидаги асосий стандартлари:

ISO 9000, "Сифатни умумий бошқариш ва сифатни таъминлаш бўйича стандартлар. Танлаш ва қўллаш бўйича раҳбарий кўрсатмалар";

ISO 9001, "Сифат тизимлари. Лойиҳалашда ва (ёки) ишлаб чиқаришда, йиғишида ва хизмат кўрсатишда сифатни таъминлайдиган модел";

ISO 9002, "Сифат тизимлари. Ишлаб чиқаришда ва йиғишида сифатни таъминлайдиган модел";

ISO 9003, "Сифат тизимлари. Тугал назоратда ва синовларда сифатни таъминлайдиган модел";

ISO 9004, "Сифатни умумий бошқариш сифат тизимларининг элементлари. Раҳбарий кўрсатмалар";

ISO 10011 "Сифат тизимларини текширишда раҳбарий кўрсатмалар";

ISO 10012 "Ўлчаш воситаларининг сифатини таъминлайдиган талаблар".

## 2.4-илова

Халқаро ИСО 9000 сериядаги стандартларни қабул қилиниши қўп давлатларда сифат тизимини сертификатлаштиришнинг ягона меъёрий базасини яратди. Экспертларнинг фикрича бугунги кунга ИСО 9001, ИСО 9002, ИСО 9003 стандартлари асосида дунё бўйича 300000 компаниядан кўпроғи сертификатлаштирилган.

## 2.5-илова

Сифат тизимларига тегишли бўлган ИСО стандартларини пайдо бўлиши сифат тизимлари қандай критерийларга (талабаларга) жавоб бериши керак деган саволга жавоб бўлиб, корхонанинг сифатни таъминлаш имконияти ва етарли даражада етказиб берувчининг ишончлилиги тўғрисида холоса қилишга асос бўлди.

## 2.6-илова

ИСО нинг бошқа стандартлари каби, ИСО 9000 сериядаги стандартлари ҳам актуаллаштириш мақсадида даврий қайта кўришга жалб этилади. Ҳозирги пайтда ИСО 9001, 2 ва 3 ларни бирлаштирган 2000 йил таҳриридаги ИСО 9001 стандарти ижрога татбиқ этилган.

Ўзбекистонда яратилган ИСО 9000 стандартлари туркуми барча турдаги ва катталиқдаги ташкилотлар учун сифат менежментининг самарали тизимларини жорий этиш ва ишлатишни таъминлашга ёрдамлашиш учун ишлаб чиқилди.

Масалан, О'з DSt ISO 9000:2009. Сифат менежменти тизимлари. Асосий қоидалари ва луғат; О'з DSt ISO 9001:2009. Сифат менежменти тизимлари. Талаблар.

### **3-савол. ЭКСПЕРТ-АУДИТОРЛАР**

**Эксперт-аудитор** деб, сертификатлаштириш соҳасида муассаса ва корхоналар фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш хуқуқига эга бўлган аттестатланган шахсга айтилади.

Эксперт-аудитор сифатида “Ўзстандарт” томонидан белгиланган тартибда аттестатланган фан, саноат, майший хизмат, олий ўкув юртлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳамда белгиланган ҳужжатлар билан ишлашда етарли чуқур билимга эга бўлган хусусий шахс ҳам бўлиши мумкин.

Эксперт-аудитор ўз фаолиятини сертификатлаштириш миллий идораси, бир турдаги маҳсулотни сертификатлаштириш идоралари, сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш доирасида амалга оширади.

#### **Эксперт-аудитор қуйидаги вазифаларни бажаради:**

- маҳсулот, жараён, хизматларни, сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш;
- сертификатлаштирилган маҳсулот, жараён ва хизматларнинг тавсифларини ҳамда сертификатлаштирилган сифат тизимларини ва ишлаб чиқаришнинг турғунлигини назорат қилиш;
- сертификатлаштириш бўйича аккредитлаш идоралари, синов лабораторияларини (марказларини) ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш;
- сертификатлаштиришда тавсиялар бериш.

### 3.4-илова

#### **Эксперт-аудитор муайян талабларга жавоб берииши лозим:**

- тўлиқ олий маълумотли ва сертификатлаштириш соҳасида етарли билимга эга бўлиб, фаолияти сертификатлаштиришнинг маълум тури бўйича аттестатланган бўлиши керак;
- олий ўкув юртини тамомлагандан сўнг камидаги 5 йиллик амалий стажга эга бўлиши, шундан камидаги 3 йили стандартлаштириш, метрология, синовлар, сифатни бошқариш ва таъминлаш соҳаларида ишлаган бўлиши керак.

### 3.5-илова

Эксперт-аудитор чуқур билимли, тадбиркор бўлмоғи лозим. У қуйидаги соҳалар бўйича билимларни мукаммал эгаллаган бўлиши шарт:

- республика сертификатлаштириш миллий тизимининг қоида ва тартиблари;
- сертификатлаштириш ўтказиш бўйича билимлар ва меъёрий хужжатларни тушуниш;
- сертификатлаштириш ва аккредитлаш бўйича асосий ишлар мазмуни;
- сертификатлаштириш ва аккредитлаш бўйича иқтисодий ва хуқуқий асослари;
- мамлакат ичидағи ва чет эллардаги сертификатлаштириш ва аккредитлаш тажрибаси;
- стандартлаштириш, метрология ва сифат тизимларининг асослари;
- текширув ўтказиш ва сифатни бошқаришнинг статистик усуллари.

### 3.6-илова

Эксперт-аудитор таҳлил қилиш, мантиқий асослаш, ўзининг фикрини қаттиқ ва асосланган ҳолда ҳимоя қилишлик; ижодий қобилиятга ва мураккаб вазиятда тўғри қарор қабул қилиш хусусиятларига эга бўлиши; ҳаққоний, маъсулиятли, принципиал равишда хайриҳоҳ, хушмуомалали, одобли ва ўзини тутабилишлик каби шахсий сифатларга эга бўлиши керак.

Корхоналарда сертификатлаштириш соҳасидаги ишларни инобатга олиб, сертификатлаштириш миллий идораси “Ўзстандарт”, томонидан эксперт-аудиторлар тайёрлаш маҳсус курслари ташкил этилиб, бу соҳадаги ўқишнинг ташкилий томонлари ЎзСМСИТИ нинг асосий фаолиятларидан бири деб қаралмоқда. Эксперт-аудиторларни тайёрлаш одатда икки босқичда олиб борилади: назарий билимларни олиш ва аттестатлаш натижасида уларга тегишли расмий ҳужжатлар топшириш.

### **“БЛИЦ-СЎРОВ” ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Ушбу технология бўйича талаба ўзини ижрочи сифатида фараз қиласди ва шу ролда нима қилинишини фикрлайди ва ёзади, ёки эркин ҳолда фикрини намойиш этади:

“Агар мен эксперт-аудитор бўлсам”,.

Жавоблар: ...

### **“КЛАСТЕР” ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Бу усулда “Махсулот сифати” ҳақида билган ибораларни ёзилиши талабалардан илтимос қилинади. Кейин эса ҳар бир иборага маънодош сўзларни яна ёзиш сўралади.

### **“СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

**1. Вазифасига биноан муайян эҳтиёжларни қаноатлантиришга яроқлилигини белгилайдиган хоссалар йиғиндиси қандай тушунилади?**

- |                      |                     |
|----------------------|---------------------|
| 1. Сифат кўрсаткичи. | 3. Махсулот сифати. |
| 2. Махсулот белгиси. | 4. Сифатни баҳолаш. |

**2. Махсулотнинг сифатини биргина кўсраторкичидан фойдаланишга асосланган сифатини баҳолаш усулига қандай усул дейилади?**

- |                  |               |
|------------------|---------------|
| 1. Комплекс.     | 3. Арабашшан. |
| 2. Дифференциал. | 4. Статистик. |

**3. Кадрларни танлаш, жой-жойига кўйиш; малака оширишни ташкил қилиш; илмий-техникавий ижодни, ижодкорлик ва ихтирочиликни ташкил этиш; турмуш шароитлари, ўзаро муносабатлар, жамоадаги психологик иқлим ва тарбиявий ишлар қайси турдаги омилга киради?**

- 1. Техникавий.
- 2. Ташкилий.
- 3. Иқтисодий.
- 4. Ижтимоий.

**4. ИСО нинг сифат таъминоти хусусидаги асосий стандартларидан қайсиниси “Сифатни умумий бошқариш ва сифатни таъминлаш бўйича стандартлар. Танлаш ва қўллаш бўйича раҳбарий кўрсатмалар” га бағишиланган?**

- 1. ИСО 9000.
- 2. ИСО 9003.
- 3. ИСО 10011
- 4. ИСО 10013

**5. Сертификатлаштириш соҳасида муассаса ва корхоналар фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс деб ким айтилади?**

- 1. Тадбиркорлар.
- 2. Эксперт-аудиторлар.
- 3. Давлат инспекторлари.
- 4. Бош давлат инспекторлари.

### **“СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗА МАШГУЛОТИ БЎЙИЧА ХУЛОСА**

1. Махсулот сифати бўйича асосий тушунчалар ва уларнинг моҳияти билан танишиб чиқилди, махсулот сифати ва сифат бошқаруви масалалари изоҳланиб, таҳлил этилиб тегишли маълумотларга эга бўлинди.

2. Халқаро ИСО 9000 серияли стандартлар ва уларнинг стандартлаштиришдаги ва махсулот сифатини таъминлашдаги аҳамияти ўрганиб чиқилди.

3. Эксперт-аудиторларнинг сертификатлаштиришдаги ўрни, уларнинг вазифалари ва уларга юклатилган функциялари билан танишиб чиқилди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Метрология тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 28 декабр, 1993.
2. Стандартлаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 28 декабр, 1993.
3. Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 28 декабр, 1993.
4. Истеъмолчиларни хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 26 апрел, 1996.
5. Исматуллаев П.Р., Қодирова Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Ўқув қўлл. – Т.: ТДТУ, 2007.
6. Абдувалиев А.А. и др. Основы стандартизации, сертификации и управления качеством. Учеб. пособие.- Т.: Издательство «Fan va texnologiya»,2005.
7. Мухамедов Б. Метрология, технологик параметрларни ўлчаш усуллари ва асборлари. ОТУЮ учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи 1991.
8. Сергеев А.Г., Крохин В.В. Метрология: Учеб. пособие для вузов. – М.: Логос, 2001.
9. Рудзит Я.А., Плуталов В.Н. Основы метрологии, точность и надежность в приборостроении: Учеб. пособие. – М.: Машиностроение, 1991.
10. Якушев А.И. и др. Взаимозаменяемость, стандартизация и технические измерения. – М.: Машиностроеник, 1987.
11. Ахроров Н. Ўлчовшунослик асослари ва электр ўлчашларидан амалий ишлар. ОУЮ учун ўқув қўлл. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
12. Ўз РСТ 1.10-93. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Асосий атамалар ва таърифлар.
13. Ўз РСТ 8.010 – 93. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими. Метрология. Атамалар ва таърифлар.
14. Ходиев Б.Ю. ва бошқ.Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлл. – Т.: ТДИУ,2007.
15. Омонов Н.Т. ва бошқ. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Дарслик.- Т.: «Иқтисод-молия», 2009.
16. Нигматов Ж.М. Метрология, стандартлаш ва сертификациялаш. Маъruzалар матни. – Фарғона.: ФарПИ, 2008.

## **МУНДАРИЖА**

1. 1-Маъруза. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг кишилиқ жамиятидаги аҳамияти.....	5
2. 2-Маъруза Ўлчов воситалари ва ўлчашлар.....	18
3. 3-Маъруза. Ўлчашлар бирлигини таъминлаш.....	33
4. 4-Маъруза. Стандартлаштириш ва шу соҳа ташкилотлар.....	48
5. 5-Маъруза. Стандартлаштириш тизими ва меъёрий хужжатлари.....	65
6. 6-Маъруза. Стандартлаштириш тартиб-қоидалари ва давлат назорати.....	79
7. 7-Маъруза Сертификатлаштириш ва сертификатлаштириш ишла- рини ташкил этиш.....	92
8. 8-Маъруза. Сертификатлаштириш қоида-тартиблари ва хуқуқий асослари.....	106
9. 9-Маъруза. Сифатни таъминлаш асослари.....	123
10. Фойдаланилган адабиётлар.....	136